

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВА ШАХЛО ТОШПЎЛАТОВНА

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ
ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

МОНОГРАФИЯ

НАВОИЙ- 2012 ЙИЛ

Монографияда бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш, яъни: ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари, йўллари ва самарадорлиги ёритилган.

Монография педагогика фанининг назарий ва амалий тамонини ечган учун, ундан талабалар, ўқувчилар фойдаланса бўлади. Бундан ташқари монографиядан таълим соҳасидаги ҳамма изланувчилар фойдаланса бўлади..

Маъсул муҳаррир: Педагогика фанлари доктори,
профессор Х.И.Ибрагимов

Такризчилар: Педагогика фанлари доктори,
профессор М.Тохтаходжаева

Педагогика фанлари доктори,
профессор Абдуллаева Б.С.

Монография Навоий давлат педагогика институти Илмий кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2012 йил _____даги _____-сонли баённома).

МУНДАРИЖА

Бетлар

КИРИШ	
<u>I-БОБ.</u> БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Педагогика ва психология назариясида ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш муаммосининг ёритилиши.....	
1.2. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари.....	
1.3. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини бошқариш.....	
ХУЛОСА	
<u>II-БОБ.</u> БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	
2.1. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш шарт-шароитлари.....	
2.2. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш шакл ва методлари.....	
2.3. Ўйинлар воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш.....	
ХУЛОСА	
<u>III-БОБ.</u> БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ	
3.1. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш.....	
3.2. Тажриба-синов натижалари.....	
ХУЛОСА	
УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар шу жамиятда яшаётган ҳар бир инсонни ўз имкониятларини рўёбга чиқара оладиган эркин, ижодкор шахс сифатида тарбиялашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури”да ҳам баркамол шахс тарбиясига асосий эътибор қаратилган. Чунки, ўз билими, салоҳияти, имкониятларини жамият тараққиётига тўлиқ сарфлаб, мустақил фикрлай оладиган ижодкор шахсларни шакллантириш, жамиятда туб ўзгаришлар бўлишига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади... Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим”[1],-деб таъкидлаши таълим соҳасини янгилашда ҳам устувор вазифа бўлиб саналади. Чунки шу жамиятда яшайдиган инсон кенг фаолиятга тайёрланар экан, унинг ривожланиши, тафаккурини янгилашда ўқув жараёнига илғор технологияларни киритиш, ўқувчиларнинг эркин мустақил фикрлаш, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришни тақозо этади.

Инсон фаолияти – унинг ривожланиши учун зарур шароит бўлиб, унинг жараёнида шахс ҳаётини тажрибага эга бўлади, атроф-оламни идрок этади, билимларни ўзлаштиради, малака ва кўникма ҳосил қилади.

Ҳозирги даврда замонавий техника ва технологияларнинг ҳаётга кириб келиши инсон фаолиятида, ижтимоий онгида катта ўзгаришлар бўлишини тақозо этмоқда. Зеро, олам тўғрисида ва инсоннинг ҳаётда тутган

ўрни тўғрисидаги тасавурлари ўзгармоқда, тафаккури ва оламни тушинишнинг янги усуллари шаклланмоқда, маънавий-амалий ўзлаштиришнинг янги воситалари ва усулларига ўтиш юз бермоқда.

Бошланғич синф ўқувчисининг фаолиятида ижодкорлик унинг самарали таълим фаолиятини белгилаб берувчи илмий тасавурлари эвристик таълимнинг педагогик асоси саналади. Ўқувчидаги билиш жараёни ижодкорлик натижасида юз беради. Изланишлар жараёнида ижодкорлик фаолияти намоён бўлиши учун аниқ мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган, меъёрларга эга бўлган, ўз-ўзини англаган фаолият зарурияти сезилади. Бу эса ўқувчида атроф-олам объектлари ва улар ҳақидаги билимларни ўзлаштириш; таълим самарадорлигини вужудга келтириш, фаолиятнинг аввалги турларига таянишни тақозо этади.

Ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнида унинг ақлий-интеллектуал, ижодий хусусиятлари намоён бўлади. Бу борада, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг таълим жараёнида ижодий фаолиятини шакллантириш имкониятлари кенгроқ бўлиб ҳисобланади. Чунки бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ақлий қобилияти, диққати фикрлаш даражаси фаол ривожланади. Бир қатор психолог ва педагог олимлар: А.В. Петровский, Б.М.Теплов, В.А. Крутецкий, Э. Ғозиев, Ғ.Шоумаров, О. Розиков, Б. Адизов [] таъкидлашларича, - бу даврда ўқув фаолияти таъсирида болаларнинг руҳий фаолияти, диққати, хотираси, идрок этиш даражаси, тафаккури, ҳис-туйғуси каби жараёнлар ривожланади. Мазкур ёшдаги болаларнинг ижодий фаолиятлари бир-биридан фарқ қилар экан, уларнинг истеъдоди ҳам турлича намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг майл ва интилишлари билиш ва ижодий фаолиятлари, истеъдодларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мустақиллик туфайли амалга оширилаётган таълим ислохотлари ўз ишига ижодий ёндашувчи, фан, техника, санъат, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадиган юксак малакали кадрлар тайёрлашга боғлиқ. Шунга кўра, жамият тараққиёти

талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқувчини ижодкорлик руҳида тарбиялаш муҳим ва зарурдир.

Ижодкорлик - фаолиятнинг турли ҳолатларида пайдо бўлади. Қизиқиш илҳом, интилиш ва бошқалар ижодкорликнинг инсон онгида энг олий тарзда пайдо бўлишидан тортиб, то намоён бўлишигача жараёнини ўз ичига олади. Шахснинг **ижодий фаолият** эҳтиёжи фаолиятда янги, илгари мақсад қилиб қўйилмаган бунёдкорлик интилишини билдиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир шахснинг ижодкорлик фазилатларининг шаклланиши айнан мактабда бошланади. Зеро, мактабда турли салоҳият ва қобилиятга эга болалар таълим олади ва болалардаги ана шу лаёқатни ва салоҳиятни ривожлантириш мактаб ўқитувчиларининг биринчи галдаги вазифасидир. Болалардаги ижодий фаолиятнинг ҳар қандай куртаклари таълим-тарбиядан ташқарида, фаолиятдан ташқарида камол топа олмайди.

Таълим-тарбия жараёнида болалардаги яширин истеъдодларни юзага чиқариш, кичик мактаб ёшидан бошлаб ўз фаолиятини намоён қилиши учун имконият яратиш, улардаги ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш - келажакда юксак салоҳиятли, ижтимоий фаол, ўткир зеҳнли, кашфиётчилик қобилиятини намоён эта оладиган рақобатбардош кадрларни вояга етказиш гарови бўлиб ҳисобланади. Бу давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири – ҳар томонлама баркамол инсонни вояга етказиш ғоясига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: А. М. Матюшкин, И. С. Аверина, Г. Д. Чистякова []лар ўқувчи шахсининг ижодий фаолиятини ташкил қилиш масалалари устида изланиш олиб бориб, уларнинг ҳар бир ривожланиш босқичи билиш жараёнларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда қаралиши лозимлигини уқтирадилар.

Р.Ибрагимов, О. Розиков, В.Каримова, Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров,З.Нишонова, Б. Қодировлар ҳам шахснинг ижодий фаолиятини ривожлантиришни унинг ақлий қобилияти, билиш фаолияти, мустақил фикр юритиш муаммоларига боғлаб талқин этадилар. Жумладан, В. Каримова

шахснинг фаоллиги, фаолият турлари ва уларни бошқаришда ижтимоий-хулк мотивацияси устида илмий изланиш олиб борган [48]. Р. Ибрагимовнинг тадқиқот иши бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асосларини тадқиқ этишга бағишланади [].

Б. Адизов эса бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий билиш қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик технологияларини ишлаб чиқиш устида изланиш олиб борган [].

Н. Х. Юнусова ижодий фаолият ёрдамида бошланғич синф ёшидаги ўқувчиларни тарбиялаш муаммосини тадқиқ этиб, ижодий фаолият орқали тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаш моделини тузиб чиқади [].

Адабиётларнинг назарий таҳлилларидан аён бўлишича, Республикамизда бу борада тадқиқот олиб бораётган олимларнинг аксарияти ўқувчиларда ижодий қобилиятни шакллантиришга уларнинг ақлий салоҳиятини ривожлантириш орқали ёндашадилар. Ўқувчининг ижодий фаолияти эса айнан унинг фаолияти жараёнида:

- ўз-ўзини ривожлантириш;
- ўқув фаолиятининг илғор технологиялар асосида қурилиши;
- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг қарор топиши;
- ўқув фаолиятининг ўқувчилар ички мотивга асосланган ҳолда изланувчанлик йўналишини касб этиши орқали ўз ифодасини топади. Лекин бу борада шу пайтгача илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Шунга кўра биз ўз тадқиқот ишимизнинг мавзусини “Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш” деб белгиладик.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтининг “Баркамол инсон шахсини шакллантириш ва уни ижтимоий педагогик моҳияти” мавзусидаги илмий тадқиқот режаси таркибида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантиришни назарий жиҳатдан асослаш ҳамда

шарт-шароитларини аниқлаш; ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантирувчи методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти: бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришнинг самарали йўллари, метод ва шакллари.

Тадқиқотнинг илмий фарази:

Агар:

-бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш илмий - амалий асосга эга бўлса;

-бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик ўзига хослиги аниқланса;

-бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини шакллантиришнинг самарали йўллари, шакл ва методлари мақсадга мувофиқ ташкил этилса;

-бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш мониторинги ишлаб чиқилса, бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантириш самарадорлиги ортади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Педагогик назария ва амалиётида муаммонинг ёритилишини таҳлил этиш;
2. Ижодий фаолият тушунчасининг мазмун моҳиятини тавсифлаш;
3. Бошланғич синф ўқувчилари ижодий фаолиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
4. Бошланғич синфларда ижодий фаолиятни шакллантиришнинг амалиётдаги аҳволини ташхис этиш;
5. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришнинг шакл ва методларини ишлаб чиқиш;
6. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш самарадорлиги даражасини аниқлаш.

Тақдиқот методлари: илмий назарий таҳлил; педагогик таҳлил; педагогик кузатув; суҳбат; интервью; сўровномалар; тажриба-синов; қиёсий таҳлил; математик –статистика; натижаларни умумлаштириш;

Таққиқотнинг методологик асослари: Шахснинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга доир ҳозирги даврда педагогика ва психология соҳасидаги илғор ғоялар, етакчи педагог ва психологларнинг ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришга янгича ёндашувларига доир фикрлари, Республика Президенти И.А.Каримовнинг таълимни ислоҳ этишга доир ғоялари, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Республика ҳукумати ҳамда вазирликларнинг таълим-тарбияни янгилашга доир меъёрий ҳужжатлари.

Таққиқотнинг янгиллиги:

-ҳозирги даврда ўқувчиларда ижодий фаолиятни шакллантириш муаммосининг илмий-назарий жиҳатлари асосланди;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини шакллантириш хусусиятлари аниқланди;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини шакллантириш модели ва асосий мезонлари белгиланди;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини шакллантириш мазмуни, шакл ва методлари тавсия этилди;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини шакллантириш самарадорлиги даражаси аниқланди.

Таққиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти: таққиқот натижалари асосида бошланғич таълим педагогикаси ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантиришга доир назарий ёндашувлар билан бойитилди, таълим жараёнида эса илмий методик тавсияларга эга бўлинди. Шунингдек, натижалардан бошланғич таълим ўқитувчилари учун дастур, дарслик, методик қўлланма яратишда педагогика институтларининг

бошланғич таълим факультетларида, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида маърузалар, ўқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот уч босқичда олиб борилиб, унинг биринчи босқичи (2006- 2007 йиллар) да методологик, фалсафий, психологик, педагогик, илмий-педагогик, илмий-методик ва бошқа адабиётлар ўрганилди ва таҳлил қилинди ҳамда муаммонинг ҳолати ҳақидаги хулосалар чиқарилди. Диссертациянинг илмий аппарати, мазмуни ишлаб чиқилди ва илмий фараз илгари сурилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи (2007-2008 йиллар)да тадқиқот дастури ишлаб чиқилди; бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фаолиятни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари ўрганилди ҳамда муаммонинг педагогик асослари ишлаб чиқилди; тажрибавий машғулотлар мазмуни ва методикаси, замонавий дарс технологиялари, топшириқлар мазмуни ва талаблари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичи (2008-2009 йиллар)да тажриба – тадқиқот ишлари ўтказилди тажриба методикасини амалга ошириш ва тажриба давомида текшириш, уларнинг педагогик самарасини аниқлаш; динамикасини кузатиш, тажриба натижаларини миқдор – сифат кўрсаткичлари бўйича ўрганиш ва таҳлил қилиш (солиштириш ва таққослаш) ишлари олиб борилиб, олинган маълумотлар ва натижалар асосида назарий хулосалар чиқарилди.

Тадқиқотнинг ҳаётга тадбиқ этилиши ва муҳокамалардан ўтиши: асосий ғоялари ва илмий хулосалари Республика илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялари ва семинарларида қилинган маърузалар, методик қўлланма ва илмий-методик журналларда эълон қилинган мақолалар орқали ҳаётга тадбиқ этилди.

Тадқиқот ишининг синовдан ўтганлиги : тадқиқот иши Навоий давлат педагогика институтининг Педагогика факультетида ва Навоий шаҳрининг 5, 6, 10, 17- ўрта мактабларида ва Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 3, 5, 20 -сон ўрта мактабларида синовдан ўтди.

Тадқиқот хулосаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги:

тадқиқотга доир илмий-назарий манбаларда илгари сурилган ғоялар билан асосланганлиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос танланган методлардан фойдаланилганлиги, тажриба-синов натижаларининг амалиётчилар томонидан маъқулланганлиги, илгари сурилган фаразнинг илмий-амалий жиҳатдан ўз исботини топганлиги ҳамда математик-статистик таҳлили билан белгиланади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ғоялар:

1. Ўзбекистон Республикасининг бошланғич таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш жамиятнинг таълим тизими олдига кўяётган ижтимоий буюртмаси эканлиги.
2. Ўрганилаётган муаммога мос ўқув фанлари дастурларининг педагогик-тарбиявий имкониятларини аниқлаш.
3. Бошланғич таълимда ўқув предметлари асосида дарсларни замонавий лойиҳалаш тизими, технологияси, инновацион методлари, оптимал воситалари.

Тадқиқот ишининг эълон қилинганлиги: диссертация асосий мазмунига доир 1та методик қўлланма ва илмий-методик журналларда 4 та мақола ҳамда илмий тўпламларда 4 та маъруза материаллари эълон қилинган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши: диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, адабиётлар ҳамда иловалардан иборат бўлиб, жами 120 саҳифани ташкил этади.

I - БОБ. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Педагогика ва психология назариясида ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш муаммосининг ёритилиши

Ҳозирги даврда замонавий техника ва технологияларнинг ҳаётга кириб келиши инсон фаолиятида, ижтимоий онгида катта ўзгаришлар бўлишини тақозо этмоқда. Зеро, олам тўғрисида ва инсоннинг ҳаётда тутган ўрни тўғрисидаги тасаввурлари ўзгармоқда, тафаккури ва оламни тушунишнинг янги усуллари шаклланмоқда, маънавий-амалий ўзлаштиришнинг янги воситалари ва усулларига ўтиш юз бермоқда.

Таълимда ижодий изланишлар ҳақиқий илмий назарияга, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларига, ўқитишнинг назарий асослари, шахс ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлари ва унинг шакллантириш шароитлари тўғрисидаги билимларнинг кенг тизимига таянган ҳолдагина мувафаққият қозонади.

Инсон ҳаёти шароитларини ўзгартирувчи ва инсонни ўзини ҳам ўзгартирувчи фаолият ҳозирги замонда таълимнинг умумий асосидир. Инсон фаолияти жамият тараққиётининг ҳар бир тарихий даврида турли хил кўринишлар, фаолиятнинг турли шаклларида фарқланади.

Бироқ ички муносабатлар, улар ўртасидаги алоқалар доимий ва умумий бўлиб қолаверади. Улар фаолият тизимини ҳосил қилувчи асослардир.

Маълумки, инсон ўз ғоя, фикр, қарашларини фақат фаолият давомида амалда қўллайди ва қайта яратади.

Фаолият - атроф оламга нисбатан инсоннинг ўзига хос фаол муносабатидир. Чунки инсоннинг ҳаётда намоён бўлишининг муҳим шакли унинг воқеа - ҳодисаларга бўлган фаол иштирокидир. Ҳар қандай фаолиятда ҳаётини тажриба тўплангани, инсонда ўз атрофини ўраб олган

борлиқни билиш жараёни кечади, маълум билимлар эгаллаб олинади, малака ва кўникмалар ҳосил бўлади, натижада инсон фаолияти ривожланади.

Шахс ривожланишига ирсият, муҳит, тарбиянинг таъсири билан бирга унга фаолиятнинг таъсири ҳам ўта муҳимдир.

“Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият – бу унинг фаоллигидир. Фаоллик – (лотинча “aktus”)- ҳаракат, “aktivus” –фаол сўзларидан келиб чиққан тушунча) шахснинг ҳаётдаги барча ҳатти-ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир”,- деб таъкидлайди ўзбек олимаси В. М. Каримова [,48]. Шунинг учун ҳам психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уддалашга алоқадор сифатлари орқали баён этилади.

«Ижодий фаолият»,-деб таъкидлайди А. М. Матюшкин – билиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган тизимдир »[,36].

Бир қатор психолог олимлар - Н.П. Шчерба, В. С. Юркевич, Е. Л. Яковлевалар: «Ижодий фаолият –инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёнидир. Ўқувчи шахси айнан турли фаолликлар жараёнида шаклланади » [111,23,46],-деб ҳисоблайдилар¹.

А. Н. Леонтьев фикрича, фаолиятнинг асосий психологик назарияси ва таълимга фаолиятли ёндашув куйидаги ғоялар ва тамойилларни ўзида қамраб олади:

1. Фаолиятга методологик асос бир томондан объектив дунё, иккинчи томондан мияга руҳиятнинг таъсири натижасида вужудга келади .
2. Руҳий таъсирнинг фаоллик касб этиши – бу субъектнинг эҳтиёжи асосида амалга ошади.

¹ Бу бетда ва кейинги бетларда европа олимлари томонидан берилган фикрларини биз таисима қилганбиз.

3. Моддий дунёда субъектни фаолиятга йўналтириш, фаолиятнинг ўзи ҳам ижтимоий муносабатларда таркиб топади.
4. Инсон фаолияти руҳиятининг ижтимоий тарихий табиатига боғлиқ бўлиб, бу жараён ижтимоий ҳаётнинг ўзида амалга ошади.
5. Инсон фаолиятида руҳият ички фаолият сифатида намоён бўлади [34].

Барча таҳлилларни умумлаштириб, қуйидаги фикрга келинди: фаолият – инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ўқувчи шахсининг эҳтиёжларидан келиб чиқадиган, ҳамда эгалланган билимларни татбиқ этиш, ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаоллик шаклидир.

Фаолият жараёнида инсон шахсининг ҳар томонлама яхлит ривожланиши, атроф- оламга муносабати шаклланади. Инсон фаолияти мақсадга мувофиқ амалга ошиши учун уни тўғри ташкил этиш ва тўғри йўналтириш лозим. Лекин кўп ҳолларда шахсининг ривожланиши имкониятларидан фойдаланилмайди, тарбияланувчилар кўпинча ижтимоий меҳнат, билиш фаолиятини фаол ташкил эта олмайдилар, ҳаётда суст ҳаракат қиладилар.

Ўқувчилар фаолиятининг асосий турларига ўйин, ўқиш, меҳнатни киритган ҳолда унинг асосий йўналишларини билиш, ижтимоий, спорт, бадиий, техник, ҳунармандчилик, эмоционал фаолиятларига ажратиш мумкин.

Фаолият фаол ва пассив бўлади, фақат фаол фаолият инсоннинг барча имкониятларини руёбга чиқаришга ёрдам беради. Бундай фаолият инсонда қониқиш ҳосил қилади, инсон куч -қувватга тўлади.

Ўқишда фаоллик ижтимоий тажрибаларни тезроқ ўрганиб, англаб олишга, коммуникатив қобилиятини ривожлантиришга, ўзини ўраб турган атроф-оламга муносабатини шакллантиришга олиб келади. Билиш фаоллиги эса боланинг интеллектуал ривожланишини таъминлайди.

Меҳнатда фаоллик шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланишга ундайди, уни янада муваққиятли меҳнат қилишга йўллайди. Ривожланаётган шахсни доимий фаолликка анча мураккаб ва қийин кечади. Зеро, ўқувчининг турли ёшда унинг фаолияти ўзгариб туради. Шунинг учун бу борада мактабдаги оммавий тадбирлар билан бирга ҳар бир ўқувчининг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга оладиган ишлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Инсон қобилияти ва истеъдоди муваффақиятларга эришишининг асосий шарти ҳам инсоннинг фаоллигидир. Чунки ўқитувчи қай даражада маҳоратли бўлмасин, агар ўқувчининг ўзи фаол бўлмаса, у муваффақиятга эриша олмайди. Чунки ўқитувчи ўқувчини ўқитиш жараёнида уни бошқариб боради. Шунинг учун ҳам ўқувчи ўз фаолиятида ўзига аҳамиятли бўлган, ўзига жалб эта оладиган ҳаёт муммолари билан шуғуллана бориб, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ривожланади.

Хуллас, шахс фаоллиги унинг ривожланишида восита эмас, балки унинг натижаси ҳамдир. Таълим-тарбия шу вақтда мақсадга эришадики, қачон у ўзига ҳам бошқалари ҳам қувонч келтира оладиган ижтимоий, фаол, ташаббускор, ижодкор шахсни шакллантира олса. Ана шунда шахс фаолияти жараёнида унинг барча потенциал имкониятлари руёбга чиқади»[, 93]. Фаолиятга файласуфлар субъектининг объект билан ўзаро ҳаракати жараёнидаги вазифасини характерлайдиган тушунча сифатида таърифлайдилар. Фаолият инсон учун атроф-олам билан ўзига хос алоқа, улар ўртасида восита бўладиган, тартибга соладиган назорат қиладиган, ўзаро муносабатлардир, деб таъриф берадилар.

Фаолиятга уни қаноатлантирувчи эҳтиёж сабаб бўлади ва ҳаракатлар тизимида амалга ошади. Инсонда руҳий ҳолатнинг мавжудлигини кўзлайди ва уни пайдо бўлишининг асосий шарти ҳисобланади ҳамда унинг ривожланишида ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Фаолиятнинг оддий ва олий шаклини фарқлай билиш зарур. Олий шакл инстинктив (инстинкт)

мослашувидан иборат. Иккинчиси, олий шакл биринчисидан ўсиб чиқиб, унинг кўринишини ўзгартириб инсоннинг онгли харакатига айланади. Фаолият олий шаклланиш ўзига хос хусусияти унинг атроф-муҳитни онгли равишда ўзгартиришдан иборат. Инсон фаолияти ижтимоий характерга эга бўлиб, ҳаётнинг ижтимоий шароитлари билан белгиланади. Инсон ўзини фаол субъектга, ўзи муносабатга киришган табиат ҳодисаларини эса ўз фаолиятининг объектига айлантиради.

Ҳар қандай фаолият мақсад, усул, натижа ва жараёнлардан иборат бўлади. Фаолиятнинг онгли равишда амалга оширилиши унинг асосий хусусиятидир. Зеро, фаолият бир томондан жисмоний ҳаракатлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса ақлий ҳаракат воситасида онгда содир бўлади. Меҳнат инсон фаолиятини амалий ва назарий шаклларининг вужудга келишига сабаб бўлади. Инсон фаолиятининг бошқа турлари (ўйин, ўқиш ва бошқалар) ҳам генетик жиҳатдан меҳнат билан боғлиқдир.

Ижтимоий – тарихий ривожланиш жараёнида меҳнат асосида махсус ижтимоий – зарурий назарий фаолият сифатида ақлий меҳнат пайдо бўлган. Фаолиятнинг ҳам моддий, ҳам маънавий ўзилмасининг таҳлили унинг мазмунини ташкил қиладиган қуйидаги асосий элементларни аниқлаб беради: фаолият ундовчи сабаблар; мақсадга йўналтирилган натижалар; фаолият ёрдамида амалга ошириладиган воситалар. Шунга мувофиқ равишда субъектнинг борлиқ билан ўзаро ҳаракат жараёнининг ўзида муайян тарзда яхлит мотивлаштирилган фаолият, унинг таркибида мақсадга қаратилган ҳаракат ва ниҳоят, мазкур ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисмлари-операциялар ажралиб чиқади.

Психолог олимлар: А.Н.Леонтьев[33,34], С.Л. Рубинштейн[28,54] ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра турли хил психик жараёнларнинг ўтиши ва ривожланиши фаолиятларининг мазмуни ва тузилиши, унинг мотивлари, мақсадлари ва амалга ошириш воситаларига бевосита боғлиқ» [5,66,56]. Шунингдек, П.Я.Гальперин, Б.Д. Эльконинлар[70] ўз тадқиқотларида ташқи моддий таъсир асосида уларнинг изчил

Ўзгаришлари орқали ақлий жиҳатдан содир этиладиган ва инсонни атроф-оламга ҳар томонлама мўлжал олишини таъминлайдиган ички идеал ҳаракати шаклланади», -деган фикрни илгари сурадилар. Ҳаракат давомида фаолият боланинг психофизиологик имкониятларининг ўсиши, унинг ҳаётий тажрибаларининг ортиши муносабати билан ўзгариб туради, зарур пайтда атрофидаги одамларнинг мураккаброқ талабларини бажаради. Бола ривожланишининг ҳар бир ёш босқичида муайян фаолият (масалан, мактабгача ёшда ўйин, мактабда -ўқиш) янги психик жараёнлар ҳамда шахс хусусиятларининг шаклланишида етакчи аҳамият касб этади.

Инсоннинг ҳаётда намоён бўлишининг муҳим шакли унинг атроф-оламга бўлган фаол муносабатидир. Фаолиятга инсон турли эҳтиёжлар сабабли мажбур бўлади. Бу эҳтиёжлар унинг онгида унга тегишли бўлган объектлар, унинг эҳтиёжларини қондирилишига олиб келадиган ҳаракатларнинг образи тарзида ифодаланади. Фаолият мотивациялар характериға кўра кўп жиҳатдан унинг бажарилишидаги ҳаракатга шу билан бирга мақсадга эришишдаги натижага боғлиқ. Фаолиятнинг мотиви ва мақсади инсон ҳаётининг ижтимоий шароити ва унинг индивидуал ривожланиш даражаси билан ҳам белгиланади. Индивид томонидан ижтимоий тажрибани ўзлаштириш фаолиятнинг индивидуал ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Фаолият бар қатор ўзаро ички боғланган ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Бироқ яхлит ҳолда ҳар бир фаолият онгли характерга эга бўлади. Онгли мақсад қонун сифатида инсон ҳаракатининг усул ва характерини белгилаб беради. У исталган натижага эришиш йўлида пайдо бўладиган тўсиқларни фаол енгиб ўтишга ундайди. Инсон фаолиятининг асосий тури, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг жисмоний ва ақлий меҳнати ҳисобланади. Жисмоний, унумли меҳнат жамият ва ҳар бир инсон ҳаёти учун зарур бўлган моддий бойликлар яратишга қаратилган. Ақлий меҳнат борлиқни ўрганишга, илмий назариялар яратишга, адабий, бадиий ва

бошқа маънавий бойликлар яратишга йўналтирилган. Инсон фаолиятининг муҳим тури - ўрганишдир.

Инсон фаолияти – унинг ривожланиши учун зарур шароит, ана шу шароит жараёнида ҳаётий тажрибага эга бўлади, атроф-олами идрок этади, билимларни ўзлаштиради, малака ва кўникма ҳосил қилади. Ана шулар ёрдамида фаолиятнинг ўзи ҳам ривожланади. А.Леонтьев, С.Рубинштейн, Б.Теплов»[34,28,57] ва бошқаларнинг тадқиқотларидан маълумки, фаолият ва психик жараёнлар ривожланади, инсоннинг аклий, эмоционал ва иродавий сифатлари, унинг қобилияти ва феъл-атвори шаклланади.

Фалсафий жиҳатдан таърифлаганда фаолият – субъектнинг объект билан ўзаро ҳаракати жараёнидаги вазифасини характерлайдиган тушунча. Фаолият-атроф-муҳит билан ўзига хос алоқа инсон билан муҳит ўртасида восита, уни тартибга соладиган, назорат қиладиган ўзаро муносабат. У инсонда рухий ҳолатнинг мавжудлигини кўзлайди ва шу билан бирга унинг пайдо бўлишининг асосий шартини ташкил этади ҳамда ривожланишида ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади.

Маълумки, инсон биологик ва социал (ижтимоий) жиҳатдан ривожланади.

Унинг биологик жиҳатдан ривожланиши гўдаклик, болалик, ўсмирлик, ўспиринлик, ёшлик, қарилик даврида намоён бўлади ва ўзига хос табиий хусусиятлари билан фарқ қилади. Инсоннинг биологик хусусиятлари негизида унинг ижтимоий сифати ва хусусиятлари-нутқи, юриш-туриши, моддий неъматлардан фойдаланиши кўникмалари, хулқ-атвор меъёрларининг таркиб топиши, бу меъёрларга риоя қилиши меҳнат фаолияти ва касб-ҳунар, билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиши онгли интизом кабилар шаклланади.

Ривожланишни Л.С.Виготский[12] талим жараёни билан биргаликда қарайди. Лекин таълим ва тарбия бола ривожланиши билан боғлиқ бўлса ҳам, аммо ҳеч қачон бир-бири билан тенг ва параллел ҳолда

содир бўлмайди. Улар бевосита бир-бирига бўйсунмаган ҳолда динамик тарзда содир бўладики, буни бир хил таърифлаш мумкин эмас» [12,390].

Боланинг ривожланишида юқори психик хусусиятлар икки ҳолатда пайдо бўлади: биринчиси, жамоавий, ижтимоий фаолият, иккинчиси эса, индивидуал, боланинг ички тафаккури усули сифатида. Биринчиси, болада қатор ички ривожланувчи жараёнларни қўзғатиб, уни ривожланишга ундайди.

Иккинчиси эса боланинг ички тафаккури усули сифатида индивидуал тарзда пайдо бўлади.

Демак, таълимда ривожланиш йўлланма бўлиб, болани ҳаётга тайёрлайди. Ички ривожланиш жараёнларини ҳаракатга келтиради, шунга кўра таълим ривожланиш эмас; лекин тўғри ташкил этилган таълим болаларда ақлий ривожланиш ва ҳаётда таълим тарбиясиз амалга ошириб бўлмайдиган жараёндир. Хуллас, таълим боланинг ривожланиш жараёнини энг муҳим палласи саналади.

Психологларнинг таъкидлашича, анъанавий бошланғич таълим тизими-ўқувчиларнинг тўлиқ ривожланишини таъминлай олмайди, балки уларда мактабгача таълим давридан бошлаб ҳиссий кузатувлар, эмпирик тафаккур амалиётга тайёрлайди холос.

Шунинг учун ҳам В.В.Давидов томонидан фикрлаш фаолиятига асосланган таълим мазмуни ишлаб чиқилди»[12]. Д.Б.Эльконин томонидан эса кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда назарий билимларни ўрганиш жараёнида таҳлил қилиш, режалаштириш, рефлексия, ўқув фаолияти назарияси ва унинг субъекти масалалари асосида ривожланиши масалалари тадқиқ этилди.

Қатор етакчи психологлар: М.Г.Давлетшин[16], В.В.Давидов, Д.Б.Эльконин[70] ва бошқалар таъкидлашича, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини амалга ошириш уларнинг билишга доир ва шахсий хислатларини ҳар томонлама, тўлиқ ривожланишини таъминлайди[12,70]. Субъектнинг мазкур фаолияти унинг камол топиши, яъни боланинг

ўқувчига айлана бориши ва ўз-ўзини англай бошлаши билан ривожлана боради. Ўқув фаолиятига эҳтиёжнинг ортиши эса унинг ўқишига бўлган қизиқишини мустаҳкамлай бошлайди. Ўқув фаолиятини эгаллай олиши билим олиш малакасини шакллантиради. Худди ана шу ўқишга бўлган истак ва кўникма ўқувчини ўқув фаолиятини субъекти сифатида намоён этади. Бу эса Л.С.Виготскийнинг таълим ва ривожланиш ҳақидаги назариясини тан олишга йўллайди[,]. Инсоннинг фаолияти ижтимоий характерга эга бўлиб, ҳаётнинг ижтимоий шароитлари билан белгиланади.

Бошланғич таълимда ҳар қандай фаолият реал шарт-шароитларда, турли усулларда ва турлича кўринишларда намоён бўлади. Қилинаётган ҳар бир ҳаракат маълум нарсага – предметга қаратилганлиги учун ҳам, фаолият предметли ҳаракатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Предметли ҳаракатлар ташқи оламдаги предметлар хусусиятлари ва сифатини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Масалан, бошланғич синф ўқувчиси дафтарга муайян ёзувни тушираётганда. унинг ҳаракати ёзувга қаратилган бўлади ва ёзув орқали билим кўламини кенгайтиришга ҳаракати ошади.

Меҳнат асосида бошланғич синф ўқувчиси фаолиятининг амалий ва назарий шакллари ривожланади. Бунда амалий фаолиятининг хусусияти шундан иборатки, бу хусусият у ёки бу вазиятларни қайта ўзгартиришга бевосита йўналтирилган бўлади. Назарий фаолият бу мақсаддан фарқ қилган ҳолда қайта ўзгартириш усулларини аниқлашга, қонуниятларни очишга таъсир кўрсатади. Назарий фаолият амалий фаолият вазифаларига таъсир этиш билан ортиб боради ва ривожланади ҳамда мазкур вазифаларни янада самаралироқ ҳал этишга ёрдам беради.

Инсон ва жамият эҳтиёжларининг хилма-хиллигига қараб кишилар фаолиятининг хилма-хиллиги вужудга келади. Бу хилма-хилликнинг ҳар бири одатда ўзида фаолиятнинг ҳам ташқи, ҳам ички, ҳам амалий, ҳам назарий элементларини намоён этади.

Бошланғич синф ўқувчиси ўз гоё, фикр ва қарашларини фаолияти давомида амалда қўллайди ва янгилик яратади. Ана шу янгилик яратиш ижодкорлик бўлиб, тафаккурнинг энг олий шаклидир. Қўйилган вазифани ҳал этишда маълум бўлган усуллардан фойдаланмайди. Фаолиятнинг мақсади ва усулларнинг таркиби сифатида маҳорат ва ташаббускорликнинг асосий шарти сифатида уни ижодий фаолият даражасига кўтаради.

Бугунги кунда илмий, услубий адабиётларда «ижод», «ижодкорлик» каби атамаларни учратиб қолмоқдамиз. Бу атамаларнинг адабиётлар саҳифаларида пайдо бўлганлиги бежиз эмас.

«Ижод» сўзининг луғавий маъноси: «яратиш», «янгиликни кашф этиш» сўзларига монанд келади.

Ижодкорлик - фаолиятнинг турли ҳолатларида пайдо бўлади. Қизиқиш илҳом, интилиш ва бошқалар ижодкорликнинг инсон онгида энг олий тарзда пайдо бўлишидан, намоён бўлишигача жараёнини ўз ичига олади. Шахсда фаолият эҳтиёжи фаолиятда янги илгари мақсад қилиб қўйилмаган, ҳал этувчи восита бўлиб ҳисобланмаган интилишдир.

Ижодкорлик- сифат жиҳатдан янги, моддий ва маънавий бойликлар яратувчи инсон фаолияти жараёни. Ижодкорлик ўзида инсоннинг меҳнатда намоён бўлган қобилиятини ифодалайди. Объектив олам қонуниятларини билиш асосида хилма-хил ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантирадиган янги ҳақиқатни яратадигандай меҳнат ижод бўлиши мумкин. Ижод турлари бунёдкорлик фаолияти билан белгиланади: ихтирочи, ташкилотчи, меҳнати илмий ва бадий меҳнат ва бошқалар. Ижодий фаолият учун имкониятлар ижтимоий муносабатларга боғлиқ. Бугунги кунда мустақиллик туфайли амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ўз ишига ижодий ёндашувчи, фан , техника, санъат, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадиган юксак малакали кадрлар тайёрлашга боғлиқ. Шунга кўра, жамият тараққиёти талабаларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқувчини ижодкорлик руҳида тарбиялаш муҳим ва зарурдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар

бир шахснинг ижодкорлик фазилатларининг шаклланиши айнан мактабда бошланади. Зеро, мактабда турли салоҳият ва қобилиятга эга болалар таълим олади ва болалардаги ана шу лаёқатни ва салоҳиятни ривожлантириш мактаб ўқитувчиларининг биринчи галдаги вазифасидир. Болалардаги ижодий фаолиятнинг ҳар қандай куртаклари таълим-тарбиядан ташқарида, фаолиятдан ташқарида камол топа олмайди. Психолог олим В.А. Крутецкий бу ҳақда ҳаққоний фикр билдирган : “Қобилият фақат меҳнатда намоён бўлибгина қолмайди, балки меҳнатда шаклланади, камол топади, барқ уриб яшнайдими ҳам. Аксинча ҳаракатсизлик ҳалокатга маҳкум этади,” [,].

А.В. Петровский фикри билан айтиганда “Қобилият фақат ўсишдагина мавжуд бўлади. Қобилият инсон фаолиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди, таълим ва тарбия шароитларида эса у шаклланади” [,]. Б.М.Теплов эса “Қобилият инсон фаолиятдан ташқарида пайдо бўлиши мумкин эмас” [,],- деб таъкидлайди.

Бироқ маълум бир фаолият туфайли истеъдод белгилари ва қобилиятлар ҳар доим ҳам болалиқдан намоён бўлавермайди. Шунинг унун қобилияти бор деб болани бир ёқлама тарбиялаш болани бездириб қўйиб, фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланишини буғиб қўйиш мумкин.

Таълим-тарбияда болаларнинг ҳар томонлама камолга етказиш асосий мақсад қилиб қўйилгани ҳам тарбиянинг ана шу қонуниятларига асосланади. Ҳар томонлама таълим-тарбия бериш болалардаги яширин истеъдодларни юзага чиқаришга ёрдам беради. Бунинг учун ўқувчиларни кичик мактаб ёшидан бошлаб ўз фаолиятини намоён қилиши учун имконият берилиши мақсадга мувофиқ. Ҳар бир боланинг қобилиятини намоён этувчи фаолиятга йўллашнинг энг мақбул йўли уларда ижодкорликни ривожлантиришдир.

Ўқувчи ижтимоий аҳамиятга маҳсулот ярата олмайди ва бу мактабнинг вазифасига кирмайди ҳам. Бошланғич синф ўқувчилари ўзлаштирган билимлари, маҳоратини ўз савияси даражасида қўллайдилар. Ақлий фаоллик, ўткир зеҳн, кашфиётчилик қобилиятини намоён этади. Топшириқни бажаришда ўқувчиларнинг ижодий фаолияти у яратаётган ўқув жараёнида

масалалар ечиш, муаммоларни ҳал этишда, иншолар ёзишда ривожлана боради. Ўқувчи бу борада мактабгача таълимда ва ундан кейин шу вақтгача олган билимларини тадбиқ этади. Бунда ўқувчи янги усулларни қўллайди. Топширикни бажариш учун фаоллик кўрсатиш, зеҳнлилиги, зукколиги, кашфиётчилиги, зарур билимга эга бўлиш учун ҳаракат қилиши, муаммоларни ечишда ҳаракатчанлиги, мустақиллиги, меҳнатсеварлиги, воқеа- ҳодисалар ичида энг муҳимини танлай билиши, умумийсини кўра билиш қобилияти кабиларни ривожлантиришга имкон берадиган фаолият ижодий фаолият самарали фаолиятдир. Ўқувчи мустақил ҳолда бажарган ижодий ишлар: шеър, иншо, ҳикоя, модел, макет, ўйинчоқлар, бадиий меҳнат маҳсулотлари ижодий фаолиятни ривожлантирувчи самарали натижалардир. Айниқса ижод, санъат, меҳнат, намуналарини яратишда умумий маълумот билан бирга, уларни яратиш технологиясини билиш касб-ҳунарга оид билим ҳам керак бўлади. Бу борада болаларнинг қизиқишлари, қобилияти, майлларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат турларини ўқув жараёнига киритиш, ижод турларининг ранг- баранглиги ва хилма-хил бўлишига шароит яратиш талаб этилади.

Шарқ мутафаккирлари: Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳониддин Марғилоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳусайн Воиз Кошифий, Аҳмад Дониш ва бошқалар асарларида ёш авлодга пухта ва мустаҳкам билим беришда уларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш, истеъдодини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган[]. Масалан, аз-Замахшарий инсоннинг фаоллигини оширишда куйидагиларга эътибор бериш лозимлигини уқтирган :

биринчиси- фаҳм -фаросат тезлигини тарбиялаш; инсон диққатини зарур ва муҳим нарсаларга, яъни ҳал этилаётган масалаларнинг ичидан энг муҳимини ажратиб олиш қобилияти.

иккинчиси - билимларни тез эгаллаш қобилияти. Бунда билимларни эгаллашда бутун диққатини ўрганилаётган муаммога қаратиш ва уни ўзлаштириб олишга эришиш.

учинчиси- қўйилган муаммони тез англаб олишга бутун диққатини қаратиш.

тўртинчиси- ўрганган билимларини эсда сақлаш қобилияти ва бошқалар [].

Абу Райҳон Берунийнинг “ақл асосида эришиладиган натижалар” ҳақидаги таълимоти ўқитиш назариясида алоҳида ўрин эгаллади. Унинг фикрича буюмларни чинакам билиш, ташқи кўринишини таҳлил қилиш сабабаларини аниқлаш асосида идрок этишга эришилади[],- дейди.

Абу Али ибн Сино “ақл” деганда инсоннинг туғма истеъдодини, шунингдек тажриба асосида ва билиш жараёнида шаклланадиган фикрлаш қобилиятини тушунади. Ақлни – “инсонинг бирламчи туғма соҳлом фикрлаши яхши ва ёмон ишларни вужудга келтирадиган, уларни фарқлайдиган куч”[],- деб таърифлайди. Ақл инсоннинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Инсон ақл ёрдамида нарсалар ва ҳодисаларни аниқлайди, умумлаштиради ҳамда уларнинг энг яхшиларини танлайди,- деб ўқтиради.

Демак, улуғ мутафаккирларимиз ҳам шахс ривожланишида фаолият ва айниқса ижодий фаолиятнинг аҳамиятига алоҳида эътибор беришганлар.

Ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришда уларга ўзига хос ёндашув ҳам катта аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар бир бола ўзига хос, бетакрордир. Шахснинг ўзига хослиги унинг турли хил интдивидуал ва ижтимоий ривожланиш омиллари таъсирида шаклланадиган психикасининг хусусиятлари билан белгиланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилаётган ҳозирги пайтда ижодкор, ижтимоий фаол шахсни тарбиялаш, ижодий фаолиятини шакллантириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Таълим шахсни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий воситаси сифатида

қаралмоқда. Ҳозирги даврда айниқса, Таълимни инсонпарварлаштириш ўқувчиларнинг билим олишга бўлган интилишидаги шахсий фаоллигини оширишга қаратилган. У билим олиш учун шахсий ижодий изланиш қобилияти ва имкониятини шакллантиради. Ҳозирги талабларга кўра, ўқитувчи билим беришда пассив объект бўлиб қолмайди, балки ўқувчининг мустақил ва ижодкоркор бўлишига интилади. Инсонпарварлик ёндашуви мактабни боланинг шахсиятига, унинг ички оамига, ҳали намоён бўлмаган қобилият ва имкониятларига эътибор қаратади.

1. Ўқувчиларга инсонпарварлик муносабатларини таркиб топтириш. Педагогик – психологик адабиётларда таълимни янгилашда инсон кадр -қимматини юқори қўювчи, ўзаро муносабатлар маданиятини таркиб топтирувчи муҳитни вужудга келтиришни талаб этмоқда.
2. Таълимни инсонпарварлаштириш шахс жамиятни янги талабларига кўратарбиялашда таълимни ҳам ана шу талаблар асосида ташкил этиш, яъни уларни миллий ва маданий анъаналарга ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасига мос ҳолда шахсни ҳурмат қилиши, унинг кадр-қимматини сақлаш, имконияти ва қобилиятини тўлиқ намоён этиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишни тақозо этади
3. Таълимни инсонпарварлаштиришда ўқувчиларнинг руҳий, жисмоний, интеллектуал, ахлоқий ривожланишида педагогик ҳамкорлик устуворлик касб этади. Ўқув жараёни ва бошқа ҳаётий вазиятларда эркин, мустақил фикрлайдиган ва фаолият кўрсатадиган шахс инсонпарвар фуқарони шакллантириш қаратилади ва барча педагогик шарт-шароитлар ўқув жараёнини инсонпарварлик йўналишида ташкил этади.

Таълимга дифференциал ёндашув. Бу ўқув фаолиятини ўқувчиларнинг қизиқишлари, майллари, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш киради. Бу борада қуйидагиларни ҳисобга олинади:

- ўқувчиларни жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқишига кўра;

- уларнинг қобилияти, маълум фан соҳасига оид қизиқишига кўра;
- ўқув фанлари мазмунига кўра;
- ўқувчиларнинг қобилияти ва манфаатларига мос келадиган таълим даражасини фарқлашга кўра.

Таълимда индивидуал ёндашув бу болаларни бир-бирига таққослаш эмас, балки ҳар бир боланинг ўқув-билув жараёнида, ҳаёт йўлининг турли босқичларида таққослашлан иборатдир. Ҳаракатланиш хусусиятларига қараб фарқланишлар ҳар қандай тенг шароитларда индивиднинг умумий фаоллиги, унинг ҳаракатчанлиги ва эмоционаллигига қараб юз берадию Болаликдан улардаги индивидуал фарқлар маълум бўла бошлайди. Бу фарқлар уларнинг хулқ-атвори ва фаолиятининг турли шаклларида кўринади. Таълимда индивидуал ёндашув боланинг психик ҳолати, қизиқиши, яшаш ва ўқиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда уни амалга оширишни талаб этади. Демак, индивидуаллик болаларнинг ўзига хослигини, унинг бошқалардан фарқини ифодаловчи ҳислатлари мажмуидир [].

Ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришда таълим жараёнини технологиялаштириш ҳам энг муҳим талаблардан саналади/ Бу эса ҳозирги фан – техника соҳасида тараққий этган глобаллашув жараёни кечаётган таълимни жаҳон тараққий этган давлатлари таълим тизими даражасига тенглаштиришни тақозо этади. Зеро, бугунги кунда таълим жараёнини ташкил этишда ўқитишнинг анъанавий усулидан, технологик, ижодий – изланувчанлик усулига ўтиш билимларни тайёр ҳолда ўқувчига етказишдан, ўқувчининг интеллектуал қобилиятини амалга оширишга ёрдам берадиган технологик, ижодий-изланувчанлик усулига ўтиш шароитида технологик ёндашув айнан ўқув мақсадларига эришув имконини беради. Натижада таълим олувчилар фаолиятини рағбатлантириш, ташаббускорликда фаолият юритишга хизмат қилади.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришда ўз -ўзини англаш, ёки шахс “Мен” ини шакллантириш ҳам ўта муҳимдир. Бу ўқувчида


Ўз хулқини таркиб топтирадиган, ўз-ўзини англаган ва англамаган тасаввурлари тизими саналади.

Ўқувчини ўз “Мен”ини англаши таълим натижаси, ўз-ўзини англашнинг якуний даражаси.

Олима Ш.Абдуллаева таъкидлаганидек, ўқувчи “Мен”и билан боғлиқ барча ҳолатлар шуни кўрсатадики, ўрганиш билимларни ўзлаштиришда ўқувчилар ижодий фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар сабабларини тушуниши учун муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчи “Мен”и ёки бошқача айтганда ўз-ўзини англашнинг мазмуни, психологлар таъкидлаганидек, таълим ва тарбиянинг энг муҳим натижаларидан биридир. Бу эса боланинг ижтимоийлашуви жараёнини ташкил этади []. Демак, бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил қилишда уларнинг ташқи ва ички фаолликларини инобатга олиш лозим. Бунда ташқи фаоллик – ташқаридан ва ўз ички истак-ҳоҳиш таъсирида ўқувчининг бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатлари тушунилади. Ички фаоллик эса –у ёки бу фаолиятни ўқувчи томонидан бажариш мобайнидаги психик жараёнларни ўз ичига оладиган фаолият тушунилади. Фаолият педагогикада психологик қонқниятларга таянган ҳолда ўзига ўқув-билув жараёнида турли шакл ва методлар орқали, махсус дидактик томоийилларни қўллаш асосида ташкил этилади. Чунки ўқувчи фаолияти ўқув жараёнида билимларни ўрганиш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиши асосида билишга оид, яратувчилик, эстетик, коммуникатив вазифаларини бажаради. Шунингдек, мазкур вазифалар мақсад, фаолият предмети, воситалари, бажариш усуллари натижа билан амалга ошади.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантириш моделини қуйидагича тавсия этишни лозим топдик.(1.1. 1 -расм)

1.1.1-расм. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш модели



Демак, шахснинг ривожланиши бевосита унинг фаолиятида рўй берадаган ўзгаришлар, мотивлар, мақсадлар, янги воситаларни қўллаш, усуллар ҳамда фаолият дастури билан боғлиқ ҳолда кечади ва ўзгаришлар асосида инсон фаолиятининг фаоллиги шаклланади. Агар таълим ўқувчилар фаолиятининг фаоллигини шакллантирмай, унинг ривожланишига шарт-шароитлар яратилмаса, шахс ҳар томонлама камол топиши қийин.

Таълимда фаолият уни бошқаришга янгича ёндошувни талаб этади, дидактик томоиллар янги мазмун касб этади ва ўқитиш технологиясини ўзгартиради. Анъанавий дидактикада буни амалга ошириб бўлмади. “Ўқув фаолияти”, “Ақлий фаолият” ҳозирги давр педагогикасининг энг муҳим концепцияси сифатида майдонга чиқмоқда. Унинг асосчилари Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Д.Б.Эльконин, В.В.Давидов, П.Я.Гальперинлар педагогик-психологияда таълимга фаолиятли ёндошув назариясини яратдилар[].

Таълим жараёни ўқувчилар фаолиятини тизимли ташкил этишни тақозо этади. Таълимнинг барча таркибий қисмлари унинг ўқувчи фаолиятини тизимли ташкил этиш- бу таълим мақсади, мазмуни, шакллари, методлари, воситалари, таълим маҳсули, билим, кўникма ва малакаларнинг ўзаро алоқасида амалга ошади.

Фаолиятнинг ривожланиши таълимда маълум дидактик принциплар асосида юзага келади. Булар илмийлик, узвийлик, тизимлилик, қулайлик, таълимда фаоллик, онглилик кабилардан иборат бўлиб, таълим тизимидаги нуқсонларни бартараф этиб, унда ўзгаришлар қилишни тоқозо этади.

1.2. Бошланғич таълимда ўқучилар ижодий фаолиятини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари

Таълимнинг дастлабки кунлариданоқ кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ривожланишини ҳаракатга келтирадиган турли зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар, ички ихтилофлар вужудга келади. Ана шулар замирида боладаги психик камолотнинг даражаси ва ижобий хислатлар билан талаблар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар ётади. Талабларнинг таборо ортиши боланинг психик жиҳатдан тўхтовсиз ривожланишини тақозо этади ва шу ривожланиш занжирнинг узлуксиз ҳаракати натижасида инсоннинг камолоти амалга ошади.

Таълим мазмунига, билимни эгаллашга қизиқиш ўқувчининг ўз ақлий меҳнати натижасидан қаноатланиш ҳисси билан узвий боғлиқдир. Бу ҳис ўқитувчининг Рағбатлантириши билан намоён бўлади ва ўқувчида самаралироқ ишлаш майли, истаги, эҳтиёжини шакллантиради. Болада пайдо бўлган фахрланиш, ўз кучига ишониш ҳислари билимларни ўзлаштириш ва малакаларни мустақамлаш учун хизмат қилади, рағбатлантириш ва жазолаш меъёрида бўлсагина, уларнинг тарбиявий таъсири ортади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири улардаги ўқитувчи шахсига ишонч ҳисси ва юксак эҳтиромдир. Шунинг учун ҳам ўқувчининг болага тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти жуда каттадир. Бола ўқитувчини ақл-идрок соҳиби, зийрак, сезгир, меҳрибон, ҳатто донишманд инсон деб билади. Ўқитувчи сиймосида ўзининг эзгу нияти, орзу истаги, ажойиб ҳис-туйғуларини руёбга чиқарувчи муътабар шахсни кўради. Ўқитувчининг обриси олдида ота-оналар, оиланинг бошқа аъзолари, қариндош-уруғлар, таниш-

билишларнинг нуфузи кескин пасаяди. Шу сабабли болалар ўқитувчисининг ҳар бир сўзини қонун сифатида қабул қиладилар.

Таълим жараёнида ўқитувчи ўзининг обрўсидан оқилона ва омилкорлик билан фойдаланиб, ўқувчиларда уюшқоқлик, меҳнатсеварлик, ўқишга ижобий муносабат, ўз диққатини бошқариш, хулқини идора этиш, ўзини тута билиш, қийинчиликларни енгиш каби фазилатларни шакллантириши лозим. Бунинг учун ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усулини қўллаш керак.

Мақсадга мувофиқ ўқиш фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ақл-идроғи, сезгирлиги, кузатувчанлиги, уқувлилиги, эсда сақлаб қолиш, эсга тушуриш имкониятларини ривожлантириши учун муҳим шарт-шароитлар яратади; болаларда ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради. Бундан ташқари мазкур таълим жараёнида уларнинг билимлар кўлами кенгаяди, билишга қизиқишлари ортади, ақлий имкониятини ишга солиш вужудга келади. Ўқув фанларига ижобий муносабат, қатъий шуғулланиш нияти, жамоатчилик олдидаги масъулиятни ҳис қилиш, билим олишнинг ижтимоий аҳамиятини ангалш туйғулари таркиб топади.

Ўқитувчиларнинг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларда материалларни эсдаб қолиши учун муайян интилишни таркиб топиши, уларга эслаб қолишнинг фикр юритиш йўлларини (таққослаш, таҳлил қилишни) ўрганишдан иборатдир.

Бу вазифани энг авало мактаб психологлари қаторида бошланғич синф ўқитувчилари амалга оширишлари шарт. Тафаккур атроф-муҳитдаги воқъеликни нутқ ёрдами билан бевосита умумлашган ҳода акс эттирувчи жараён.

Хотиранинг маҳсулдорлигини ошириш учун таълим жараёнида ўзини -ўзи назорат қилиш, ўрганилган материални такрорлаш орқали текшириш, эсга тушуриш, машқ қилишдан унумли фойдаланиш зарур. Агар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга эслаб қолиш ва эслаш усуллари

ўргатилмаса, улар материалларни бевосита такрорлашда узок вақт тўхталиб қоладилар. Лекин ўқувчилар материалларни эслашни хуш кўрмайдилар ва уни осонгина тиклаш йўлини тушунмайдилар. Материални эслаб қолиш, эса сақлаш, эса тушуриш ва эслаш усуллари ўргатиш мантикий хотира ўсишининг гаровидир.

Таълим жараёнида болаларнинг ёрқин, аниқ, тиниқ, яққол тасаввурлари фикр ёрдамида муайян воқеликка айланади. Ўрганилаётган фан материаллари эшитилган ва ўқилган бадий образлар тизими яратилади. Ўқиш давомида турмуш тажрибасида тўпланган таассуротларни қайта тиклаш, янги образлар ижодий изланишнинг энг муҳим омили-ижодий тасаввурни такомиллаштиради. Ижодий тасаввур энг муҳим хусусиятларидан бири яратилган тасвирларнинг яққоллиги, мантикий қонунларга узвий боғлиқлиги, ғайри табиий, ажойиб-ғаройиб истаклардан узоклигидир. Шунинг учун ўқувчи тасаввурида турмушга, воқеликка зид келмайдиган тасвирлар, тимсоллар ҳолати тоборо кенгаяди. Бу эса ўқувчидар ҳодисаларни танқидий баҳолаш кўникмаси пайдо бўлганини билдиради. Натижада у таассурот қуршовидан кутулади. Яратилган образларни табиат ва жамиятнинг объектив қонунларига суянган ҳолда баҳолаш кўникмаси янада такомиллашади.

Ўқувчиларни ғар томонлама баркамол шахс сифатида камолга етказиш учун уларни бошланғич синфлардан оқ ижодий фаолиятини камол топтириш зарур. Чунки бошланғич синфларда ўқувчиларнинг диди, дунёқараши, салоҳияти барча психик жараёнлар индивидуал-психологик хусусиятлари жадал шаклланади.

Психолог олимлар - С.А.Рубинштейн, Б.Г.Ананьев биринчилар қаторида умумий, ақлий ривожланиш умумий интеллект билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтдилар []. Масалан, Б.Г.Ананьев мураккаб психик хусусиятларни тадқиқ қилиш билан бирга, ўқиш ва меҳнатдаги муваффақият ана шу хусусиятга боғлиқдир [], - деган фаразни илгари суради. Олим бу категорияларни билашга оид турли вазифаларнинг

қўйилиши ва ҳал этилиши билан боғлиқ йўллари кўрсатиб беради. Кейинги йилларда муаммони турли йўналишларда интенсив тарзда тадқиқ этишга қизиқиш уйғонди. Бу тадқиқотлар борасида Н.С.Лейтеснинг тадқиқотини қайд қилиб ўтиш муҳим. Лейтес аввало ақл сифатларини ўз ичига оловчи умумий ақлий қобилиятлар (гарчи улар жиддий рившда ирода ва эмоционал хусусиятларга боғлиқ бўлса ҳам) одамнинг назарий билиш ва амалий фаолият имкониятларини характерлаб беради[],- деб таъкидлаган. Одам интеллекти учун энг муҳим нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни акс эттириш ҳамда шу билан воқеликни ижодий равишда қайта ўзгартириш имкониятини беради. Н.С.Лейтеснинг кўрсатишича, олий нерв фаолияти хусусиятларида фаоллик ва ўз-ўзини тартибга солишнинг айрим шарт-шароитлари яширинган бўлиб, булар умумий ақлий қобилиятлари таркиб топишининг муҳим ички шартларидан биридир.

Ҳозирги даврда психологлар таълим жараёнида ўқувчиларда фаол мустақил ижодий фаолиятни мустақил билиш фаолиятига, мустақил ҳолда билимларни эгаллашга йўналтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини максимал даражада фаоллаштириш, уларнинг мустақил ижодий тафаккурини ривожлантириш мактаб таълимининг муҳим вазифасига айланиб бормоқда.

Таълимнинг асоси- ўқитишнинг ўқувчиларга етказадиган мўл - кўл ахборотни эсда сақлаб қолиш эмас (гарчи бу муҳим вазифа бўлса-да), балки бу ахборотни қабул қилиш жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари фаол иштирок этиши, уларнинг мустақил билим олиш қобилиятини аста-секин шакллантиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Бугунги кунда педагог олимлар Л.С.Виготский томонидан илгари сурилган ғоя, яъни таълим бериш ўқувчи кўлга киритиб бўлган ривожланиш даражасини қўлламасдан, ўқувчининг тафаккурига унинг имкониятларини бирмунча оширадиган талаблар қўйилиши, у эришган

ва яхши ўзлаштириб олган аналитик-синтетик фаолият даражасини талаб қилиши керак, деган қоидага асосландилар. А.С.Виготский таълимнинг ақлий ривожланишидаги кечаги кунга эмас, балки эртанги кунга таянмоғи лозим[]-, деб ҳисоблаган эди. Таълим ривожланишнинг фақат тугулланган даражаси асосида қурилмасдан, аввало унчалик таркиб топмаган ва шундай таълим таъсири асосида тараққий этган нарсаларга таянмоғи лозим. Виготский боладаги ақлий ривожланишнинг икки даражаси ҳақидаги ғояни илгари суради. Биринчи даража, яъни Виготский айтганидек, актуал ривожланиш даражаси ўқувчи тайёргарлигининг мавжуд даражаси бўлиб, у ўқитувчининг топшириқларни тўла мустақил бажара олиши билан характерланади. Анча юқори бўлган иккинчи даража (Виготский уни энг яқин ривожланиш зонаси деб атаган) боланинг нимани мустақил бажара олмаслигини, лекин озроқ ёрдам билан (йўл йўриқ берувчи саволлар, айтиб беришлар, ишора қилишлар) умумий кўрсатмалар таълим жараёнида актуал ривожланиш даражасига ўтади-деб таъкидлаган эди. Психолог олим Н.Д.Левитов ижодий фаолиятни қуйидаги мезонлар асосида вужудга келишини исботлади:

- тафаккурнинг мустақиллиги;
- ўқув материалининг ўзлаштирилиши, тезлиги ва мустаҳкамлиги;
- стандарт бўлмаган вазифаларни ҳал қилишда, ақлий чамалашнинг (топқирликнинг) тезлиги;
- ўрганиб чиқилаётган ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш орқали муҳим бўлмаган нарсадан муҳимини ажрата билиш [].

У. Нишоналиев ақлий ривожланишнинг асосий мезони - тўғри ташкил этилган ўқув фаолияти тузилмасининг (таркиб топган ўқув фаолияти) ҳамда унинг таркибий қисмларининг тўғри режалаштирилишидир[],- деган ғояни илгари суради

О. Ҳасанбоева кичик мактаб ёшидаги кувчиларнинг фикрлаш фаолиятининг қуйидаги хусусиятлари: ўзлаштиришнинг тезлиги ёки

суствлиги; фикрлаш жараёнининг ўзгарган шароитларга мослаштириш осонлиги ёки қийинлиги; фикрлаш доирасининг ўзаро боғлиқлиги; аналитик-синтетик фаолиятнинг турли даражалари сифатида қарайди[].

Ижодий фаолиятда муаммоли вазиятлар яратиш бу муаммоли вазиятлани ечишга ўқувчиларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бошланғич синфларда шахсни ривожлантришга йўналтирилган таълим куйидаги мақсадларни назарда тутати:

1. Мактаб ўқувчилари шахсини ривожлантриш, унинг қобилияти, ўқишга қизиқиши, ҳоҳиш ва истагини шакллантириши;

2. Ахлоқий ва эстетик ҳиссиётини тарбиялаш, ўзи ва ўз атрофини ўраб олган оламга ҳиссий муносабатни шакллантириш.

3. Билимлар тизимини, малака ва кўникмалар, фаолиятнинг турли шакллларини эгаллаб олиш.

4. Болаларнинг жисмоний ва психик саломатлигини муҳофаза қилиш.

5. Бола шахсининг индивидуаллигини ҳимоя қилиш.

Зеро, таълим фаол, ижодий, маҳсулдор, интеллектуал фаолиятни ўзаро алоқадорликда амалга оширади. Ижодкорлик бошланғич таълимда ўқитувчи фаолиятининг асосий тури бўлиши зарур.

Муаммоли вазиятлар ўқитишнинг ҳар қандай босқичида таълим мавзусини тушунтириш, уни мустаҳкамлаш, натижаларини назорат қилишда ҳам яратилиши мумкин.

Ўқитувчи муаммоли вазиятни яратар экан, ўқувчиларни унинг ечимини йўлашга йўналтиради. Шундай қилиб, бола таълимнинг субъектига айланади ва унда янги билимлар шаклланади, у ҳаракат қилишнинг янги усулларини эгаллайди.

Педагогик ўйинлар айниқса, ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантришда муҳим ўрин тутати. Айнан шундай ўйинлар воситасида катталар ва кичиклар ўртасида мулоқот ўрнатилади. Бу мулоқотлар шахсий ёнлошув асосида қурилиши керак. Ўқитувчи болани

фақат ўқувчи деб эмас, балки бир бутун шахс, ўзига хос инсон деб ёндашуви лозим. Ўйинларда боланинг шахсий сифатлари бойиб, ўқувчилар ижодий фаолиятларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди ҳамда ўқувчиларнинг ҳулиқидаги ижобий қирралар ривожланади, ижобий тасаввур машқлари воситасида кузатувчанлик, хотира, диққатни кучайтириш имкони туғилади, психологик тўсиқлар бартараф этилади.

Таълим-тарбияга янгича ёндашув, дарс самарадорлигини ошириш воситаси, фанлараро алоқаларнинг янги сифат даражасига кўтарилган шакли ҳисобланади. Бошланғич таълимда янгича ёндашув ҳаётдаги турли хил ходисаларни бир қолипдан туриб баҳолаш эмас, балки уларни ўзаро алоқадорликда комплекс ҳолда ёндашишга йўналтиради. Масалан, интеграциялашган таълимни йўлга қўйишда соф илмий билимлар, адабиёт, мусиқа, санъат ёрдамида ҳар томонлама мукамал кўрсатиб бериш имкони туғилади. Бу эса бола шахсининг эмоционал ва ахлоқий ривожига, унда ижодий тафаккурнинг шаклланишига яхши таъсир кўрасатади.

Бошланғич синфларда мавзуга интеграцияли ёндашувни бир дарс эмас, балки мазмуни, методик ва ташкилий томондан ўқув фанининг маълум бўлими олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ижодий фаолиятни шакллантиришда ўқувчиларда ақлий қобилиятнинг ривожланганлиги муҳим аҳамиятга эга .

Ақлий қобилиятни ривожлантиришда бошланғич таълим муҳим ўрин тутди, чунки худди шу даврда шахс унинг қизиқишлари, мойилликлари шаклланиши учун пойдевор яратила бошланади. Жамият учун мустақил танқидий фикрлай оладиган ҳаракат қила оладиган ижодкор шахсларга талаб ҳозирги кунда ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш педагогиканинг долзарб муаммоси бўлиб турибди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида: Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ва характлантирувчи кучи “Инсон унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чиқаришини шароитларини таъсирчан механизмларини яратиш”дан иборатдир.

Бу муҳим масалани ҳал этишда “Кадрлар тайёрлаш миллий модели”нинг асосий таркибий қисмлари шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий алоқаси шахс ривожланишининг яхлит тизимини яратишни назарда тутди.

Масаланинг бундай қўйилиши таълим-тарбия мақсадлари, мазмуни, услублари, шунингдек воситаларини аниқлашда ҳал қилувчи мезон. Бундай ёндашув таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатларининг ўзгаришига-ўқувчиларнинг фаоллиги ортиб ва мустақиллигининг кучайишига, таълим жараёнининг такомиллашиб боришини тақозо этади. Бунда ўқувчи таълим-тарбия объекти сифатида ўз-ўзини кашф этишнинг субъекти ҳам бўлиб майдонга чиқади.

Бундай ёндашув мактаб таълимини бола шахси, унинг ички дунёчига - ҳали очилмаган қобилиятлари ва имкониятларига эркинлик бериб, таълим-тарбиянинг ахлоқий негизларини шакллантиришга йўналтиради. Мактаб таълимининг мақсади ҳам ички куч ва имкониятларини уйғотиш, шахснинг эркин ижодий ривожланиши учун улардан тўғри, унумли фойдаланиш кабилардан иборатдир.

Бошланғич таълимда ижодий салоҳият ва унинг ижодий фаолият билан ўзаро алоқада тузилма таркибини қуйидагиларга ажратиш мумкин.


1. Мотивли-мақсадли ўқувчи фаолиятига шахс сифатида муносабатда бўлиши. Унинг қизиқишлари, мақсадлари, интилиш эҳтиёжларини ҳисобга олиш.

2. Мазмунига кўра – олган билимлари, малака ва кўникмалари ҳамда интеграцион билимларни ҳисобга олиш.

3. Билим, кўникма малакаларни эгаллашда ташкилий-методик фаолиятни амалга ошириш.

4. Ўз фаолиятини баҳолаш -ўз тасвурда ўз-ўзини, ўз ижодий фаолияти ва унинг натижаларини баҳолаш орқали ўз имкониятларини аниқлаш.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда шахс ижодий салоҳияти тузилмасини қуйидагича тавсия этиш мумкин:



Демак, таълим-тарбия жараёнида ўқувчи шахси ижодий салоҳиятини ривожлантиришга дастурларда ифодаланган таълим мазмунини саралашни тақозо этади. Чунки, ҳозирги даврда дастур ва дарсликлар ўқувчининг ижодий қобилияти ва салоҳиятини ривожлантиришга доир талабга жавоб бермайди. Ваҳоланки, ижтимоий гуманитар, илмий табиий фанлар ўқувчилар онгига таъсир этиб, ўқувчиларда ижодий

фаолиятни ривожлантиришга туртки беради. шахс ижодий салоҳияти тинимсиз ва узлуксиз меҳнат натижаси сифатида намоён бўлади. Бу эса ўз навбатида ўқитиш ва тарбия жараёнида ижодий таълим мазмуни (ўқув-билув, ташкилий, педагогик ҳамкорлик каби педагогик технологиялар) асосида шахсга йўналтирилади.

Ўқувчи ижодий салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик технологияларнинг асосий мақсади ҳам умуман олганда ижодий фаолиятни ривожлантиради.

Мақсадга йўналганлик қуйидаги аниқ вазифаларни ўз олдига қўяди: ўқувчининг ўз одига қўйган мақсадини англаб олганлиги, ижодий фаолиятда ижобий раҳбат ва ижодкорликка эҳтиёжни ҳис этиши, билимлар тизимига эга бўлиши, ижодий фаолиятни ташкил этиш, малака ва кўникмаларга эришилган натижаларни баҳолашга доир билим ва тасаввурга эга бўлиши.

Мазмунига кўра ижодий салоҳиятни ривожлантириш эса билимга оид амалий ва ижодий компонентларни ўз ичига олади.

Ижодий фаолиятнинг технологик жараёни эса тушунтириш илмостратив, репродуктив, муаммоли, қисман изланувчан ва изланувчан каби методлар асосида кечади. Мазкур жараён табиатга музей ва кўргазмаларга экскурсиялар, ведеокўрсатувлардан фойдаланиш, учрашувлар, мавзули кечалар, индивидуал ижодий лойиҳалар, тўгараклар, клублар, практикумлар, турли мавзуларда суҳбатлар ўқувчиларнинг ижодий кўргазмалари танловлар каби анъанавий ва ноанъанавий шакллардан фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълимда бирламчи вазифа кейинги таълим жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган бошланғич умумий таълим малака ва кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ва шахслик хислатлари ва қобилиятлари ривожлантириш уларнинг турли ўқув-билув, амалий, ижтимоий фаолиятлари тажрибасига таянилади. Шунинг учун ҳам

таълим стандартларида таълимнинг фаол, амалиётдаги мазмуни, фаолиятнинг аниқ воситаларига реал ҳаётӣ вазиятларда қўлланиладиган билим, малака ва кўникмаларга алоҳида эътибор берилган.

Бошланғич таълимнинг ўзига хос хусусияти ҳам болаларнинг мактабга тайёргарлик даражаси ижтимоӣ тажрибаси психофизиологик ривожланиши бир хил эмаслиги билан фарқланишидир. Шунга кўра бошланғич таълимда ҳар бир ўқувчининг ижодий қобилиятини ва унинг ўзига хос индивидуаллигини намоён этишга шароит яратишдан иборатдир.

Бунинг учун бошланғич таълим дастурлари ва дарсликларидаги материаллар муҳим аҳамиятга эга. Бу навбатдаги бандда бошланғич таълимда таълим стандартлари, дастур ва дарсликларини таҳлил этиш орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

1.3. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини бошқариш

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини бошқариш учун мактаб раҳбарияти, бошланғич синф ўқитувчилари бошланғич таълимда давлат таълим стандартларига асосан ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни аниқ ва равшан билишлари лозимдир. Бошланғич таълимда давлат таълим стандартларига асосан 1-4 синфларда ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар улар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳар бир фан хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Агар она тили ўқув предмети бўйича ўқувчилар граматик жиҳатдан тўғри ёзишни, равон фикрлаб, ёзма матнни тузишни; сон, от, феъл сўз туркумлари ва бошқаларни аниқлашни билишлари лозим бўлса, ўқиш дарсларида тўғри талаффуз этиб ўқиш ва ҳ.к., математикадан эса санок техникасини эгаллаш, натурал сонларни ўзаро таққослаш, математик

атамалар маъносини тушуниш ва сонли ифодаларни ўқишда уларни қўллай олиш, миқдорлар орасидаги боғланишларни қўллаб, амалий мазмундаги масалаларни ечиш, геометрик фигураларга оид теварак-атрофдаги шаклларни таниш ва топа олиш кабилар талаб этилади.

Табиат ўқув фанидан эса жонли ва жонсиз табиатни тасаввур этиш ва билиш; ўз билганларини амалда қўллай олиш, инсон ва жамият соҳаси бўйича жисмоний камолотга оид, муסיқага оид, тасвирий санъатга оид, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжига оид, инсон меҳнати, фаолият турларини англашга доир талаблар қўйилган. Мазкур талаблар билимларни эгаллаб олиш жараёнида бажарилади.

Амалдаги дастурларда ижодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бир мунча топшириқлар келтирилган, аммо уларнинг барчаси ҳам бошланғич синф ўқувчисини ижодий фаолиятга йўналтиради, дея олиш кийин. Қуйида айрим фанлар бўйича берилган топшириқларни таҳлил қиламиз. Масалан, 3-4-синфлар учун тузилган математика ўқув фани дастурида ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантиришга катта аҳамият берилган. Унда топқирликка доир масалалар, мантиқий машқлар, геометрик шакллар яшаш ва уларни бир-биридан фарқлаш, расмлар, моделлардан, атрофдаги нарсалардан энг содда шаклларни топа олиш, вақтни идрок этиш ва кўз билан чамалашга, ақлий топқирликка доир ўйинлар; 4-синфда амалий ишлар, ривожлантириувчи машқлар: математик ўйинхона, математик фокуслар, арифметик мусобақалар, шеърый масалалар, ҳазил масалаларни қўллашга йўлланмалар берилганки, фанни ўқитишда ўқувчиларнинг қизиқишлари албатта, уларнинг ижодий фаолиятларини фаоллшатиради.

1-4 синфларда ўрганиладиган атрофимиздаги олам, айниқса ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришда катта имкониятларга эга эканлигининг гувоҳи бўламиз. Унда ўқувчилар билиши зарур бўлган табиатдаги ўзаро боғлиқлик, об-ҳавони кузатишларига асосан унинг

натижаларини аниқлаш, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини қўллаш кабилар назарда тутилган.

Фикримизча, ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантиришда, айниқса, тасвирий санъат дарсларида келтириладиган топшириқларнинг аҳамияти катта. Мавзуларга доир композициялар(1-2-синфларнинг 2-3-чораклари), декоратив ҳайкаллар ишлашга йўналтирилган топшириқлар(3-синфнинг 3-4-чораги), халқ эртақларига, ўйинчоқлар ясашга доир топшириқлар(4-чорак); мевалар ва гуллар, ҳашоратлар, қушларга қараб алоҳида расмлар ишлаш(2-3-чораклар), натюрмортлар чизиш; рангтасвир композицияси(4-синфнинг 4-чораги), мавзуларга жамоа бўлиб ва индивидуал равишда расмлар ишлаш, ижодий қобилият ва бадиий дидни янада ўстиришга доир машқлар бажариш, байрам табрикномалари эскизини тайёрлаш каби топшириқлар устида ишлаш шулар жумласидандир.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш турли-туман услублар орқали амалга ошириш дастурлар талабаларида белгиланган, ammo амалиётда ўқитувчилар ҳар доим ҳам уларни қўллавермайдилар. Айниқса меҳнат таълимида бадиий меҳнат ривожланувчи мақсад сифатида машғулотлар жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадиий, эстетик тарбия ва таълим бериш орқали уларнинг баркамол шахс бўлиб етишишларига катта эътибор берилган. Бу борада билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги асосий мезон сифатида миллий ҳунармандчилик соҳасида шаклланган ижодкорлик белгиланган. Айниқса, умумий ва бадиий меҳнат, наққошлик асослари, дизайн асослари, умумий технология асослари ва бошқалардан амалий топшириқларда буюмлар ясаш, заргарлик, гилам тўқиш, кулолчилик ва бошқа касбларга доир ҳар хил материаллардан қўл ҳунармандчилиги буюмлари ва қўғирчоқлар тайёрлаш, қўғирчоқларга кийимлар тикиш,

хамда кашта гуллари билан безаш каби ўқувчиларда ижодкорлик фаолияти ривожлана боради.

Музыка маданияти бўйича ўқув дастурида эса музыка ижодкорлиги маданияти илк бор киритилган. Бу фаолият болаларда музикаий тафаккур, изланиш ва ижодкорлик малакаларини ўстира бориш учун катта аҳамиятга эга. Бу фаолият ўқитувчи ижросида жўровозлик қилиш, синф ижросида дирижёрлик қилиш, куй оҳангига мос ҳаракатларни, рақс ҳаракатларини топиш, шеър парчасига куй басталаш каби ижодкорлик малиётлари билан бажариш талаб этилади. Бу фаолият синфдаги иқтидорли ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятини кучайтириш, уларнинг бадиий эҳтиёжини қондириш ва бадиий ривожлантириш учун айниқса муҳимдир. Музикали ҳаракатлар, чолғучилик ва ижодкорлик фаолиятларини амалга оширишда ўйин услубларидан кенг фойдаланиш тавсия этилган. Чунки ушбу фаолиятлар замири кўпроқ ўйин хусусиятлари билан боғлиқ.

Дастурдаги ҳар бир синф бўйича музыка ижодкорлигига доир машғулотларда ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда, айниқса катта имкониятларга эга.

Ҳақиқатан ҳам фаолият шахснинг дунёни англаб олишнинг барча шакллари, ақлий фаолиятини босқичма-босқич шакллантирадиган категория саналади.

Ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг бошланғич таълимда қандай ҳолатда амалга оширишни ўрганиш мақсадида Бухоро вилояти Ёшдурон туманидаги 8, 12 мактабларда қатор ўқитувчиларнинг дарсларини кузатдик. 4 синфда Тасвирий санъат дарсида “Нақш розеткасини чизиш” мавзуси юзасидан ўқувчилар ижодий фаолиятга йўналтирилдилар.

Декоратив-амалий санъат мавзуларига доир лойиҳалаштирилган топшириқлар ўқувчиларга амалий-безак санъати, халқ амалий-безак санъати, либослар безаги, халқ усталари ишлатадиган иш қуроллари ва материаллари билан таништириш устида олиб борилди. Масалан,

4-синфнинг 4-чорагида “Чойнак эскизини ишлаш” мавзусидаги дарсда лойихаланган топшириқ дарсинг: “Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини ва эстетик дидларини ўстириш, тасвирий малакаларини ривожлантириш, бадиий фикр доирасини кенгайтириш” мақсадидан келиб чиққан ҳолда лойихаланади. Бунда тақдим қилинадиган топшириқлар қуйидаги характерга эга бўлиши мумкин:

1. Чойнак эскизини бажаринг. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор беринг:
 - а) Ранг ҳақида олдинги дарс мавзусида ўтилган маълумотни ёдга туширинг. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
 - б) Ранглардаги энг муҳим хусусиятлардан бири- ундаги элементларнинг ўзаро боғлиқлигига эътибор беринг.
 - с) Чойнак чизишни доира шаклидан бошланг.
 - д) нақшларнинг икки хилдагисидан фойдаланинг: биринчиси- нақш бўлаклари доира радиуси йўналишида жойлашади ва улар марказга томон торайиб боради; иккинчиси- нақш элементлари айлана бўлиб жойлашадилар.
2. Ўзбек нақшлари ўзининг сержилолиги, жим-жималарининг кўплиги, ўсимликсимон элементларининг бойлиги билан бошқа халқларнинг нақшларидан фарқ қилади. Ушбу панжара намунасини таҳлил қилинг.
3. Танланган шаклга мос ҳолда нақш композициясини топинг.
 5. Эскиз ишлашда панжара нақшларининг хусусиятларини ҳисобга олинг.
 6. Эскизни тугаллаш учун уни бўёқда ишлаб тугалланг.

Бу алфозда андозаланган топшириқлар ўқувчиларнинг ижодкорлигини оширишга қаратилади. Баъзан ўзлаштиришлари паст ўқувчилар билан яқка тартибда иш олиб бориш, уларга махсус топшириқларни тақдим қилиш мумкин. Мазкур вазифалар ўз мазмунига кўра ижодий бўлганлиги сабабли, уларни ўқувчилар уйда ёки келаси дарсда давом эттиришлари мумкин.

Тасвирий санъат таълимида лойихаланган топшириқларнинг ўқувчиларни дарсга қизиқтириш йўллари хилма-хил. Самарали шакллардан бири муаммоли вазиятни ўзида мужассамлантирган топшириқларни яратиш ва уларни баҳолаш мониторингини ташкил қилиш. Муаммоли вазиятлар ўзида ўқувчининг муаммони қандай англашини ифодалайди ва уни ечиш янги билимларни, янги усул ва ҳаракатларни излаб топишни талаб этади.

Тажрибавий босқичларда лойихаланган дарсларнинг ва муайян мавзуларга тузилган топшириқларнинг мониторингини олиб бориш мақсадида дарс якунида ўқувчиларга махсус бланкалар тарқатилади ва улар асосида истиқболдаги ойдинлаштирилган таълим мақсадларини белгилашга имконият яратилади.

Бошланғич таълимда ҳар бир ижодий фаолият учун маълум баҳолаш ўлчови белгиланади ва экспертлар томонидан баҳолаб борилади.

Бошланғич синф ўқучиларининг ўқишга бўлган қизиқиши, билиш фаолиятининг босқичлари бўйича ривожланиб, ёши, ҳаёт шароитлари ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан ишлашда етакчи педагогик ғоя-умумбашарий қадриятларнинг энг муҳим қоидаси- болаларда ўқув фаолиятининг муваффақиятини таъминловчи дастлабки эътиқодининг шаклланиши ҳамда ўқув фаолиятида шарт-шароитлар яратиш бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш “Одобнома”, “Ўқиш”, “Она тили”, “Табиат”, “Мусиқа”, “Тасвирий санъат”, “Меҳнат” ўқув предметларида амалга оширилади.

БИРИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Инсон шахсининг ҳар томонлама камол топишида, уларнинг билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишида, атроф-оламга муносабат шакллари ва хулқи, одоб меъёрларини эгаллаб олишида фаолиятнинг ўрни катта.

Ҳар қандай фаолият, мақсад, услуб, натижа ва жараёнлардан иборат бўлади. У бир томондан жисмоний ҳаракатларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ақлий ҳаракат воситасида онгда содир бўлади. Меҳнат, ўйин, ўқиш инсон фаолиятининг асосий турлари саналади.

Инсон фаолияти – унинг ривожланиши учун зарур шароит, ана шу шароит жараёнида ҳаётий тажрибага эга бўлади, атроф-оламини идрок этади, билимларни ўзлаштиради, малака ва кўникмалар ҳосил қилади. Ана шулар ёрдамида фаолият ривожланади. Ижодкорлик эса сифат жиҳатдан янги, моддий ва маънавий бойликлар яратувчи инсон фаолияти жараёни бўлиб, у ўзида инсоннинг меҳнатда намоён бўлган қобилиятини ифодалайди.

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг вазифаларидан бири ҳам ўқишга бўлган ижодий муносабатни тарбиялашдир. Билимлар тизими, кўникма ва малакалар, мустақил фикрлаш ҳамда ушбу билимларни амалиётда қўллай олинган шароитда бундай фаолият ижодий фаолият касб этади.

Бу жараён маълум шарт-шароитларда, инновацион технологияларни жорий этиш, ўқувчиларни билишга доир ижодий фаолиятини диагностика қилиш асосида ўқувчининг ижобий “Мен” ини шакллантиришга йўналтирилади. Назарий ғоялар бошланғич

таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантириш моделини яратишга ёрдам берди.

Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар асосан таълимда муаммоли вазиятлар яратиш билан боғлиқдир:

1) бу борада интеграциялашган таълим, ижодкорлик ўйинлари, ўқув тўғараклари кабилар асосида мақсадли йўналиш, таълим мазмуни орқали ташкилий методик ёндошув асосида ўқувчи ўз фаолиятини баҳолаш билан ижодий салоҳият ривожлана бориб, фаолиятга айланади. Шунинг учун ҳам таълим стандартлари, дастурларда таълимнинг фаол , амалиётдаги мазмуни фаолиятининг аниқ воситаларига реал ҳаётий вазиятларда қўлланиладиган билим, малака ва кўникмаларга алоҳида эътибор берилади;

2) бошланғич таълимнинг ўзига хос хусусияти ҳам болаларнинг мактабга тайёргарлик даражаси, ижтимоий тажрибаси, психофизиологик ривожланиши бир хил эмаслигидадир. Шунга кўра бошланғич таълим ўқув фанлари дастурларидаги топшириқларда ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга эътибор берилган бўлса-да, аммо ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантириш нуқтаи-назаридан уларни такомиллаштириш зарурлиги аён бўлди.

II БОБ. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш шарт-шароитлари

Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш шарт-шароитлари деганда, аввало ана шу шарт-шароитларнинг пайдо бўлиши, амалга ошириши ҳамда ривожланиши жараёни тушинилади.

Улар қуйидагилардан иборат :

1. Ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришда уларнинг бу борада эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалари.
2. Ижодий фаолиятни шакллантиришда назарий билимлар билан амалиётнинг алоқадорлиги.
3. Ижодий фаолиятни шакллантиришга доир машғулотлар эвристика муаммоли вазиятлар яратиш.
4. Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантиришга технологик ёндашув.

Бу шарт-шароитлар қуйидагича амалга ошади :

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантиришда улар эгаллаши лозим бўлган билим, малака, кўникмаларга қуйидаги талаблар қўйилади.

- дастур материалларни қай даражада ўзлаштирганлиги ;
- мавзуларга доир асосий тушунча ва қоидаларни ўзлаштирганлиги;
- танлаган мавзу бўйича топшириқларни мустақил бажара олиши ;
- ўрганилаётган мавзулардаги асосий муаммоларни англаб олиши ;
- топшириқларни бажаришда ўқув ашёлари ва техника воситалар, ахборот технологиясидан фойдалана олиши ;
- ўз қобилиятини намоён этиши ва уни ривожлантира олиши ;

- мавзу бўйича ўз олдига эришиладиган мақсадларни қўя олиши, режалар тузиши ва натижаларни баҳолай олиши ;
- мавзуларни ўрганишда ўз фикрини далиллай олиши;
- ўз вариантыни тавсия эта олиши ва ҳоказолар.

Мазкур талаблар ўқитувчига ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишлари, уларнинг ўқув-билув фаолияти, индивидуал мойилликларини билиш имконияти пайдо бўлади ва бу борада ўқув жараёни тузилмасини белгилаб олишга ёрдам беради.

Юқоридаги талаблар асосида муаммога доир таълимни мақсадга мувофиқ ташкил этишнинг устувор йўналишлари белгилаб олинади.

Мақсадга мувофиқ ёндашув деганда ўқув- билув жараёни ёки таълим мазмуни, метод ва шакллари тизимининг ижодий фаолиятни ривожлантиришга доир мақсадли йўналтирилган махсус ташкил этилган тузилмаси тушинилади.

Педагогиканинг асосий вазифаларидан бири барча болаларнинг ижодий фаолияти ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишдан иборат. Шу билан бир қаторда муайян соҳаларда чуқур қизиқишларини, интилиши ва қобилиятини намоён қилаётган ўқувчиларни аниқлаш, уларга бундан кейинги ривожланиши учун барча имкониятларни яратиб бериш лозим. Бунинг учун эса: кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга доир шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада:

1. ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришга доир инновацион фаолиятга тайёрлаш.
2. Ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатида ҳамкорлик фаолиятини вужудга келтириш.
3. Ижодий фаолиятни ривожлантиришда билишга доир инновацион технологиялардан фойдаланиш.

Буларнинг ҳар бири юзасидан тадқиқот давомида тайёргарликлар амалга оширилди :

Ҳозирги даврда ўқувчиларнинг бирор - бир ҳақиқатни мустақил излаши ва кашф этиши билан боғлиқ бўлган эвристик ва муаммоли таълим ўқув-билув жараёнига фаол кириб келмоқда.

В. Каримова ўз тадқиқотларида илмий фаолиятни ушбу уч тури амалга оширилганда шахснинг унга мос бўлган сифатлари :

- 1) Ўқувчилар томонидан ташқи оламни кузатиш жараёнида зарур бўладиган сифатлари;
- 2) Ўқувчилар учун фаолиятнинг ижодий маҳсулини яратиш шароитларини таъминловчи ижодий фаолият сифатлари ;
- 3) Ўқувчилар билиш фаолиятини ташкил этганда унинг олдинги икки ҳолатда- билиш ва ижод ҳолатида кўринадиган сифатлари намоён бўлади.

Куйида санаб ўтиладиган сифатлар ижодий изланишли таълим турини режалаштириш, ташкил этиш ва самарадорлигини назорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ижодий фаолият сифатларига куйидагиларни киритиш мумкин :

-эҳтиросли-образли сифатлар : ижодий вазиятлардан илҳомланиш, завқланиш, жўшқинлик; образлилик, уюшганлик, янгилик ва ғайриоддийликни ҳис этиш, зиддиятларга нисбатан сезгирлик, ижодий мойиллик, ички курашларни синашга бўлган қобилият, рамзий ижодкорлик ва бошқалар.

- ташаббускорлик, кашфиётчилик, зехн, ўзига хослик, ҳар хиллик, ностандартлик;

-ғояларни топишга, уларнинг индивидуал, ўзга инсонлар билиш объектлари билан муносабатларига нисбатан қобилияти;

- мактабда, оилада ва бошқа ижтимоий муҳитда бериладиган ахлоқ меъёрларини сақлаб қолиш кўникмаси билан уйғунлашадиган фикрлар, туйғулар ва ҳаракатлар эркинлиги;

- сезгирлик, таниш нарсаларни нотаниш нарсаларда кўра олиш ва аксинча; муаммоларни ҳал этишда стереотипларни енга олиш, ўзгача маконга чиқиш қобилияти;

- ўрганилаётган объект билан диалог олиб бора олиш ; билиш методларини танлай олиш; объектнинг ўхшаш объектлар билан вазифа ва алоқасини топиш; объектларнинг ўзгариши, унинг ўсиш ёки ривожланиш динамикасини аниқлаш; объектнинг хоссаларига кўра билишнинг янги методларини ярата олиш ;

- гипотезаларни таърифлай олиш тахминий фикрлар, қонуниятлар, формула, назарияларни, конструкциялаш: интуиция, медитацияга эга бўлиш ;

-ўз қобилиятини ижодий ишларни бажариш ва ҳимоялаш шаклида амалга ошириш, танловлар, олимпиадаларда иштирок этиш тажрибасига эга бўлиш.

Билишга доир сифатлар :

- физиологик сифатлар: ўрганилаётган объектни таълим ёрдамида кўриш, эшитиш, сезиш, ҳис эта билиш; ишқобилияти, шижоатни тарбиялаш;

- интеллектуал сифатлар: қизиқувчанлик , зехнлилик, мулоҳазалилик, зийраклик, мантиқийлик, онглилик далиллаш, аналитик, синтетик ўхшашини топа олишга қодирлик, исботлашнинг турли шаклларида фойдаланиш, ишқибозлик ;

- синчковлик, заковатлилик, муаммоларда изланувчанлик, тажрибаларга мойиллик, саволлар бера билиш, зиддиятларни кўра олиш, муаммо ва гипотезаларни таърифлай олиш, назарий ва амалий тадқиқотларни бажара олиш, турли хил топшириқларни ечиш усулларига эга бўлиш, хулоса ва умумлашмалар қилиш, ҳаракатнинг тезкорлиги тафаккурининг хилма-хиллиги;

- шахсий фаолиятида акс этган маданий меъёрлар ва анъаналарга эга бўлиш; ўз билимлари ва олган натижаларини далиллаш билиш ; танлаш вазиятларида танлай билиш ;

- пайдо бўлган ҳар қандай муаммо бўйича ўзининг тушингани ёки тушунмаганини билдиришга қодирлик; ўзгалар нуқтаи назарини тушуниш ва баҳолай олиш, мазмунли диалог ёки мунозарали чиқишлар қилиш;

- ўрганилаётган соҳаларни тизимли кўра билиш; объектлар алоқалари, уларнинг сабаблари, улар билан боғлиқ муаммоларни излаб топиш; ҳар қандай объект ва ҳодиса (табиат, маданият, сиёсат ва ҳоказо) моҳиятини аниқлашга тўғри ёндаша билиш ;

- объектлар орасидан асосийсини танлай билиш, улар орасидаги бир-бирига боғлиқликни излаш; танилган объектларнинг янги вазифалари ва алоқаларини кўра билиш; объектнинг келиб чиқиш сабабларини излашга қодирлик, объектнинг маъноси, унинг манбаини топишга қодирлик ;

- ўрганилаётган фанлар бўйича маълумотга, таянч билимларга малака ва кўникмаларга эга бўлиш; ўрганилаётган билимнинг асосий муаммоларини мўлжалга олиш;

- таълим самараси ва синфдошларининг эришган натижаларни қиёслаё билиш, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ажратиш, шахсий таълимий натижаларни қайта аниқлаш ёки қайта ишлаш ;

-маданий-тарихий ўхшашликларнинг келиб чиқиш (намоён бўлиш) сабабларини излашга қодирлик, унинг тузилишини аниқлай билиш, ўхшаш идеал объектлар билан алоқаларни топиш, идеал объектлар тизимини тузиш, уларнинг шаклланган тамойиллар ва мезонлар асосида маданий- тарихий ўхшашликларнинг тегишли реал объектлар билан алоқалари тизимини англай билиш ;

- маънавий, моддий ва фаолият шаклида эришилган билимларни руёбга чиқаришга қодирлик.

Ташкилий фаолият- сифатлари :

-ўқувчи томонидан ўзининг индивидуал хусусиятларини, феъл-атворидаги белгиларини, ҳар бир ўқув фани ва таълим соҳасидаги машғулотларнинг мақбул шаклларини билиш ;

- мавзу ёки бошқа ўқув фанидан ўз машғулотининг мақсадини англаб олиш ва тушунтира билиш, нималарни бажараётганини аниқ тушуна билиш;

- янги ёки эришилмаган яхши мақсад, унга эришиш дастурининг мавжудлиги, ишни охиригача етказиш учун қатъият, мақсадга содиқлик; мақсадни қўя билиш, мақсадга интилувчанлик мақсадга эришиш учун қатъиятлилик;

- берилган билим соҳасига ёки фаолиятга ўқув мақсадини қўя билиш, унга эришиш режасини туза олиш; ўзининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган режани бажариш; ўз натижасини олиш ва англаш; уни синфдошларининг шунга ўхшаш натижалари билан қиёслаш;

- эгалланган малакада ифодаланадиган фаолият қоидалари, унинг қонунлари тизимини шакллантириш, фаолият натижаларини прогнозлаш ;

-ўз-ўзининг фаолиятини режалаштириш, ҳаракатни дастурлаш, фаолият босқичлари ва усулларини яхшилаш, ҳаракатнинг ўзгарувчанлиги режаларнинг бажарилиши; фаолиятга ёндашувнинг хилма-хиллиги, айни пайтда турли хил муқобилларини эсда сақлаш ;

- ўзининг кейинги ўқиш режасини туза билиш; фаолияти маъно мазмунини аниқлаш, натижаларни мақсадлар билан бирлаштира олиш, ўз-ўзини кузатиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолай билиш;

- таълимнинг бошқа субъектлари билан ҳамда атроф-олам билан ўзаро ҳаракатга қодирлик; ўз ғояларини ҳимоя қила билиш, атрофдагиларнинг мулоҳазаларини тинглай олиш, “зарбага дош бериш”; мустақиллик, интилувчанлик, қатъиятлилик, киришимлилик;

- ўзгалар ижодий фаолиятини ташкил этишга қодирлик, бошқа ўқувчилар билан биргаликда ғоялар яратиш, унда иштирок этиш; ғоялар, баҳс, мунозараларни қиёслаш ва чоғиштириш Абдуллаева [22,28].

Шундай қилиб эвристик таълим, кам деганда ўқувчининг учта интеграцион қобиляти; ижодий қобиляти билишга доир ва фаолиятга оид қобилятига таянади. Демак, эвристик таълим дейилганда

Ўқувчининг таълим самарадорлигини таъминлашга қаратилган фаолият ва ҳаракатни амалга оширишдаги комплекс имкониятлари тушунилади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда ўқувчилар мақсадларни кўйидагича гуруҳлаш мумкин;

Шахсга йўналган мақсад- таълим мақсадини идрок этиш, ўзида ишонч ҳосил қилиш, ўзининг потенциал имкониятлари, аниқ индивидуал қобилиятларини амалга ошириш;

Ижодий қобилиятни риводлантиришга доир мақсад мажмуини тузиш; шарҳли иншо, техник моделларни констркциялаш; расмлар чизиш ва бошқалар.

Билишга оид мақсад- атрофдаги борлиқ объектларини билиш; пайдо бўлган муаммоларни ечиш усулларини ўрганиш, биринчи манбалар билан ишлаш малакасига эга бўлиш, тажриба қўйиш, тажрибани ўтказиш;

Ташкилий мақсад- ўқув фаолиятини ўзи ташкил этиш малакасига эга бўлиш, ўз олдига мақсад кўя билиш ва фаолиятни режалаштириш, жамоада ишлаш малакасини ривожлантириш , мунозара олиб бориш техникасини эгаллаш;

Фанга оид мақсад- ўрганилаётган фанга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш; ўрганилаётган мавзуга кирган асосий тушунча, воқеа-ҳодиса ва қонунларни билиш; оддий асбоблардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш; мавзу бўйича ижодий топшириқларни изланишли таълимнинг асосий технологик элементи- дарсда изланувчан таълим вазиятини яратиш, яъни долзарб фаоллаштирувчи вазият, яратишдан иборат анъанавий дарсга муқобил ҳолатда бўлади. Унинг мақсади махсус ташкил этилган фаолият давомида ўқувчилар томонидан шахсий таълимий натижалар (ғоя, муаммо, гипотеза, чизма, тажриба, матн)ни таъминлашдан иборат.

Изланишли таълимий вазият ўз-ўзидан пайдо бўладиган ёки ўқитувчи томонидан ташкил этиладиган, унинг барча иштирокчиларидан

эвристик фаолият орқали ўз ечимини талаб қиладиган таълимий ҳаракат билан баҳоланади. Таълим самарадорлиги натижасини олдиндан айтиб бўлмайди, аввало муаммо қўйилади, сўнг фаолият технологияси яратилади, ўқувчиларнинг таълимий ҳаракати кузатиб борилади, бироқ олдиндан олиниши лозим бўлган таълимий натижалари маълум бўлмайди.

Изданишли таълимий вазиятларнинг асосий технологик элементлари: мотивация, муаммолар қўйиш, вазият иштирокчилари томонидан муаммни ечиш, таълимий натижаларни намоён этиш, уларни бир-бирлари билан қиёслашдан иборат.

Таълимий вазият ўқитувчи томонидан қуйидаги тарзда ташкил қилинади: керакли материал ва таълимий объект ажратилади, улар ўртасидаги муносабатлар ўрганилади, асосий тушунчалар танланади. Тадқиқотнинг умумий объекти, унинг маъносини излаш, фаолиятнинг янги усуллари ҳамда турларини излаш зарурати эвристик вазиятнинг асоси бўлиши мумкин.

Эвристик фаолиятни технологиялаштириш болаларнинг ижодий қобилияти қандай бўлса шу қадар зарурий ва қонуний жараёндир. Эвристик вазиятлар яратиш ва ривожлантириш бўйича технологик ҳаракат-болалар ижодкорлиги натижаларини таъминлаш йўлидир. Қуйида эвристик вазиятлар тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ўқитувчилар учун технологик йўл-йўриқлар ҳақида фикр юритамиз:

1. Изланувчи вазиятнинг асосий таълимий объектини (нарс, тушунча, ҳодиса, жараён, анъана, буюм ва бошқалар). Бунда объект ва болалар учун қизиқарли бўлган муаммони аниқлаш; болаларга уларнинг ўрганилаётган объект билан шахсий ички алоқасини топишга ёрдам бериш, улар учун шахсан аҳамиятли муаммоларни қандай тайёрлаш бўйича ўйлашга йўналтиради. Бунинг учун шахсий тажриба ва ўқувчиларнинг қўйиладиган таълимий натижалари тахминланади.

2. Болаларга ечими номаълум бўлган муаммо ёки топшириқ берилади. Ушбу топшириқни амалга ошириш синфда таълимий

кўтаринкилик ҳамда ўқувчилар топшириқни бажариш орқали ўзларининг фаоллигини намоён этгандагина самарали бўлади.

Топшириқнинг таърифланиши муаммони жамоа бўлиб муҳокама қилишнинг натижаси бўлиши мумкин. Болалар томонидан таърифланган топшириқ шунчаки қизиқарли эмас, балки ўқитувчи учун янгилик бўлсагина мақсадга эришилган бўлади.

3. Ўқувчининг ўзи пайдо бўлган ёки яратилган вазият (топшириқ)ни шахсан ҳал этишга имконият яратиш. Эвристик вазиятнинг асосий босқичи саналади. Бунда ҳар қандай таълим натижасидан ижод белгисини аниқлаш лозим.

4. ўқувчиларнинг таълимий ижод намуналарининг намоёиш этиш: шеърлар, ривоятлар, топшириқлар, таърифлар, рамзлар, расмлар, лойиҳалар ва шу кабиларни жамоага муҳокама этиб, кўрғазмалар ташкил этиш, ўзаро ёзма тақризлар ёздириш, маърузалар билан чиқишлар қилиш.

5. Таълимий ижод намуналари намоёиш этилгандан кейин расмлар, ривоятлар, таърифлар, олимларнинг фикрлари, дарсликлардаги маълумотлар, шахсий билим ва тасаввурлари билан асослай олиш.

6. Болаларнинг ижод намуналарини қиёслаш, солиштириш, таснифлаш бўйича фаолиятини ташкил этиш. Ўқувчилар томонидан ўз қарашлари ёки ижод намуналарини аниқлаш ҳоллари юз берса, уларга ўз нуқтаи назарларининг ўзгариш сабабаларини тушунишларида кўмаклашилади. Таълимий вазиятларнинг ривожланиши таъминланади.

7. Ўқувчиларнинг билишга оид кўлланилган усулларни, пайдо бўлган муаммо ва уни ечиш йўллари тушуниши бўйича фикр юритиш, таҳлил этиш. Ўқувчиларга индивидуал тарзда эришган натижаларини аниқлашда кўмаклашиши. Жамоа бўлиб яратилган таълимий натижаларини аниқлаш.

Изланувчи таълимий вазиятларнинг давомийлиги ўзгариб туради, улар ўзаро алоқадаги вазиятлар занжири ҳам бўлиши мумкин.

Изланувчи вазиятлар тамойилларида изланувчи таълимни ташкил этишдаражаси:

Бошланғич таълим дастурлари, ўқитилаётган ўқув предметларининг тахлилий натижалари шуни кўрсатадики, 1-4- синф ўқувчиларида ижодий фаолиятни шакллантиришни бир неча босқичда амалга ошириш учун имконият яратилган, жумладан, дарсда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятига йўналтирилган ўқув материалларини тўғридан -тўғри тақдим қилиниши белгиланмаган бўлса-да, маҳоратли ўқитувчи ўз фаолиятини ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантиришни турли методлар асосида амалга ошириши мумкин. Оғзаки сўраш; ёзма ишлар ўтказиш; амалий ишларни бажариш; турли дидактик ўйинлар ўтказиш орқали ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш мумкин. Масалан, бошланғич синфларнинг «Ўқиш» дарсида болаларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш учун ўқув материалларида берилган тушунчалар конкрет – индуктив метод воситасида ўрганилиши ва ўқитувчининг моҳирона дарсни ташкил қилиши натижасида уларда ижодий фаолликнинг ошишига замин яратилиши мумкин. Бунда ўқувчилар аввал ўқитувчининг топшириқларини бажарган ҳолда ўрганилаётган тушунчанинг умумий хоссаларини аниқлайдилар, сўнгра ўқитувчи раҳбарлигида таърифни мустақил ҳолда тузишга ҳаракат қиладилар. Янги тушунча киритишнинг бу йўли айниқса қуйи синфларда ўз самарасини беради. Бундан ташқари конкрет индуктив йўл орқали тушунчаларни киритиш жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил бўлади, бунинг натижасида ўқувчиларда ижодий фикрлаш қобилиятлари шаклланади. Фикримизнинг далили сифатида 4-синфларга мўлжалланган «Ўқиш» ўқув предметида келтирилган Кайковуснинг «Ота ва она ҳақини билмак» ҳикоясини ўрганиш конкрет – индуктив метод орқали олиб борилди (-жадвал).

Ўрганиш жараёнининг босқичлари	Тушунча шаклланишининг психологик босқичлари	Ўрганилаётган тушунчанинг аниқ моделли
1. Одоб ва ахлоққа доир тушунча ва мисолларни кундалик ҳаётимиздан олиш.	Сезиш ва идрок қилиш Идрок қилишдан	«Ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва хурмат қилиш вожибдир» (Кайковус,154).
2. Ана шу тушунчани ифодаловчи асосий ва асосий бўлмаган хоссаларини аниқлаш	тасаввур қилишга ўтиш Тушунчани ҳосил қилишга ўтиш	1) Ота-онани нима учун хурмат қилурман, деб кўнглингга келтирмагил. Билгилким, улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадилар
3. Агар мавжуд бўлса,бу тушунчанинг муҳим ҳолатлари ҳам қаралади	Тушунчанинг ҳосил бўлиши.	2)Ота-она фармонбардордир 3) «Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа интил».
4.Сўзнинг асосий мазмуни	Тушунчани ўзлаштириш	4) Билгилки, ақл бир молдирки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда чўкмас. 5)Ота-она сени аслида жон ва дил ила парвариш қилади.
5.Ғоянинг асосий мазмунини ажратиш ва уни таърифлаш		6) Ота-онанга иззат ва хурмат қанча кўп қилсанг, уларнинг дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур.
6. Одоб-ахлоқ тушунчаларини чўқур идрок этиш		

2. Ижодий фаолликни шакллантиришнинг абстракт-дедуктив методи

Бунда ўрганиладиган тушунча учун таъриф тайёр кўринишда олдиндан конкрет мисол ва масалалар ёрдамида тушунтирилмасдан киритилади. Масалан, 4-синфларга мўлжалланган «Ўқиш» ўқув предметида келтирилган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Саломлашиш одоби» (2-чорак), Жонатан Свифтнинг «Гулливернинг сайёҳатлари»(3-чорак), Низоми Арузи Самарқандийнинг «Султон Маҳмуд ва Беруний» (4-чорак), Хондамир қаламига мансуб «Танбеҳ» каби ҳикоятлар абстракт-дедуктив метод орқали қуйидагича тақдимот қилинди:

Тақдимот қондаси

- Чиқиш регламентига риоя қилиш
- Чиқиш навбатига риоя қилиш
- Гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш ва улар хатти-ҳаракатини ижодий фаолликка чорлаш
- Маълумотлар график кўринишида (схема, жалвал. график) тақлим этилиши лозим бўлганда:

Тақдимотда нимага йўл қўйилмайди:

- Ҳолатни тасвирлаш ва уни қайта сўзлаб беришга;
- Иштирокчиларнинг сўзга чиқишларидаги қарама-қаршиликларга;
- Тушунарсиз, ноаниқ, ўринсиз ибораларга.

Ўйлаб кўринг ва гуруҳда тақдимотни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини муҳокама қилинг.

Тақдимотни муваффақиятли ўтказиш қоидалари ва сирларига асосланиб кувчиларнинг ўз иш натижаларини тақдимоти самарали ўтказилди.

Ёки 4-синфнинг «Одобнома» дарсида «Сўз – ноёб гавҳар» эртагини ўрганиш жараёнида ўқувчилар «*андиша нима?*», «*андишалар инсон фазилятлари қайсилар?*» каби саволларга жавоб бериш учун инновацион методлардан бири кластердан фойдаланилди (-жадвал). Натижада бошланғич синф ўқувчилари ижодий фаолият юритишга йўналтирилдилар. Улар эртак асосида ижодий фикрлашга ҳаракат қилишиб, дарснинг охирида ўзлари мустақил равишда «Сўз-ноёб гавҳар» эртагидан ҳисса чиқаришга мушарраф бўлдилар. Андишасиз гаплар: жисмоний айбини топиб юзига солиш, дағал гап, ўйламай гапириш каби хусусиятларга оид мисоллар топишди, шу мавзуга тааллуқли мақолларни саралашди. Кластерни тузишда қуйидаги қоида ўқувчиларга дастуриламал бўлди. Авваламбор ўқувчилар андиша сўзи юзасидан ақлига келган барча фикрларни ёздилар. Ҳоҳ сифатини муҳокама қилмай, офография ва бошқа омилларга эътибор бермай, ажратилган вақт тугагунча тузилган кластер болаларда ижодий фикрлашга замин яратди Ҳоҳлар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик

чегараланмагандан сўнг ўқувчилар ўз фикрларига эрк беришди. Дарсдаги кўтаринкилик руҳи ўқувчиларнинг ижодий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ўқувчиларда ижодий фаолликни шакллантириш турли-туман услублар орқали амалга ошириш мумкинлиги дастурларда белгиланган. Аммо умумий ўрта таълим мактабларидаги тадқиқот доирасидаги мавжуд аҳвол ўрганилганда, мактаб ўқитувчилари ҳар доим ҳам мазкур методлардан тўлақонли фойдаланишмаяпти.

Мактаблардаги мавжуд аҳвол ўрганилганда, илғор ўқитувчилар ўзларининг ўқув-услубий ишларида замонавий методлар орқали ўқувчиларда ижодий фаолликни шакллантиришга ҳаракат қилишади, бироқ уларнинг ҳаракатларида ҳар доим ҳам етарлича ўқувчи шахсини ижтимоийлаштиришга, унда эркин фикрлаш қобилиятларини ўстиришга, кўйилган масала ечимини ижодий топишга ундаш мотиви кузатилмайди.

Маълумки, ўқиш орқали билишга педагоглар эшитишни, кўриш, мотор-ҳаракат, сезиш органларини, баъзида эса ҳид сезишни ҳам иштирок эттириб, ўқувчиларни объектив реалликни билишга жалб қиладилар, бунда жонли мушоҳада, абстракт тафаккур ва амалиёт узвий кўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам ўқиш жараёни бевосита ёки бавосита шаклида таълим воситалари ва педагогик имкониятлар орқали содир бўладиган ўзига хос жараён ҳисобланади. Демак, ўқувчиларнинг ўқув фаолияти методларини ҳам ўқитишнинг ўзига хос шароитларида қўлланиладиган билиш методларининг туридир, деб ҳисоблашга ҳамма асослар бор.

Ўқув фаолияти методларини билиш методлари билан қиёслашдаги ўзига хос хусусият шундан иборатки, ўқитиш жараёнида янги илмий ҳақиқатни кашф қилиш эмас, балки олган билимларини ижодий ўзлаштириш вазифаси ҳал қилинади. Ўқитиш давомида янги билимларни эгаллаш учун умумий билишга характерли бўлган синаб кўриш ва хато қилишни деярли мустасно этадиган анча "енгиллаштирилган" шароитлар мавжуддир. Шунинг учун ҳам ўқув фаолияти методлари билиш операциялари билан қўшиб олиб

бориладиган ўқув жараёни шароитлари учун мослаштирилган. Ўқув фаолияти методларни ҳосил қилиш учун кўплаб йиллар сарфланган ўқув ахборотини билишга қисқароқ йўлни топиб беради. Улар ўқувчиларнинг ёш хусусиятига бевосита ҳолда боғлиқ бўлади. Ўқув фаолияти методларининг ўзига хос хусусияти мана шунда ҳам намоён бўлади.

Дарс бериш методлари ўрганиш методларини, ўқиш-билиш фаолиятининг жараёнини фаоллаштиришга йўллаб, уни кучайтиради.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Бошланғич ДТС таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини, баҳолаш тартибини белгилайди. 1-4- синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган ДТС талаблари ҳамда ўқув режаларида кўрсатилган ўқув соатлари асосида ўқувчилар тайёргарлик даражасига бўлган талаблар турли-туман кўрсаткичлар билан меъёрланади [1-ИЛОВА]:

Мактаблардаги амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, фанларни ўқитишда ўқувчиларда фикрлар кетма-кетлиги ва боғлиқлиги масаласи муҳим аҳамият касб этади. Масалан, 4-синфнинг 4-чорагида «Ўқиш» ўқув предметида ўрганиладиган Ханс Кристиан Андерсеннинг «Болалар гурунги» эртагига атаб чизилган расмлар, мини-ҳикоялар болаларда ижодий тасаввурни кенгайтиришга замин яратади. Ушбу эртакнинг саҳналаштирилган кўриниши эса уларни ижодий фаолликка ундайди.

Ўқиш дарсларида ўқувчиларда ижодий фаолиятни шакллантиришга мўлжалланган турли ижодий топшириқлардан фойдаланиш асосида ўқувчиларда мустақил ва ижодий фикр юритишга замин ҳозирлаш мумкин. Қуйида шундай топшириқларни ташкил қилиш шаклларида намуналар келтираемиз:

1. Ўқувчиларни ижодий фаолликка чорлаш

Ўқувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлайдиган ўқитувчи энг авваламбор ўқувчиларда тақдим қилинаётган ўқув материалига қизхиқтириш уйғотиш зарур. Бунинг учун у:


Асосий мавзунини баён этишда ўқувчиларни қандай йўл билан қизхиқтириши мумкин?

- Оддий бўлмаган маълумотларни сўзлаб бериш;
- Барча ўқувчиларга тўғридан-тўғри таалуқли бўлганларни гапириб бериш;
- Сўзлаш жараёнида холисона ва аниқлаштирилган маълумотларни тақдим қилиш;
- Образли солиштиришлардан унумли фойдаланиш

2. Келтириладиган образлар, солиштиришлардан унумли фойдаланиш ва улар меъёрига амал қилиш

3. Қай тарзда ўқув ахборотини тугатиш лозим?

Ўқитувчи нутқининг сўнгида қўйидагиларга амал қилади:



Бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолликка ундаш давомида ўқитувчи:

3. Ўқувчиларни образли фикрлашга ундаши;

4. Аниқ муаммони бурро ифодалаш;
5. Фикрнинг доимо тугалланган жумла билан ҳамда муҳим жойларига урғу бериб ажратган ҳолда ифода этиши;
6. хушмуомалали ва зийрак бўлиши;
7. Қўйдаги сўз бирикмаларидан фойдаланиши: «фараз қилинг», «тасаввур этинг», «ижодий парвоз этинг ...» ва шу кабилар.
8. Кўриш контакти (боғланиши)ни сақлашга ҳаракат қилиши-тингловчиларга қарашга ҳаракат қилиш (ҳар бир қатнашчига 3 секунддан);
9. Ҳар бир жавоб ва таклифни доимо рағбатланириши мақсадга мувофиқ.

Бошланғич таълимда меҳнат дарслари ҳам ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга мўлжалланган. Бунда тажриба – амалий ўлчашлар, қоғоз қирқимларидан ясаладиган турли фигураларни ясаш ҳар доим ижобий натижа беради. Бошланғич таълимда ўқув дастури асосида режалаштирилган (3-синф, 3-чорак) «Картондан гулдон тикиш», «Расм учун рамка тайёрлаш», «Қўш инида - қўш боласи»-аппликация тайёрлаш», «Ҳажмдор гул кўринишини ясаш», «Ҳаракатли ўйинчоқ» ясаш, «Баҳор» аппликациясини тайёрлаш – буларнинг барчаси бошланғич синф ўқувчиларига ижодий иш сифатида уйга вазифа қилиб берилади. Демак, бошланғич таълим ДТС ва ўқув режаларини таҳлил қилиш натижасидан кўринадики 3-синфда меҳнат дарсларида жами ўқитиладиган 34-соатдан 7 –соати ижодий иш сифатида уйга вазифа қилиб белгиланади; 4-синфларда белгиланган 38 соатдан - 9 соати ижодий ишларни бажаришга мўлжалланган. Жумладан, «Уруғлардан мозаика тузиш», «рангли қоғозлардан гуллар ясаш», «табиий хомашёлардан аппликация ясаш», «Миллий нақш тикиш» ва ҳ.к.

- Ягона ўқув машғулоти, ўқув курси бўйича тизимли машғулотлар, эвристик йўналтирилган фаолият асосида содир бўлади².

² Х.Ибрагимов, Ш. Абдуллаева . Педагогика- Т.: “Фан”, 2004 й, 110-116 б.

Ўқитишда муаммоли таълимдан фойдаланиш ҳам, ижодий фаолиятни шакллантиришда самарали ҳисобланади. Ўқувчиларнинг бирор-бир ҳақиқатни мустақил излаши ва кашф этиши билан боғлиқ бўлган таълим методларидан эвристик ёки тадқиқотчилик методлари билан бирга ўқувчиларни ижодий фикр “лабораторияси”га олиб кирадиган жараён ҳам асосий аҳамиятга эгадир. Муаммоли таълим шу жиҳатдан бир қанча афзалликларга эга:

- 1) у ўқувчиларни мантиқий, илмий, дидактик, ижодий фикрлашга ўргатади.
- 2) у ўқув материални ишонарли қилади, бу билан билимларнинг эътиқодга айланишига кўмаклашади.
- 3) у одатда, анча таъсирчан бўлиб, чуқур интеллектуал ҳис-туйғулар, шу жумладан кўтаринки рух, ҳиссини ўз имкониятлари ва кучига ишонч туйғусини вужудга келтиради, шунинг учун у ўқувчиларни қизиқтиради, ўқувчиларда илмий билишга жиддий қизиқишни таркиб топтиради.
- 4) ҳақиқат қонуниятининг мустақил “кашф этилиши” олинган билимларни унутмаслиги аниқлаб чиқилган, мустақил ҳосил қилинган билимлар унутилган тақдирда ҳам уларни тезда қайта тиклаш мумкин.

Муаммоли таълимнинг асосий мақсади-Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичи талаблари асосида билим олувчиларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириш, тафаккурини ривожлантириш, ўзлаштириш натижасида билимларни амалиётга тадбиқ этилишини кучайтиришдан иборат.

Демак, муайян мавзунини муаммо шаклида олиб чиқиш йўли билан эгалланадиган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси муаммоли таълим дейилади.

Муаммоли таълим қуйидагиларда кўринади:

1. Муаммо
2. Муаммоли савол

3. Муаммоли вазифа
4. Муаммоли топширик
5. Муаммоли вазият.

Муаммонинг ўзи юнонча “проблем” сўзидан олинган бўлиб, вазифа, топширик деган маъноларни англатади.

Муаммоли вазият-субъектнинг психологик ҳолатини ифодалаб, муаммо билан дуч келганда, ақлий қийинчиликни пайдо бўлиши зудлик билан ҳал қилишига ҳалақит берадиган янги билим ва ҳаракат усулларини излаш, уларни топиб ҳосил бўлган қийинчиликларни бартараф этишни таъминлайди. Бу эса муаммога психологик жихатдан ёндашишни талаб этади.

Масалан, ўқувчиларининг ёш хусусияти билим савиясидан келиб чиққан ҳолда муаммоли вазиятлар яратишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш мумкин:

1. Она тили дарслигида берилган мавзуларни қиёслаб ўргатиш орқали муаммоли вазият яратиш, чунончи ўрганилаётган ҳар бир мавзу ўқувчилардан товушлар, сўзлар ва гапларни қиёслашни шу асосда умумлашмалар ҳосил қилишни талаб этади. Бу ҳам ўз-ўзидан равшанки, муаммоли вазиятни юзага келтиради. Ўқувчиларда “Нима учун?” деган саволга жавоб излашга эҳтиёж туғилади. Масалан “унли ва ундош товушлар” мавзуси ўрганилаётганда ўқувчи аввал унли ва ундош товушларни тўғри номлашни, кейин қиёслашни, унли ва ундошлар иштирокида сўзлар, сўзлардан эса гаплар ҳосил қилишни, уларнинг бир-биридан фарқларини аниқлашни талаб этади.

2. Муаммоли саволлар бериш орқали муаммоли вазият яратиш.

Ўқитувчи дарс машғулотини муаммоли саволни ўртага ташлаш билан бошлайди:

1. Унли ва ундош товушларни алоҳида айтиб кўринг.

Уларни талаффуз қилишда қандай фарқни сезаяпсиз?

2. Олтига унли ва ҳарф иштирок этган сўз ёзинг. Улардаги унлини бошқа унли билан алмаштириб кўринг, қандай ўзгаришларни сезаяпсиз?

3. Ундош товушларнинг талаффуз этиб кўринг. Шовқин овоздан ҳосил бўлган ундошларни алоҳида, фақат шовқиндан ҳосил бўлган ундошларни алоҳида ёзинг.

Агар топшириқларни бажариш муайян қийинчилик туғдирсагина, намуна кўрсатади.

4. Рамзий тасвирлар орқали муаммоли вазиятлар яратиш.

Муаммоли вазият яратишнинг бу усулида рамзий тасвирлардан фойдаланилади. Масалан, “Ўзбекистон қовунлари” расмлари ва номини бериб, мавзуда матн яратиш топширилиши мумкин.

5. Муаммоли вазият яоратишда тил ҳодисаларини гуруҳлаш, ажратиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, сўзларни муайян уяларга бирлаштириб, умумий маъноли сўзнинг хусусий маъносини ёки хусусий маъноли сўзларнинг умумий маъносини топишини талаб қилиш муаммоли вазият яратиш имконини беради. Масалан, ўқув қуроллари, мевалар, сабзавотлар, дарахтлар ва гулларнинг ўнлаб ҳатто юзлаб уядошлари борки, ўқитувчи умумий маъноли сўзни ўқувчи ҳукмига ҳавола этади ва қолган сўзларни топишни ўқувчиларга топширади.

1. Сабзавотлар: сабзи, ...

2. Ўқув қуроллари: китоб, ... ва ҳоказолар.

Ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда таълимнинг билишга оид қизиқишларини ривожлантиришга қаратилган мотивацион-қизиқарли томонларига ҳам кўпроқ эътибор берилиши лозим. Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишларнинг характерли хусусияти улар психикасининг заиф томонларига сустлик билан мослашиш эмас, балки ўқувчилар максимал даражада фаоллашиши учун уларни ақлий ривожланишига фаол таъсир кўрсатиш тамойили бўлмоғи керак. Тарбиячи ва ўқитувчилар айрим болалар қобилияти ўртача эканлиги ёки

қобилиятсизлиги ва ҳатто мукамал эмаслиги ҳақида пайдо бўлган тасаввурни сездирмасликлари лозим. Бундай ўқувчилар ўзлари тобора тезлашиб ва мураккаблашиб бораётган таълим жараёнига аста-секинлик билан мослашиб борадилар.

Таълимда дарсни тўғри ва самарали ташкил этилиши албатта, ўқувчилар билим олишига таъсир этади. Ижодий фаолиятни ривожлантиришда муҳим масалалардан яна бири ўқитувчининг дарснинг технологик жиҳатдан тўғри лойиҳалашга бориб тақалади. Интерфаол методларни қайси босқичда қандай қўллаш дарсни лойиҳалаш вақтидан бошланади. Лойиҳалаш қуйидаги босқичларда амалга ошади.

I – диққатни жамлашга босқичи

II- тинглаш босқичи

III- фикрлаш босқичи

Бу босқичлар интерфаол методларни тўғри, ўз ўрнида қўллаш ҳамда дарс самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Диққатни жамлаш босқичи: бунда ўқитувчи болаларнинг янги мавзуга оид дастлабки тушунчаларни аниқлайди.

Мақсади:

- дастлабки тушунчалар аниқ, эркин намоён қилиш;
- ўз фикрини ифода қилиш;
- дарсга бўлган қизиқишларини ошириш кабилардан иборат;

Англаш босқичи: бунда ўқитувчи ўқувчилардан олган дастлабки тушунчаларига қўшимча таълимотларни жамлаб янги билим билан бойитади. Яъни ўқувчининг билган ва билмаган маълумоти тўлдирилади.

Аниқлаш босқичининг мақсади:

- дастлабки тушунчалардан келиб чиқиб, ўқувчи англаш янги билимлар билан тўлдириш:

- ўқувчилар қизиқишини орттириш;
- таҳлил қилишга- таққослашга ўргатиш;

-янги дарсни баён этиш.

Фикрлаш босқичи: бу босқич дарсни мустаҳкамлаш қисмига тўғри келади. Унда ўқувчилар дастлабки тушунча ва маълумотларни таҳлил қилиб фикрладилар, билимларини мустаҳкамлайдилар. Ўқувчилар ўтилган дарс, мавзу ҳақида муносабатларини билдирадилар.

Тўғри ташкил этилган дарс ўз самарасини беради, албатта. Аммо ҳар бир босқичда қўлланиладиган методларни чуқурроқ ўрганмай туриб, дарс самарадорлигини ошириб бўлмайди.

Таълим стандартлари ва меъёрлари ва анъанавий равишда таълим натижаларини баҳолаш учун фойдаланилади. Ўқувчининг натижалари стандартга қанчалик яқин бўлса, унинг ўқув фаолияти шунчалик юқори баҳоланади. Ўқувчи томонидан ҳақиқий эгалланган ва яратилган билимлар ҳажми тўла даражада назорат қилинмайди, чунки ўқувчиларнинг стандарт доирасидан ташқаридаги шахсий билим ёки бошқа натижалари анъанавий мактаб назаридан четда қолиб келади.

Ижодкорликда ўқув натижаларини баҳолашга ёндашув ўзгача. Ташқи берилган натижаларга эришилганлик даражаси эмас, балки кўпинча ундан четга чиқишлар текширилади. Ижодкорликни баҳолашда ўқувчилар таълимий натижаларининг асосий параметри- стандартларнинг минимум талабларига мос келиши эмас балки ўқувчининг шахсан таълимий ўсиш даражасидир.

Анъанавий таълимда ўқувчи таълим мазмунини саралашда амалда иштирок этмайди. Ижодкорлик фаолиятида эса таълимда ўқувчи таълимий самараси таълимнинг янги мазмунини саралашда иштирок этади; билимнинг ҳажми, малакаси, фаолият турлари ҳамда ўқувчининг фойдаланиладиган усуллари чекланмаган бўлади.

Ўқувчиларга бериладиган таълим стандарти кўпинча ўқувчи шахсига, унинг ҳақиқий таълимий фаолиятига боғлиқ бўлмаган материалларни ҳам вужудга келтирадими, бу тайёр иншолар, рефератлар ва бошқа ёзма

манбаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Таълим маҳсулининг бундай турини таълимнинг мактаб тизими тақозо қилади. Компьютер технологияси бу жараёни янада қулай ва вариатив қилиб қўймоқда. Тайёр контрол ишлар, рефератлар ҳамда шу каби интернет тармоғига жойлаштирилган материалларнинг муттасил кўпайиб бораётган тўпламлари ўқувчиларга тайёргарлик кўрмай ҳамда зарур ишларни бажармай туриб имтиҳонлар топширишларини осонлаштирмоқда.

Таълим стандартларини тузишда ижодий ёндашув курс ёки мавзунинг ўрганиш натижаси сифатида тайёр фан мазмунини бермайди, бироқ ўқувчидан янги мазмунни, яъни унинг шахсан таълимий ўсишини талаб қилади.

Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришда топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг кичик ва қадимий жанрининг таълим-тарбиявий аҳамияти бекиёсдир.

Топишмоқни ўрганиш, унга жавоб топиш орқали болалар предметларнинг келиб чиқиши, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли ҳақида тасаввурга эга бўладилар, уларнинг қизиқиши ортади, онги ва тафаккури ўсади, фикрлаш қобилияти ривожланади, табиат ва ҳайвонот оламини севиш, ардоқлаш каби ҳиссиётлари тарбияланади. Топишмоқлардан дарс жараёнида фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг нутқибойийди, такомиллашади. Улар ифодали, мазмунли ўқишга ўрганадилар.

Топишмоқларнинг матн мазмуни билан боғлиқ равишда ўрганилиши ўқувчиларнинг бир томондан матн мазмунини тўлиқроқ тушуниши ва яхши эсда сақлашига туртки бўлса, иккинчидан, уларнинг дарсдаги фаоллигини оширади, дам олиш муҳитини яратади, маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топтиради.

Фикримиз тасдиғи сифатида қуйидаги дарс матнини келтирамиз.

Дарс мавзуси: “Топишмоқлар дарси” ёки “Ўйла, изла, топ”.

Дарсинг мақсади: Халқ оғзаки ижоди жанри бўлган топишмоқ ҳақида ўқувчиларга тушунча бериш, ўқувчиларда тўғри ўқиш малакасини ҳосил қилиш, матн устида ишлаш жараёнида топишмоқ жанрига хос назарий тушунчаларни кенгайтириш, уларни мантиқий фикр юритишга, тўғри хулоса чиқаришга ўргатиш.

Дарс жиҳози: топишмоқларни гуруҳлаштирилган жадвал, жавоблари акс эттирилган расмлар, макетлар. Ҳар бир ўқувчи учун топишмоқ ёзилган карточка.

Дарс методи: кўргазмали, эвристик суҳбат.

Дарсинг бориши:

Ўқитувчи: “Бугун биз сиз билан 1-синфда ўрганган топишмоқларимизни яна бир бор эсга оламиз ҳамда уларни қуйидаги жадвалга жойлаштирамиз” дейди. Сўнг доскани бўр билан тўрт устунга бўлади:

1. Қушлар ва ҳайвонлар ҳақидаги топишмоқлар.
2. Сабзавот, полиз, мевалар ҳақидаги топишмоқлар.
3. Предметлар, уларнинг белгисини билдирадиган топишмоқлар.
4. Шеърӣ топишмоқлар.

Ҳар бир ўқувчи ўз карточкасидаги топишмоқни ўқийди.

Синф билан биргаликда унинг жавоби топилади ҳамда жадвалдаги ўрни аниқланиб, шу устун қаторига ёзилади.

1-ўқувчи.

-Ости тош, усти тош

Ўртасида жондор бош.

Жавоби: тошбақа (1-устунга ёзилади).

2-ўқувчи:

-Ичи- буёқ, сирти-таёқ.

Жавоби: қалам (3 устунга ёзилади)

3-ўқувчи:

-Чопса чопилмас,

Бўлса бўлинмас

Кўмса кўмилмас.

Жавоби: соя (4 устунга ёзилади)

4-ўқувчи:

Палак остида

Ётар талаш тош

Уни пиширсанг

Бўлар ширин ош.

Жавоби: картошка (2-устунга ёзилади)

Шу тарика ҳар бир ўқувчи қўлидаги карточкадан фойдаланиб, топишмоқни ўқийди, жавоб топади ва жавобини тегишли гуруҳларга ажратиб ёзади. Шу ҳолатда ўқувчилар бар неча таълимий вазифаларни бажарадилар.

Биринчидан, топишмоқни топиш жараёнида уни бир ёки икки марта, айрим ҳолларда эса уч мартабагача ўқийдилар, ифодали ўқишга, фикрлашга ўрганадилар, ўқитиш техникасини эгаллайдилар, таққослаш, солиштириш каби амалий ишларни бажарадилар.

Топишмоқда яширин берилган предметни топишда қийинчиликлар туғилса, ўқитувчининг ўзи ифодали ўқиб бериши ҳамда топишмоқнинг белгисини билдирувчи сўзларга алоҳида урғу бериши шарт.

Чиқ-чиқ дер йўқ тўхтови,

Вақтнинг аниқ ўлчови.

Жавоби: (*coat*)

Тинмай ўқисанг агар,

Кўп нарсани ўргатар.

Билсанг, ука, ўйлаб топ,

Билим кони, у- ...

Жавоби: (*kitob*)

Топишмоқни топишда ўқувчилар қийналсалар, унинг жавоби бўлган предметни ёки сабзаёт намуналарини 1 қаторга териб қўйиш мумкин.

Шу тарика машғулот давом эттирилади.

Ўқувчиларнинг дарсдаги ҳолати ҳисобга олиниб, дарсга қўшимча маълумотлар киритиш мумкин. Ўқувчиларга карточкаларда ёзилган топишмоқлардан ташқари, яна қандай топишмоқларни билишлари ҳақида саволлар бериш мақсадга мувофиқ. Масалан: Дарсликдаги:

Дум-думалок бўйи бор,

Паловда обрўйи бор.

Жавоби- (*беҳи*).

Худди шу топишмоқнинг бошқа кўринишини ўқитувчи мисол тарикасида айтиши мумкин:

Ертўлага осса бўлар

Паловга босса бўлар кўринишида.

Хуллас, топишмоқнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти мантиқий тафаккурни ривожлантиради. Уларга жавоб топиш эрмак учун эмас, балки ўрганилаётган билимлар тизими тараққиёти учун зарурдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш учун турли шарт-шароитларларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун таълим талабларини аниқлаш ва шу талаблар асосида унинг устувор қўналишларини изланувчи таълим, муаммоли вазиятлар яратиш ва таълимга технологик ёндашув асосида ташкил этилиши ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг самарадорлигига замин тайёрлайди.

2.2. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришнинг шакл ва методлари

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини ривожлантиришда эвристик ва муаммоли таълимдан ташқари билишга йўналтирилган, илмий асосланган таълим методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари бошланғич таълимда ишбоп, роли, сюжетли ўйинлардан фойдаланиш тадқиқот доирасида муҳим аҳамият касб этади.

Ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда ижодий қобилиятни шакллантиришга, илмий-ижодий изланишларга йўллайдиган, билишга оид илмий фаолиятни ташкил этиш шакл ва методларидан фойдаланиш ўз самарасини берди. Бу борада ижодий фаолиятни ривожлантириш дарсларига диалог-дарслар мунозара, баҳс, суҳбатлар, фантазия, изланиш дарслари, муаммолар қўйиш ва уларни ечиш дарслари; иштирокчилик дарслари, моделлаштириш, бадиий техник ижодкорлик, ижод қилиш, кичик кашфиётлар яратиш, иншолар ёзиш, солномалар тузиш, ишбоп ўйинлардан, инновацион методлардан фойдаланиш кабилар энг самарали бўлди. таълим жараёнида дарс шакллариининг ўйин усуллари сифатида ўқитишнинг маълум бир пайтида ўтказилади.

Маълумки, бошланғич синф ўқувчиси катталарнинг хатти-ҳаракатини тақлид қилишга қизиқади. Бунда таълим жараёнида қўлланилаётган ишбоп ўйинлардан фойдаланиш ката аҳамият касб этади. Болаларга мўлжалланган ишбоп ўйинлар такрорлаш, мустаҳкамлаш, ўтилганларнинг қай даражада ўрганилганлигини (диктантлар, мусобақалар, кроссвордлар, сиртқи саёҳатлар ролли ўйинлар, драматик сахналар тарзида) аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Ишбоп ўйинларни ҳаётий вазифаларни имитатсия ва моделлаштириш асосида ташкил этиш самарали натижаларга олиб келади. Бундай ўйинлар фақат билишга оди бўлмай, дунёқарашни кенгайтириш, ҳамда ҳиссий таъсир этиши билан ҳам характерлидир.

Масалан, бошланғич таълимда “Нима учун?”, «Балиқ скелети», «Каскад», «Қандай?» каби инновацион методлардан фойдаланганда биз асосан уларни ишбop ўйинлар тарикасида ўтказишга ҳаракат қилдик ва натижада ўқувчиларда ижодий фаолият ривожланганлигининг гувоҳи бўлдик.

“Нима учун?” схемасини тузиш қоидалари

1. Дарсда тақдим қилинган ўқув материали бўйича қандай пиктограммадан: айлана ёки тўғри тўртбурчак фойдаланишингизни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазалар схема-занжири турини: чизикли, ночизикли, спиралсимон (дастлабки ҳолатни марказга ёки четга жойлаштириб) бўлишлигини ўзингиз танлайсиз.
3. Стрелка сизнинг қидирув йўналишингизни белгилайди:

“Балиқ скелети” схемаси -муаммонинг бутун доираси (майдони)ни ифода этиш ва унинг ечимини топишга имконият беради. Тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради


Схемасини тузиш қоидалари билан танишади.

“Суяк” юқори қисмига муаммо ичидаги муаммо ёзилади, пастки қисмига эса-ушбу муаммо ичидаги муаммо амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи фактлар ёзилади


Мини-гуруҳларга бирлашади, ўз схемаларини таққослайди ва қўшимчалар киритади. Умумий схемага жамлайди

Натижалар тақдимоти

Бошланғич таълимда “Балиқ скелети” методидан фойдаланиш



“ҚАНДАЙ?” иерархик диаграммаси



“Қандай?” диаграммасини қуриш қоидалари

1. Кўп ҳолларда сизга муаммолар ҳал этишда “Нима қилиш керак?” ҳақида ўйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо асосан “Буни қандай қилиш керак?” қабилида бўлади. “Қандай?”-муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

“Қандай?” иерархия диаграммаси муаммо ҳақида бутунлигича умумий тасаввурга эга бўлишга имкон берадиган саволлар мантиқий занжири кўринишида бўлади.

Кетма-кет равишда “Қандай?” саволини қўйиш орқали сиз фақат муаммони ҳал этишнинг барча имкониятларини тадқиқ этибгина қолмай, балки уларни амалга ошириш усулларини ҳам ўрганасиз.

Диаграмма стратегик даражадаги савол билан иш бошлайди. Муаммони ҳал этишнинг пастки (қўйи) даражаси биринчи навбатдаги ҳаракатлар рўйхатига мос келади.

2. Ўйламай, баҳоламай ва уларни ўзаро солиштирмай тезликда барча ғояларни ёзиш лозим бўлади.

3. Диаграмма ҳеч қачон тугалланмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин бўлади.

4. Агарда савол схемада бир қанча “шоҳлар”да қайтарилса, демак у нисбатан муҳимдир. У муаммони ҳал этишнинг муҳим қадами бўлиши мумкин.

5. Янги ҳояларни график кўринишида қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

6. Агарда сиз тўғри савол берсангиз ва оптиместик бўлсангиз, у ҳолда диаграмма (техника) ҳар қандай муаммо ечимини топиб беришни кафолатлайди.

“КАСКАД”


Таркибий-мантиқий схема
- иерархик ғоялар
таркибини аниқлаш
имконини беради.
Тизмли, ижодий тахлилий
мушоҳада қилиш
кўникмаларини
ривожлантиради.

Схемани тузиш қоидалари билан танишилади.
Якка (жуфтликда) схема тузилади.

Жуфтланрга бирлашади, ўз схемаларини таққослайди ва
қўшимчалар киритади.

Натижалар тақдимоти

“Каскад” таркибий-мантиқий схема



“Каскад” таркибий-мантиқий схемани кўриш қоидалари

1. “Каскад” ни тузиш жараёнида тизимли схема таркибий қисми ва элементларини олдига суриш мумкин-бу у ёки бу ҳолатни қайта мушоҳада қилишга имкон беради.
2. Ҳолатларни ишлаб чиқишда агарда сиз тор йўлакка кириб қолсангиз, у ҳолда бир-икки даража юқорига қайтинг ва муҳим нарсани унутмаганингизга ҳамда бошқача нимадир қилиш мумкин эканлигига амин бўлинг.
3. Сиз чапдан ўнгга ёзишга ўргангансиз. “Каскад қуришни ўнгдан чапга” бўлишлигига ҳаракат қилинг. Бунинг учун асосий ҳолатни варақнинг чап қиррасига жойлаштиринг.


“ПИРАМИДА” схемаси
 ҳолатларни иерархик тақдим
 этиш воситаси.
 Тизимли ижодий таҳлилий
 мушоҳада қилиш
 кўникмаларини
 ривожлантиради.

Схемани тузиш қоидалари билан танишилади.
 Икки (жуфтликда) неҳоми тузилади муаммо (ҳолат,
 масала) кичик муаммолар ёзилади, кейин муаммо ёки
 масаланинг иккинчи даражали жиҳатларини чуқурроқ
 кўриб чиқиш учун хизмат қилувчи “кичик шохлар”
 давом эттирилади бунинг натижасида битта ҳолат
 ривожлишининг барча томонлари етарлича чуқур
 ўрганиб чиқилиши мумкин.

Жуфтларги бирлашади, ўз схемаларини таққослайди ва
 қўшимчалар киритади. Умумий схемага жамлайди.

Натижалар тақдимоти

«Пирамида схемаси»



«Нилуфар гули» схемаси муаммони ҳал этиш усули.

Ўзида нилуфар гули образини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборатдир.

Тизимли, ижодий таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

Схемани тузиш қоидалари билан танишилади. Якка (жуфтликда) схема тузилади: асосий муаммо (масала) марказий квадратнинг марказига ёзилади. Уни ҳал қилиш ғоялари марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзилади. Ҳар бир ушбу саккизта ғоя марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта квадрат марказига ўтказилади, -бошқача айтганда нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказилади. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида яна бир муаммо сифатида қаралади.

Жуфтларга бирлашади, ўз схемаларини таққослайди ва қўшимчалар киритади. Умумий схемага жамлайди.

Натижалар тақдимоти

2.3. Ўйинлар воситасида ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш

Бошланғич таълимда ўйин ижодий фаолиятнинг бир шаклидир. Бунда ўқувчи ижтимоий ва моддий борлиқни билиш ҳамда англаш асосида эмоционал – хиссий, интеллектуал-ахлоқий ривожланади.

Ўйинлар, уларнинг инсон тараққиётидаги ўрни хақида психология, этнография, маданият, педагогика фанларида бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. XIX асрнинг охирида немис олими К. Гросс ўйинларни тизимли ўрганишга ҳаракат қилган бўлса, немис психологи К.Бюллер ўйинларни “қониқиш ҳосил қилувчи” фаолият сифатида тадқиқ этади.

Л.С. Виготский, А. Н. Леонтьевлар фикрича, ўйинларни назарий жиҳатдан ижтимоий табиатига кўра маълум фаолиятига йўналтирилганлиги билан боғлаб, тадқиқ этган бўлсалар, Д.Б.Элкониин шахс хулқини бошқаришни таркиб топтириб, уни такомиллаштирувчи фаолият сифатида талқин этадилар. Лекин ўйинларни ягона ва энг муҳим асосий хусусияти унинг таълимдаги ахамиятлилигидир. Ўйинларда боланинг хулқи эркин шаклланади ва ижтимоийлашади. Ўйинларнинг энг муҳим жиҳати унинг икки тамонлама характерга эгалиги бўлиб, унинг драматик санъатга ҳам мослигидир.

Бир тамондан ўйин иштирокчилари уни амалга оширишда муайян ностандарт вазифалар билан боғлиқ ҳақиқий фаолиятни бажарсалар, иккинчи тамондан эса ўйинлар бу фаолиятнинг аксарият пайтларида маъсулиятни ҳис этган ҳолда ҳақиқий вазиятлардан четга чиқувчи шартли хусусият ҳам касб этадилар.

Демак, ўйинларнинг икки тамонлама вазифани бажариши унинг ривожланувчи натижага эга бўлишига сабаб бўлади. Ўйин фаолияти элементларидан таълим жараёнида кенг фойдаланилади. Улар ишбоп ойинлар, дедактик ўйинлар, ролли ўйинлар, компьютер ўйинлари шулар жумласидандир.

Ишбop ўйинлар касб фаолияти предмети ёки ижтимоий мазмунини қайтадан яратиш шакли бўлиб, амалиётнинг ана шу турига хос муносабатлар тизимини моделлаштиришдир.

Ишбop ўйинларни ўтказишда унинг қатнашувчилари фаолиятини махсус (ўйин тарзида) имитатсия моделида ривожлантиришдан иборатдир. Ўйинларнинг характериға кўра ўқув жараёни ўйинлари тадқиқотчилик ўйинлари, бошқарув ва аттестацияға доир ўйинлар туриға бўлинади. Ўқув жараёниға доир ўйинлар ўқув предметлар бўйича истиқболда касбий фаолиятини тўғри ташкил этиш ва шахсни мақсадға мувофиқ шакллантиришға шарт-шароитлар яратади. Ана шу шарт-шароитлар натижасида олинган янги билимлар келгуси касбий фаолиятни тўғри йўлга қўйишға ёрдам беради. Маълумки, таълим ҳамкорликка асосланиб, жамоавий характер касб этади; касбға хос фаолият қоидалари ва жамоанинг ижтимоий қоидаларига мос холда амалға ошади. Ана шу маънода таълимнинг дидактик ва тарбиявий аҳамияти ўзаро бирлашиб, ўйин фаолияти шаклида ўқувчиларнинг фаоллиги ортади. Ишбop ўйинларда тавсия этилган муаммоли топшириқ мақсадға мувофиқ диалогик мулоқот асосида иштирокчиларни рағбатлантиради, қизиқишларини орттиради, эмоционал руҳ пайдо қилади.

Дидактик ўйинлар таълимий мақсадларни амалға оширадиган ва уларға мослаштирилган бўлади. дидактик ўйинлар тизимидан биринчи марта мактабгача жараёнида фойдаланишға доир Ф.Фрибел ва М.Монтисорилар ишлаб чиққан бўлса, бошланғич таълим учун О. Дикроли тадқиқотлар олиб борган. 60-70 йиллардан бошлаб фақат бошланғич таълимда эмас, умумий ўрта таълимда ҳам фойдаланила бошлади. 80-йилларда айниқса, ишбop ўйинлар кенг тарқала бошланди.

Ишбop ўйинларнинг асосий хусусияти ўйин режасининг ўқув мақсадига йўналганлигидадир. Чунки ўқув мақсади ўйин вазифалари доирасида этилади.

Демак, ўйинлар болаларнинг асосий фаолият тури бўлиб, у орқали кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар ҳаётни, борлиқни, теварак- атрофни ўргандилар ва унга мослашадилар. Ўйин пайдо бўлиши учун қуйдагилар муҳим саналади:

- ўйин иштирокчилари билан бўлган мулоқатдан қониқиш ҳиссининг пайдо бўлиши;
- табиийлик, эмоционал ҳиссиётнинг вужудга келиши;
- ўйин давомида ўқувчиларнинг ўзининг табиий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиши ва ҳоказолардир.

Ижтимоий- психологик аҳамияти жиҳатидан ўйинлар асосан иккита вазифани бажаради;

- маълум ижтимоий билимларни эгаллаш;
- зарур ижтимоий қоидаларни шакллантириш.

Шунингдек, муаммо нуқтаи назардан ёндашганда, ўйинлар ўқувчининг ижодий фаолиятини фаоллаштириш билан унинг ижодий қобилиятини ўстиради.

Маълумки, болалар ўйинининг сифати ва самарадорлиги унда иштирок этувчиларнинг ҳаётий кузатишлари ва шахсий тажрибасига бевосита боғлиқ бўлади. Бунда онглилик, ташаббускорлик ва иродалилиқ каби сифатлар аҳамият касб этади. Шу сабабли турли ижтимоий- психологик тавсифга эга ўйинларган ўқув жараёнида фойдаланиш, шак-шубҳасиз ўз самарасини кўрсатади.

Айнан фаол ўқитиш методлари ҳам ана шундай ўйинларга таянилган ҳолда ташкил этилади. Ҳар бир ўйин бир неча дақиқадан тортиб, ундан кўпроқ вақт давом этиши мумкин ва унда иккита боладан тортиб то ўн ўқувчигача иштирок этади.

Масалан, “ишбоп ўйинлар” ёки “бошқарув” деб юритилувчи ўйинлар билим ва кўникма ҳосил қилишга қаратилган бўлади.

Мазкур ўйинларнинг назарий ва амалий жиҳатдан моҳиятини бир қатор олимлар Я.М.Бельчиков, М.М.Бирштейн, В.Н. Бурков, Ю.В.Геронимус,

В.Я.Платов, Б.Қодиров, В.М.Каримова, Р.Суннатова, З.Нишонова ва бошқалар ўз тадқиқотларида баён қилиб ўтганлар. Улар ўз илмий ишларида гуруҳ шароитида замонавий ўқитишнинг педагогик ва психологик технологиялари устида фикр юритар экан, хусусан, “Ишбиламонлик” ўйинларини ўтказиш методикасига доир бир қатор қимматли фикрларни билдирдилар. “Ишбоп” ўйинларни фаол ўқитиш методларидаги ўрнини (айниқса кичик мактаб ёшидагилар учун) яққол тасаввур этиш учун методлар мажмуини келтириб ўтамиз.

Фаол ўқитиш методларининг оддий классификациясини рус олими Н.Н.Козленко қуйидагича тавсифлайди:

“Фаол ўқитиш методларига” “Ишбиламонлик” ўйинларидан ташқари реал вазиятларни таҳлил қилиш ва ролли ўйинларни такомиллаштириш жараёни киради”.

В.М.Каримованинг таъкидлашича, “фаол ўқитиш методларига, энг аввало, баҳс, мунозара йўли билан ва малакалар ҳосил қилиш тушунилади...”.

В.Я.Платов фаол ўқитиш методлари қуйидаги реал вазиятли ўйинлардан иборат, деб таъкидлайди:

1. Ролли ўйинлар
2. Иммитатив ўйинлар
3. Фаолиятга қаратилган ташкилий ўйинлар
4. “Ишбилармонлик” ўйинлари

В.Я.Платов фикрича “Ишбоп” ёки “бошқарув” деб аталувчи ўйинларнинг қуйидаги асосий қирралари мавжуд:

1. Объект моделининг мавжудлиги
2. Роллар мавжудлиги
3. Қарор қилиш жараёнида ролли мақсадларнинг тафовути
4. У ёки бу ролларни бажарувчи иштирокчиларнинг бир-бирига таъсири.

Ролли ўйинларда энг аввало, иштирокчи шахс сифатида ўзлигини намоён қила бошлайди.

Фаол ўқитиш методлари таркибига кирувчи имитацион ўйинлар каторига бошқарув ўйинларини ёки ролларни тақсимлаш вазиятларини киритиш мумкин.

“Ишбилармонлик ўйинлар” мутахассисларни ўқитишда ва уларнинг касбий сифатларини такомиллашувига хизмат қилади.

“Компьютерли ишбилармонлик” ўйинлари шундай психологик вазиятлар мажмуи, бунда ўйин иштирокчилари бир вақтнинг ўзида ҳам ўйин иштирокчилари бир вақтнинг ўзида ҳам ўйин иштирокчиси, ҳам кузатувчи бўлиш имкониятларига эга бўлади. Ишбоп ўйинлар кенг маънода шундай усул турики, бунда турли ишлаб чиқариш вазиятларида, бошқарув қарорларини қабул қилиш имитация қилинади ва бу ўйин шартлари бир гуруҳ инсонлар орасида ЭХМ билан мулоқот тартибидаги иш режимида ўйналиши мумкин.

“Ишбоп ўйинлар”- фаол ўқитиш методларидан бўлиб, у реал ўрганилаётган объектни тўғри англаш мақсадида таҳсил олувчининг у ёки бу вазиятни ўйин ҳолида талқин қилишга қаратилган усулдир.

Ишбилармонлик ўйинлар кенг тарқалган ўйин методларидан бўлиб, улар моҳияти жиҳатдан маълум образларга кириш, ўша образга хос бўлган ҳиссиётларни ўз бошидан кечиришни тақозо этади. Шундай қилиб ишбилармонлик ўйинлари кўллаш соҳалари ниҳоятда кўп. Ўқув мақсадларида компьютердан фойдаланган ҳолда кўлланиладиган ишбилармонлик ўйинлари ўқувчиларнинг ҳаётида тўғри мавқега эга бўлишлари, ўзи истаган, орзу қилган ҳаётий вазиятларни яратишга ўргатади ва ундайди, энг асосийси ишлаб чиқариш жараёнида ўзини эркин мулоқотга осон киришувчи шахс, билимдон мутахассис сифатида намоён қилишга замин яратади. Ишбилармонлик ўйинларининг тузилиши.

1 -босқич

Тайёрланиш босқичида бошланғич синф ўқувчилари ҳар хил ҳолатли масалаларни ечишнинг назарий асосларини ўрганадилар. Объект сифатида ўйин модели, ўйин ҳолатлари иштирокчилари мажбуриятлари, ўйин ўтказиш тартиб ва қоидалар ҳамда ўқувчилари билимини баҳолаш тизими билан танишилади. Кўргазмали қуроллар, керакли кўрсатмали материаллар дарс учун тайёрланади. Айрим масалалар мустақил ўрганилади.

2- босқич. Кириш қисми. Ишбоп ўйинида гуруҳлар ташкил қилинади, лидерлар танланади, иштирокчиларга роллар тақсимланади. Ходимлар танлашда қатнашчилар анкета сўрови ёрдамида аниқланади. Лавозимларга тайинлашда буйруқ лойиҳаси кўриб чиқилиб ва юқоридан тасдиқланади. Рол тақсимоти қатнашчиларнинг шахсий жиҳатларидан ва солоҳиятидан келиб чиққан ҳолда эксперимент усули ёрдамида белгиланиши мумкин. Бу билан қатнашчиларнинг шахсий жиҳатлари ва салоҳиятлари белгиланган ролларга мос келиб ўйин юқори даражада ўтади.

3 босқич. Ўйин жадвалини амалга ошириш, бир томондан барча гуруҳларни бир хил юкламалар билан таъминлаб, иккинчи томондан вазифаларни тақсимлаб қворлар қабул қилиш жараёнини тезлаштиради ва уларнинг гуруҳларида муҳокама қилиш ишлари олиб борилади.

4 босқич. Хулоса чиқариш босқичи, ўйин натижаларини таҳлили раҳбар томонидан ёки иштирокчилар томонидан олиб борилади. Иштирокчилар томонидан баҳолаш жараёни олиб борилганда эркин суҳбат шаклида ўтказилиб, ўқитувчи таҳлил йўналишини бошқариб ва тузатишлар киритиб туради. Ишбилармонлик ўйинларининг ғолиблари эълон қилинади.

Қабул қилинган бошқарув қарорларининг асосий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади, бунда катта иқтисодий самара берадиган, қабул қилинган, муҳим қарорлар алоҳида таъкидланади.

Ўйин гуруҳлари раҳбарларининг таваккал қилишдан ишбилармонлиги гуруҳ умумий балини белгилашда ҳисобга олинади ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича маслаҳатлар берилади. Ишбилармонлик ўйинидан олинган натижалар бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича маслаҳатлар таклиф қилинади.

Ишбоп ўйинларининг белгилари:

- бошқарув объекти ва муҳитнинг модели ва мавжудлиги.
- ролларнинг мавжудлиги.
- қарор қабул қилишда ролларнинг фаолият мақсадларининг фарқлилиги.
- иштирокчиларнинг ўзаро муносабати.
- умумий мақсаднинг мавжудлиги.
- жамоа бўлиб қарорлар ишлаб чиқиш.
- ўйин давомида қарорлар тизимини тадбиқ қилиш.
- қарорларнинг кўп вариантлилиги.
- ҳиссий зўриқишни бошқариш.
- ўйин иштирокчиларини жамоа томонидан алоҳида баҳолаш.

Интеллектуал-ижодий ўйинлар ҳам ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўйинда шахсининг коммуникатив сифатлашни ривожлантириш интеллектуал саводхонлиги, зийраклиги, қарорлар қабул қилишда таълим зукколикни ривожлантириш, халқ ижодкорлигига оид билимларга эга бўлиши, синфдаги салоҳиятли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришга оид мақсад ва вазифалар қўйилади.

Телеўйинларда намоёниш этиладиган “Ўйла, изла, топ”, “Олтин тож” кабилар шулар жумласидандир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг интеллектуал даражасини ривожлантириш учун синфда ва синфдан ташқари машғулотларда шундай ўйинларни ташкил қилиш мумкин. Ўйин етти турда ўтказилиши мумкин. Ҳар бир турда

Ўқувчилар билими баллар асосида баҳоланиб боради. Мусобақа саккизтадан икки гуруҳ ўқувчи киритилади. Биринчи турга 5 балл, иккинчи турга 10 балл, учинчи турга 15 балл ва ҳоказо тарзда баҳоланади. Ўйлаш учун ҳар бир саволга 2-3 секунд вақт ажратилади. Нотўғри жавоб берилса, кузатувчи ўқувчилар жавоб берадилар. Ҳар бир тўғри жавоб бали учун шу балл ёзилган жетон топширилади. Тўртинчи турдан сўнг мусиқали танаффус ташкил этиш мумкин.

Еттинчи тур охирида гуруҳда қолган ўқувчилар йиққан балларга қараб улар рағбатлантирилади.

1-тур ўйин саволлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Дунёда энг катта кўл (Каспий денгизи)
2. Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти (Нукус)
3. Ўзбекларнинг энг машҳур рақси номи (Андижон полкаси)
4. “Сеҳрли қалпоқча” романининг муаллифи (Х.Тўхтабоев)
5. “Шайтанат” романининг бош қаҳрамони (Асадбек)
6. Ўзбек таомномасида энг азиз таом (палов)
7. “Ўзбекистон” шеърининг муаллифи (Х.Олимжон)

Ўйин ниҳоясида баллар йиғилади ва ғолиблар тақдирланади.

Мазкур ўйин бир томондан ўқувчиларнинг билимини намоён қилиб, унинг интеллектуал салоҳиятини аниқлашга ёрдам берса, иккинчи томондан гуруҳларнинг жамоа бўлиб бирлашиши, ақлий тафаккурнинг шаклланиши, ахлоқий хулқ атворининг таркиб топишига йўллайди. Зеро, ўқувчи интеллектининг индивиднинг илмий салоҳиятининг ривожланишига асос бўлади ва унинг шахс сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Таълимда ролли ўйинлар кенг тарқалган ўйин методлари бўлиб, улар моҳият жиҳатдан маълум образларга кириш, ўша образга хос бўлган ҳиссиётларни ўз бошидан кечиришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам немис олими ва мутахассиси Маргарет Форверт ролли ўйинларнинг 3 асосий жиҳатини аниқлайди:

- ўйиннинг эмоционал жиҳатдан мукамаллиги;
- унда иммитация ҳодисаларининг ривожланганлиги;
- бошловчининг алоҳида, ўзига хос мавқега эга эканлиги.

Ролли ўйинларнинг коррекцион ва амалий аҳамияти шундаки, уларда ҳар бир шахс, бизнинг ҳолатда кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўз реал фаолиятига яқин бўлган вазиятларга тушурилади ва шу орқали унинг йўналиши ўзгартирилади. Бунда ўйин иштирокчисининг ўша вазиятни ҳиссий бошидан кечира олиши катта аҳамиятга эга. Ролга киришишда эса қуйидаги талаблар мавжуд:

- а) китоб тилида гапирмаслик;
- б) мулоқотнинг барча сирларидан фойдаланиш;
- в) овоз хусусиятларига мунтазам эътибор бериш. Бу эса интонациялар, товушларнинг паст-баландлиги, овознинг эмоционаллиги ролни аниқроқ идрок қилишга имкон беради;
- г) мимика ва пантамимика элементларини кенг қўллаш;
- д) ҳар бир ҳолатни жонлантира олиш;
- е) вақт ва фазони доимо тушуниб, ҳис қилиб туриш;
- ж) бошловчининг ролга кирганлар ҳолатларини аниқ тушуниши ва уларга мос баҳо бериб туриши.

Ролли ўйинларда энг аввало бошланғич синф ўқувчиси сифатида ўзлигини намоён қила бошлайди.

Ролли ўйинлар жараёнида асосий шахслардан бири бошловчидан кейин ижтимоий психологик вазиятларнинг марказида турган шахсдир. Унинг ижтимоий-психологик вазиятдаги муаммо ҳамда зиддиятларни ҳал қилишдаги роли каттадир, чунки у айнан воқеаларнинг марказида туради. Унга ўз ролининг барча жиҳатларини ҳар томонлама намоён қилиш ҳуқуқи берилади, асосий муаммони ҳал этувчи ва бошқаларни ўзига эргаштирувчи шахс саналади.

Роллар ўйнаб бўлинганидан сўнг унинг муҳокамаси бошланади. Унда барча гуруҳ аъзолари иштирок этадилар ва уларнинг ҳар бири ўзи

турли ролларга кира олишини синаб кўради, яъни бунда ҳар бир шахснинг ўзидаги ва бошқалардаги кўрсатмаларни ҳис қилишига имконият туғилади.

Ролли ўйинларда “режиссёр” ролидаги бошқарувчи шахсининг ҳам роли катта. У ҳам ўйинни “сахнага кўювчи”, ҳам психоаналитик ролини ўйнайди. Бутун ўйин давомида у ҳаракатнинг мувофиқлаштирувчиси, ролларни аниқ образларга, яъни иштирокчиларга бўлиб берувчидир. У ўзининг бошқарувчилик ролини адо этиб бўлиб, ўқувчиларнинг ижтимоий вазиятни ҳис қилиши ва ундан чиқиш чоралари юзасидан кўрсатмалар бериб боради. Ўйиннинг ҳар бир қисмида ролларни алмаштирувчи тайинловчи ҳам ҳисобланади.

Ролли ўйинлардан кутилмаган самаранинг ижобий бўлишини таъминловчи бир қанча усуллар мавжуд. Масалан, улардан бири “роллар алмаштирувчи” деб аталиб ўйиннинг ҳар бир қисмида роль иштирокчиларининг ўйинлари алмаштирилиб турилади. Масалан, биринчи кўринишда қўшимча персонаж ролини ўйнашини, бир кўринишда ўқитувчи ролидаги одам, кейин ўқувчи бўлиши мумкин. Демак, ўша вазиятдаги ҳар бир персонаж ички дунёсига кириш тўла маънода ўша вазиятни ҳис қилишга ва унга мослашишига ёрдам беради. Яна бир усул “Ўхшаш чехралар” деб аталиб, унинг моҳияти шундаки, ўйиннинг янада таъсирчан ва самарали бўлиши учун икки ўқувчига олдиндан айнан бир хил рол берилади, биринчи босқичларда уларнинг ҳар бири айнан бир хил ҳаракатлар билан ролга навбатма-навбат кирадилар, фақат маълум босқичдагина уларга ўзгаришлар киритиши мумкин.

Яна бир усул, “монолог” деб аталиб, бир ўқувчига маъқул даражада ўз ҳиссий кечинмаларини тўлиқ баён этишга имконият берилади. Яъни, вазият муаммо ва сценарий бошловчи томонидан берилади, фақат роль ўйновчи уни ўзича ҳиссий кечинмаларини бойитиши ва шу орқали ҳар бир индивид руҳий дунёсининг бойлигини ва ўзига хослигини намоён қилиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир

ролли ўйин вазиятига мос ҳолда уни ташкил этишнинг ўзига хос шакллари ҳам бўлиши мумкинки, бу ҳам ўйин методларининг имкониятларини янада кенгайтиради. Масалан, “сеҳрли дўкон” ўйини шундайки, унга кўра ўйин иштирокчилари турли характер хусусиятларини ифодаловчи ролларни имитация қиладилар. Масалан: бири-“ақл”, иккинчиси - “тўғри сўзлик” учинчиси - “одоблик” ва ҳоказо. Режиссёр “сеҳрли дўкон”га кириб ўзига етишмайдиган қадрият, яъни сифатни, ўзида бор бўлган, унга “қадрсизроқ” сифатга алмаштириб кетиши мумкин.

Ўзини-ўзи таҳлил қилиб тарбиялашда бу ўйиннинг аҳамияти катта. Шунга ўхшаш “Нотаниш одам билан танишиш”, “Келажакни тасаввур қилиш”, “Ойнадаги акс” каби ўйинлар ҳам ўқувчининг ўзини-ўзи рухий таҳлил қилиш ва ўз хулқ атворини тузатишда катта аҳамиятга эгадир. Бу ўйинлар ўз олдига қўйган мақсад ва мазмунига кўра турлича бўлиши ва аниқ мақсадларга хизмат қилиши лозим.

Хуллас, ўйинлар бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришда муҳим воситалардан бири сифатида тан олинган.

Ўйинлар турига кўра ишбоп ўйинлар, дидактик ўйинлар, ролли ўйинлар, компьютер ўйинларидан иборат бўлиб, улар орқали боланинг хулқи эркин шаклланади, ижтимоий аҳамият касб этади ва билишга оид қобилияти ўзаро алоқада ривожланувчи фаолиятни вужудга келтиради.

ИККИНЧИ БОБГА ДОИР ХУЛОСАЛАР

Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантириш ўзига хос йуналишлар касб этиб турли шакл, метод ва воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ижодкорлик фаолияти уасосий йуналишни уз ичига олади. Булар ўқувчиларнинг бирор-бир ҳақиқатни мустақил излаши ва кашф этиши билан боғлиқ эвристик ва иуаммоли таълимдир. Эвристик таълим эса ўқувчиларда ижодий қобилиятни шакллантириш, билишга оид фаолиятини ривожлантириш ва илмий асосланган фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ

эканлигини курсатди. Муаммоли вазиятларни яратиш оркали укувчиларни мантикий, илмий, дидактик, ижодий фикрлашга ургатиб борилди. Бу борада таълим жараёнига технологик ёндашув уз самарасини берди. «Аклий хужум», «Кластер» жадвали тузиш, шеърий топишмок асосида ташкил этилган «Уйла, изла, топ» уйин дарслари бунга мисол булла олади.

Ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда диолог дарслар, мунозаралар, бахс-сухбатлар, фантазия, изланиш дарслари, муаммоларни хал этиш дарслари, ихтирочилик, моделлаштириш, бадий-техник ижодкорлик, рамзлари ижод килиш, кашфиётлар килиш, иншолар ёзиш, солномалар тузиш шулар жумласидандир. Укувчилар ижодий фаолиятини ривожлантириш шакл ва методлари хилма-хил булиб, анъанавий дарсшаклларига караганда таълимга технологик ёндашув асосида инновацион методларни куллаш самарали кетади. Шу билан бирга уйинлар воситасида шахсни эмоционал-хиссий, интеллектуал хамда ахлокий ривожланишида кулай имкониятлар мавжуд булиб булаб ишбоп уйинлар, роли уйинлар, дидактик уйинлар компьютерли уйинлар тарзида амалга ошади. Тадкикот давомида улар таркибида амалга оширилган интеллектуал-ижодий уйинлар, ишбоп уйинлар хамда роли уйинлар ката имкониятларга эга эканлигини намоён этди.

III БОБ. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Тажриба - синов ишларининг ташкил этилиши

Бошланғич синф ўқувчиларида ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш уларнинг мамлакат ижтимоий муаммоларини тўғри баҳолай олишлари билимларни чуқур ва мустаҳкам ўзлаштиришлари, эркин ва мустақил ижодий фикр юритишларига йўллади. Тадқиқотларимиз мобайнида ўқувчиларда ижодкорлик фаолиятининг юқори даражаси уни мунтазам равишда мустақил фаолиятга жалб қилиш орқали ривожлантирилди. Бу ўқувчи томонидан махсус турдаги ўқув топшириқлари- мустақил ишларни бажариш, шу жумладан компьютерли ишбоп ўйинлари, дарсликлар ва бошқа адабиётлар натижасида амалга ошди.

Мазкур тадқиқот ишининг 1-2- бобларида бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришнинг назарий- услубий жиҳатлари, ҳамда бу борада тарихий тажрибалар, педагог- психологларнинг илмий қарашларини ёритишга ҳаракат қилдик. Шу билан биргаликда тадқиқ қилинаётган масала доирасида инновацион усуллар тавсифи, бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари, ҳозирги пайтда фойдаланилаётган дастур ва дарсликларнинг таҳлилий натижалари, ҳамда унинг амалиётдаги мактаблар аҳволи, илғор педагогик тажрибаларнинг ўрганилиши масалалари кўриб чиқилди. Бу эса мактаб ўқувчиларида ижодий фаолиятни ривожлантиришда махсус педагогик тзим яратилишини илмий методик жиҳатдан асослашга имконият берди.

Ушбу бобда биз кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантириш методларидан фойдаланиш тизимини баён қиламиз. Мазкур бобда дастлаб экспериментал ўқитиш мазмунининг ташкилий масалалари ўз аксини топган Тажриба- синов натижалари унинг кўп

кирралилиги, ўқувчилар сонини етарли даражадаги ўлчами ва ўргатувчи-назоратли топшириқлар мажмуининг хилма-хиллиги билан белгиланади.

Экспериментларнинг мазмуни, шакл ва йўллари оптимал ҳолда лойиҳалаш учун ёхуд белгиланган вазифалар ичида таълимий-тарбиявий мақсадга эришиш учун биз ўқув элементлари моҳиятини ўқувчиларга узатиш йўллари аниқлашга киришдик. Бунинг учун тажрибада қатнашаётган ўқувчиларнинг ижодий фаолиятининг ривожланганлик даражасини, билим олишга интилиши доирасида аниқлашга ҳаракат қилдик.

Шу билан биргаликда бошланғич мактаб ўқувчилари аниқ фан соҳаларига оид китобларни, даврий нашрларни кам ўқиши, атайлаб Интернет орқали билимдонликни оширувчи маълумотларни кўп ҳам изламасликлари аниқланди. Тажриба – синов ишлари 2006- 2007, 2007-2008 ва 2008-2009 ўқув йилларида Навоий вилоятининг умумтаълим мактабларида давлат таълим стандартлари, меъёрий ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларда ижодий фаолиятни шакллантириш мақсадида ўтказилди.

Маълумки, ҳар қандай фан ўзига тегишли воқеа ва ҳодисаларни босқичма-босқич ўрганган ҳолда ривожланиб боради.

Мактаб ўқувчиларида ижодий фаолиятни ривожлантириш йўллари, воситаларини аниқлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш ҳамда мазмунини бойитиш бозор иқтисодиёти шароитида авлоддан ижодкорлик қобилиятини камол топтириш билан алоқада амалга оширилади. Мактаб таълимида бундай ривожланиши ўқувчиларга бериладиган кадриятлар, билим, фаолият усуллари ёки ички манбалар улар томонидан эришилган самарадорлик даражасига эга бўлади. Биринчи ҳолатда таълим инсоният тажрибасини ўзи тиклашини, маданий-тарихий анъаналардан фойдаланиш ва асрашни таъминлайди. Иккинчи ҳолатда эса ўқувчининг унинг маҳсулдор ижодий фаолиятини орқали шахсий имкониятларини ривожлаштиришга туртки бўлади. Шунингдек, таълим стандартлари икки компонентга бўлинади; ташқи ва ички, лекин улар ўртаси ўзаро алоқа мавжуд бўлади.

Мактаблар ҳаётида турли ҳолатларнинг бўлиши табиий ҳол. Эътиборга молик ҳолатлардан бири фан олимпиадаларида ғолибларнинг кўпчилиги анъанавий таълимга бўйсинмайдиган ўқувчилар ҳисобланади. Ана шу муносабат билан айтиш мумкинки, ижодкорлик- бу ҳамиша доирадан , чегарада чиқиш, бу мавжуд билим, тушинчалар, меъёрларнинг ўзгариши таълимда янги мазмуннинг яратилишидир.

Ижодкорлик натижаларини баҳолашнинг ўз меъёри, қоидаси ва меъзонлари мавжуд. Ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда тузилиш асоси (мақсад, тамойил, мазмун ва ҳоказолар)да ўқувчига “билим бериш” даги ҳар қандай таълим тури тизими билан ўхшашдир. Бирок ўқувчиларнинг ижодкорлик хусусиятига эга бўлган қисми таълим стандартида белгиланган билмлар ҳажмидан ўзиб кетиши мумкин. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборатдир; а) ижодий ёндашув қобилиятли болаларга стандартда бериладиган ва текширадиган билимга нисбатан кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради; б) ўқувчиларнинг шахсий мақсад- мўлжали ҳамда индивидуал таълим дастури энг истеъдодли болаларни кўшимча машғулотлар, жумладан танлаган машғулотлари билан таъминлаш имконини беради; в) ўқитувчилар томонидан ўқув фани бўйича дастури тузиш ўз дастурига стандартлардан ўзиб кетиш учун саволлар ва мавзулар киритиш имконини беради; 1) ўзиб кетиш самараси мактаб ичи, мактаблараро олимпиадалар конференциялар, лойиҳа ва бошқаларни таъминлайди; 2)стандартларда белгиланган билим даражасидан ўзиб кетиш ўқувчилар танлов бўйича фанлар, факультативлар, устахона, лаборатория, индивидуал машғулотларнинг самарадорлигига ёрдам беради.

Ўқувчиларда ижодкор фаолиятини ривожлантириш ҳамда улар томонидан анъанавий таълим меъёрларини ўзлаштиришига ёрдам берадиган қоидалар қуйидагилардир.

1.Ўқувчининг мақсадга қаратилган қобилиятининг ривожланиш даражаси назорат ва баҳолашга дахлдор бўлган мажбурий стандартларга киритилди. Ўқувчиларнинг индивидуал мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда

ўрганилаётган соҳадаги уларнинг тегишли фаолияти умумий ҳажмнинг 20 % дан ортиғини ташкил этди.

2. Ўқувчининг ўқитувчи томонидан режалаштириладиган ва назорат қилинадиган фаолиятининг мажбурий турига : ўқувчилар томонидан фаолиятнинг ижодий маҳсулдорлигини яратишга шарт-шароитини таъминлайдиган- ижодкорлик билиш жараёнини жараёнини таъминлайдиган- билишга доир; ўқувчининг олдинги иккита ижодий фаолиятни ташкил этишга имкон берадиган илмий- ташкилий турлари киради.

3. Ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолияти ва унга қўйиладиган мақбул талаблар қуйидагилар ҳисобланади: а) фундаментал таълимий объектлар ўқувчи ижодий фаолиятининг объекти бўлди; б) ўқувчининг шахсий ижодининг ҳажми умумий ўқув жараёнида 20-25 фоизни ташкил этди. в) Умумтаълим жараёнидаги маҳсулдор ва репродуктив фаолият нисбати ўқувчининг ривожланиш даражасига, ўқитувчи ва мактабнинг стратегияси ва таълим мақсадларига қараб белгиланади, бироқ ўқувчи маҳсулотининг ҳажми унинг индивидуал дастури бўйича таълим фаолияти ҳажми кам бўлмаслиги керак.

4. Фанлар бўйича ўқув материални саралаш қуйидаги тарзда бажарилади : умумий фанларга оид таълим объектидан ажратилган объектлардир.

5. Ўқувчининг ички таълим фаолияти ва маҳсулоти унга тақдим этилган ташқи стандартдан ўзиб кетади. Ўқувчилар эришган натижалар жамоа бўлиб муҳокама қилинади, ундан кейин ташқи маданий-тарихий ўхшашликлар билан қиёсланади.

6. Таълим стандартларига ўқувчиларнинг таълим маҳсулдорлиги назарда тутилган маданий тарихий ўхшашликлар киритилади. Ҳақиқий фундаментал таълимий объектлар ҳамда улар билан боғланган идеал конструкциялардан иборат.

Ўқув жараёнининг тузилиши қандай натижалар ва қандай шаклда назорат қилинишига боғлиқ. Маълумки ижодий фаолиятнинг натижалари икки томонлама характерга эга ташқи ва ички шунинг учун ҳам

Ўқитувчиларнинг таълимда эришган ютуқлари ҳамда уларнинг ички сифати назорат предмети ҳисобланади. Таълим шахсининг асосий хусусияти сифати биринчи навбатда унинг ички ривожланиш натижаси билан аниқланади.

Кўпинча ижодий фаолият диагностикаси учун турли хил тестлар қўлланилади. Бироқ, вазиятли ёндашув яъни ўқувчиларни махсус ташкил этилган ёки табиий таълим вазиятларидан фойдаланиш ёрдамида диагностика қилиш самаралироқдир. Бундай ҳолларда ташхис қилувчилар ролини таклиф этилган мутахассис экспертлар қанчалик бажарса, амалиётчи педагоглар ҳам шунчалик бажарадилар, чунки улар субъектив тажрибаларига таянадилар. Таълим натижаларининг диагностикаси, жумладан, ўқувчи қобилиятининг ривожланиш даражасини аниқлаш ўқитувчининг ўқувчида ҳосил бўлаётган субъектив “ҳис этиши” йўли билан аниқланди.

Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожланиш даражасининг диагностика қилиш вазифаларига :

1. таълим субъекти иштирок этадиган диагностик таълим жараёнлари учун шароит тайёрлаш ;
2. ўқувчиларнинг ички ва ташқи оламидаги таълимий ўзгаришларни аниқлаш;
3. қуйилган мақсадларнинг режалаштирилган даврда олинган натижалар билан ўзаро нисбатини аниқлаш.

Ўқувчиларнинг таълим маҳсулдорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари уларнинг ижодкорлик фаолиятини назорат қилиш методи бўлади. Мазкур маҳсулотнинг тури ва характери, шунингдек педагогнинг мақсадли таълимий кўрсатмалари бундай таҳлил элементларини аниқлашга ёрдам беради. Масалан, ўқувчилар ижодкорлигини ривожлантириш зарурати улар ишининг таҳлил этишининг қуйидаги йўналишларини яратишга олиб келади: Ижод соҳаси, ижод даражаси, мустақиллик даражаси, бошқа ўқувчиларнинг ишларидан фарқланиш даражаси ўзининг олдинги ишларидан фарқланиш даражаси .

Ўқувчи таълим маҳсулдорлигининг ҳар бир элементини сон ёки сифат, жиҳатдан балл билан ёки оғзаки баҳолаши мумкин. Таълимий тақриз, тавсиф оғзаки шаклга қараб чиқилади. Уч-беш, ўн балли шкалалар ўқувчилар ижодий натижаларини сон жиҳатдан баҳолаш имконини беради. Ўқувчилар билими сифати қуйидаги усуллар билан баҳоланади; а) жавобдаги ижод элементларининг сони бўйича; б) жавоб элементларининг фарқи бўйича ; в) жавобнинг ўқувчининг ўзи ёки синфдошининг ишига нисбатан янгилиги бўйича; г) яратилган образ, рамз ёки ифоданинг лўнда ва ихчамлиги бўйича; жавоб учун фойдаланилган имкониятларнинг кўпқирралиги бўйича; е) олинган натижаларнинг амалий аҳамияти фойдаланиши бўйича;

Ўқувчилардаги шахслик сифатларининг ривожланиш даражаси улар диагностикасининг дастлабки ва охиридаги натижаларини таққослаш асосида аниқланди. Кузатиш, тестлар, ўқувчилар билими маҳсулдорлигини таҳлил этиш методикаси ёрдамида ҳар бир ўқитувчи уч туркумда ижодкорлик сифат, билишга доир ва фаолиятни ташкил этиш каби гуруҳлаштирилган сифатларининг ривожланиш даражасини белгилайди. Ҳар бир ўқувчининг шахслик сифатларини ривожланиш даражасини баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади : а) ўқувчига ёзма таълимий тавсифнома; б) унинг таълимий эришган натижалари; в) ижодкорликда кузатиладиган педагогик консилиумлар, тестлар ва бошқа материаллар натижалари ; г) фикрларни ифодаловчи анкета ва ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаши.

Ўқувчининг сифат ривожланишининг якуний баҳоси уч даража бўйича белгиланади: Ўқув йили давомида ўқувчининг шахслик сифатлари ижобий ўзгарган тақдирда “юқори” деб баҳоланди, бу унинг энг кўп имкониятга эгаллиги намоён бўлди; агар ўқувчининг имконияти қайта бўлгану, аммо ўзгариш юз берганда “ўрта”, ўзгариш сезилмаган тақдирда “паст” деб баҳоланди. Олинган натижаларни табақалаштириш мақсадида беш даражали шкаладан фойдалани самаралидир, унга “ўртадан юқори”,

“Ўртадан паст” каби даражалар ҳам қўшилади. Ҳар хил ўқитувчилар томонидан айнан бир хил ўқувчиларга оид олинган маълумотлар ўрганилганда бу маълумотлар таълим жараёнининг ҳам яхлит, ҳам ҳар бир ўқувчи бўйича самарадорлиги тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини берди(-жадвал).

3.1.1-жадвал. Илмий – ташкилий фаолият сифатлари

1	Мақсадга йўналганлиги	16	27	42	55	42	18
2	Мақсадга интилувчанлик	21	23	58	50	21	27
3	Режалаштириш	16	14	48	68	36	18
4	Меъёрий билиш	26	18	38	59	36	23
5	Иш қобилияти	50	18	29	50	21	32
6	Фикрлаш даражаси	32	9	63	87	5	4
7	Ўз-ўзини баҳолаш	10	14	58	82	32	4

Ижодкорлик фаолиятида таълим ўқувчиларнинг жорий таълим натижаси диагностикасини назарда тутади. Ўқувчиларнинг таълим натижаларини баҳолаш меъзонларини мақсадга йўналганлик, режалаштириш воқеа- ҳодисаларни ҳис этиш, тажрибавий қобилияти, саволларни таърифлаш, жавобларни излаш, фикр юритишлари белгиланди.

- Тадқиқот мақсадини таърифлаш (мақсадга қаратилганлик қобилияти):
 - репродуктив мақсад – 1 балл;
 - билиш мақсади – 2 балл;
 - тадқиқотчилик мақсади- 3- балл;
 - мақсаднинг аниқлиги, уни текшириш имконияти қўшимча – 1 балл ;
 - мақсаднинг аҳамияти – қўшимча 1-2 балл;
- Фаолиятни режалаштириш қобилияти :
 - режа йўқ-0 балл;

- режа содда, 1-2 банддан иборат – 2 балл;
 - режа натижаларга зарар етказмаган ҳолда тадқиқот давомита тузатилди – 3 балл ;
3. Объект ҳақида мисоллар излаш (объектни ҳис этиш қобилияти):
- 0-3 та мисол келтирган – 0 балл;
 - 4-7 мисол келтирган – 2 балл;
 - 8 тадан ортиқ мисол ёзилган – 3 балл;
 - алоҳида аҳамиятли мисоллар ҳар битта мисолга 1 баллдан;
4. Тажриба ўтказиш қобилияти:
- расм ва мисол билан 1 та тажриба – 1 баллдан ;
 - 2 та тажриба – 2 балл ;
 - янги олинган ҳар бир манба учун – 1 баллдан ;
5. Савол ва муаммоларни таърифлаш (саволлар бериш, асосий муаммони англаш қобилияти);
- 1-3 савол – 1 балл;
 - 4-7 савол – 2 балл ;
 - 8 дан ортиқ савол – 3 балл ;
 - ўзига хос саволлар – қўшимча 1 – баллдан;
 - савол тадқиқотнинг мақсадини ривожлантиради қўшимча равишда яна – 2 - балл ;
 - саволда ихчам муаммо ёки зиддиятлардан иборат- яна қўшимча 3- балл;
6. Жавоблар, фаразлар, тахминлар (олдиндан айтиш, натижаларни моделлаштириш қобилияти);
- 1 та тахмин – 1 балл;
 - мантиқий ички ўз тахмини – 2 балл;
 - янги асосланган фараз – 3 балл ;
7. Фикрлаш қобилияти.
- Ҳақиқий амалга оширилган фаолиятга дахлдор фикрлашга доир мулоҳазалар – 1балл;

- фаолият усуллар ва олинган натижаларни англаб олиш- ҳар бир усул ва натижа учун 1- балл;
- тадқиқотнинг қўйилган мақсади билан хулосалар боғланган – 3 балл;

Текширилаётган ижодкорлик фаолияти ҳар бирининг ривожланиш даражасини баҳолаш учун 1-2 балл, унинг ривожланиш даражасининг пастлиги; 3-5 бал- ўртачалиги; 6- баллдан ортиғи- юқори даражани ифодалайди.

Ижодкорлик фаолияти субъекти нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар, шунингдек таълим муассасалари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу гуруҳларнинг ҳар бир субъектининг фаолияти уларнинг таълим натижаларининг таҳлил қилиш асосида текширилади. Дигностиканинг асосий қисмлари самарадолик жиҳатлари ва таҳлил усуллари ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги жадвалда берилган.

Бошланғич таълимда ижодий фаолиятни аниқлаш

3.1.2- жадвал

Бошланғич таълимда ижодий фаолият таркиби	Таълим турлари	Таълим усули, шакли
Ижодкорлик имконияти	Дарсда ижодий фаолиятда ижодий ютуқ	Ижодий иш мазмунини таҳлил қилиш ва баҳолаш
Таянч таълим стандартлари	Контрол ишлар, тестлар, синов, имтиҳонлари	Элементлар бўйича таҳлил ва баҳолаш
Ўқувчиларнинг шахслик сифатлари	Ўқувчиларнинг ёзма ишлари ва ўз-ўзини баҳолаши, ўқитувчининг таълимий тавсифи	Шахс сифатлари ривожланиш даражасини ўқитувчи томонидан диагностика

		қилиш ва баҳолаш
Индивидуал таълим лойиҳаси	Ўқувчиларнинг индивидуал таълим дастури ва ёзма ишлари, ўқитувчининг таълимий тавсифи	Дастур билан натижа мувофиқлигининг таҳлили ўқувчилар таълим натижаларининг фарқли жиҳатлари

Бошланғич таълимда ижодий фаолиятни бошқариш

3.1.3- жадвал

Бошланғич таълимда ижодий фаолият кўринишлари	Таълим турлари	Таҳлил шакли ва усуллари
Ижодкорлик имконияти, ўқитувчининг ижодкорлик сифатлари	Ишлаб чиқилган таълим дастури, анкеталар, ёзма ишлар	Ижодий ишланмаларнинг таҳлил, Моделлаштириладиган машғулотлар ва ижодий ишлар таҳлили
Педагогик дунёқараш	Илмий- методик ишлар, семинарларда чиқишлар	Ташкилий фаолият семинарларида иштирок этиш, конференцияларда чиқишлар
Шахснинг ташкилий фаолият сифатлари	Ўқувчилар билан ижодкорлик машғулотлари тури ўз лойиҳаларини педагогик семинарларда ҳимоя қилиш	Машғулотлар, рефлексиянинг ведио нусхалари ва семинарларда таълим фаолиятининг муҳокамаси
Инновацион ва	Ишлаб чиқилган	Ишлаб чиқилган

тажриба-синов фаолияти	дидактик тизим, методика ва усул	материаллар хақида таҳлил ва эксперт хулосаси
Таълим натижаларини назорат қилиш тизимини баҳолаш	Ўқувчиларнинг тавсифномалари	Таълим турлари бўйича таҳлил.

Таълим натижаларини таҳлил қилиш ва турли хил таълими соҳалари учун ягона бўлган мезонлар бўйича амалга оширилади. Шкалаларнинг қўлланилиши турли хил педагогик шароитларда ўтказиладиган таълимнинг қиёсий таҳлилинини таъминлайди.

Ўқувчилар ижодий ишларини таҳлили учун шкала мезони (ҳар бир кўрсаткич бўйича 10 балли шкалада баҳоланади):

1. Ижодий ишнинг даражаси;
2. Ишнинг ўзига хослиги;
3. Янгилиги;
4. Маҳорат даражаси;
5. Ишнинг муаллиф учун ва бошқалар учун аҳамияти;
6. Ишнинг қийинлиги;
7. Ишнинг жиҳозланиш сифати;

Ўқитувчининг ижодкорлик фаолиятини ривожланиш даражасини таҳлили учун шкала мезонлари:

1. юқори даража;
2. ўртадан юқори;
3. ўрта;
4. ўртадан паст;
5. паст

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолашини таҳлил қилиш учун шкалалар мезони:

1. Ўқувчиларга шахсий ва жамоавий таълим самарадорлиги миқдори;

2. Ўз фаолияти ва шахс сифатларининг ижодий турлари тўғрисида маълумот;
3. Ўқувчининг ўз-ўзини баҳолаш (5 балли шкалада)ни ташкил қилганда ижодкорликнинг ифодаланиш сифати.

Ўқитувчи томонидан тузилган тавсифнома сифатини таҳлил қилиш учун шкала мезони:

1. Ўқувчи таълим самарадорлигининг миқдор ва сифат ўзгаришлари;
2. Ўқувчининг ижодий фаолиятининг ривожланишидаги ўзгаришларни ифодалаш;
3. Давлат стандартларини билиш даражасига тавсифнома;
4. Ўқувчининг ижодий имкониятининг амалга ошириш даражасини баҳолаш;

Санаб ўтилган шкалалар ижодкорлик фаолиятини таълим жараёнлари ва уларнинг натижаларининг мазмуни ва технологиясини лойиҳалашнинг тахминий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ижодкорлик фаолияти ўқувчининг ривожланиш даражасини назарда тутди. Ўқувчининг айрим сифатларини ривожланишини таъминлаш ва диагностикалаш учун уларнинг даражасини белгилаб олмоқ зарур.

Ўқувчилар ижодий фаолиятларини ривожлантиришнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари, таълим жараёнида педагогнинг ўрни ва роли, шунингдек ўқитишнинг энг самарали услублари ва таълим воситалари шахснинг тўла-тўқис ривожланишида жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан ўқувчи ижодий фаолиятини ривожлантириш куйидагича белгилашга ҳаракат қилдик. (3.1.4.-расм)

Бошланғич таълимда ўйинлар, экскурсиялар, гимнастика, спорт, жисмоний меҳнат, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ривожланишида муҳим жиҳатлар бўлса ҳам, лекин уни ақлан (интеллектуал) шакллантиришда асосий фаолият - ўқув меҳнатидир.

Бошланғич синф ўқувчилари бу даврда интеллектуал ривожланишини амалий образли фикрлашдан мантикий- мавҳум фикрлашга ўта бошлайди. Уларнинг буюмларни таққослашга, ўхшаш ва фарқли томонларини билишга, уларнинг ўзига хос хусусиятларини англашга ақли ета бошлайди. Аммо ўқувчилар мантикий хулоса чиқаришга қийналадилар, таърифларни ёдлаб олишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун бошланғич таълимда кўрғазмалилик катта аҳамиятга эга. Шунга кўра ўқитувчи ўқувчининг воқеа-ҳодисаларни бевосита идрок қилишдан унинг қонуниятларини, ўзаро боғланишларини тушуниб олишга ва билишга қаратади, тажрибалар ўтказади. Бу борада математика ва табиатшуносликка оид фанлар қизиқарли. Бу ёшда болалар бадий асарлар ўқишни севадилар, айниқса саргузашт бадий асарлар билан бир қаторда театр, кино, телеведение улар ҳаётида муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланар экан, меҳнат малакалари ва кўникмаларини эгаллаб олишга ҳаракат қиладилар. Лекин улар ўйинқароқ ва серҳаракатдирлар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи дарсларда болаларга мустақиллик бериш билан бирга болаларни тўғри йўналтириши зарур.

Бу ишни амалга оширишда биз таҳлилларга таянган ҳолда бир неча поғонали ўқитиш тизимига асосландик, яъни:

- ўқувчиларнинг билимларини оширишга психологик тайёргарлиги;
- тақдим қилинаётган ўқув материалининг идрок қилиниши;
- инновацион усуллар орқали ўзлаштириш жаражаси;
- эгалланган билимларни ижодий қўллай олиши ва бошқалар.

3.2. Тажриба-синов натижалари

Тадқиқот натижаларини ўрганиш бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш юқори самарадорликка эришганлигини кўрсатди. Агар тажриба бошида тажрибада қатнашаётган ўқувчиларнинг деярли кўплигида ижодкорлик фаолияти даражаси паст эканлиги аниқланган бўлса, ижодкорлик ва фаоллик айрим ўқувчиларда умуман ривожланмаган бўлса, тадқиқот якунида бу кўрсаткичлар юқори эканлигининг гувоҳи бўлди.

Ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантириш жараёнидан келиб чиққан ҳолда бу фаолиятнинг самарадорлигини оширувчи қуйидаги амалий тамойиллар аниқланди ва жорий қилинди.

- мустақил ишлар асосида умумий билим ва малакалар ўзлаштирилди ва унинг самарадорлиги таъминланди;
- топшириқлар мажмуи Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурида кўзда тутилган барча материаллар бирма-бир барча фанлар мавзулари бўйича аниқланди ва узвийлиги назорат қилинди.

Ўқувчилар томонидан бажарилган топшириқлар мезон ва кўрсатмалари назарий- услубий жиҳатдан ишлаб чиқилган бўлиб, мазмунан тизимлилик касб этди.

Мазкур бобнинг 1- бўлимида ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантириш тизимининг асосий поғоналари ўқувчиларга тақдим қилинган топшириқлар уларда нафақат ўқув жараёнидаги мотивларни ривожлантиришга, балки ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Тадқиқотда ўқувчиларга тақдим қилинаётган ўқув материаллари қай даражада тушшунарли бўлганлигини аниқлаш учун биз ўқувчиларнинг ўқув материалларидан ифодаланган ахборотларнинг ҳажмини қабул қилишлари, қайта ишлашлари ва хотирада сақлаш қобилиятларини тадқиқ қилдик. Ўзаро боғлиқ бўлмаган ва диагностик кўрсаткичларнинг маълум йиғиндиси

ёрдамида бу ахборотларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш сифати табиийки, турли-туманлиги билан белгиланади.

Ўқувчининг шахслик сифатлари, ижодкорлик фаолияти турлари ва уларнинг таълимий самарадорлиги ўртасида муайян мувофиқликлар мавжуд. Масалан таълим натижаларининг тадқиқот тури учун боғлиқлик томонлари қуйидагича намоён бўлади:

- 1) Шахслик сифатлари- муаммони ечиш учун фикр, юрита билиш;
- 2) Фаолият турлари- муаммони ҳал қилиш тахминларини олға суриш ва муҳокама қилиш;
- 3) таълим самарадорлиги- “агар ... ўша” тури бўйича ёзма шаклда ёзилган тахминлар.

Бундай тизим таълим дастурини тузиш учун мўлжал бўла олади. Ўқувчиларнинг ўз-ўзини ва таълим натижаларини баҳолаш вақти- вақти билан (хафта, чорак, йил охирида) индивидуал таълим дастурини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган изланишлар ва улар меҳнатини баҳолаш асосида амалга оширилади. Ўқувчилар изланишларининг натижалари 1, 2 ва 3- иловаларда келтирилган.

Биз тадқиқот давомида 1-2 синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини ривожлантирганлиги аниқлаш мақсадида тизимли равишда махсус дарслар ўтказдик Тадқиқот базаси этиб Навоий шаҳридаги 2, 5, 10, 11 мактаблар, Самарканд вилояти 2,7,10 мактаблар ва Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги 12, 5, 8 мактабларнинг бошланғич синфлари белгиланган эди. Жами тажриба - синовда 376 ўқувчи қатнашди. Масалан, «Ўқиш» ўқув предметида келтирилган 2-синфларда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Саломлашиш одоби» (2-чорак), 3-синфда Жонатан Свифтнинг «Гулливернинг сайёҳатлари»(3-чорак), 4-синфларга мўлжалланган Кайковуснинг «Ота ва она ҳақини билмак» ҳикояси, Низоми Арузи Самарқандийнинг «Султон Маҳмуд ва Беруний» (4-чорак), Хондамир қаламига мансуб «Танбех» каби ҳикоятлар, математика фанидан 2-синфларда “Кўшиш ва айиришнинг қулай усуллари”, “Она тили”да “Ундош товушлар

ва ҳарфлар” 3- синфда “Одобнома”дан “Она табиат –гўзаллик манбаи уни асраш бизни бурчимиздир” каби мавзулар инновацион методлар асосида ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилди. (дарс ишланмалари 3-иловада берилган).

Ўтказилган тажриба-синов ишларидан аниқландики 1-4 синф ўқувчиларида ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим :

1. Боланинг индивидуал хусусиятига эътиборни қаратиш.
2. Таълимда ўқитувчи ўқувчиларни ўйлашга, фикр юритишга йўналтириш.
3. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорликка эришиш.
4. Ўқувчиларнинг қобилиятларини ташхислаш, уни ривожлантиришга педагогик вазиятлар яратиш.
5. Турли-туман интерфаол методларни дарсларда самарали ташкил этишига эришиш ва бошқалар.

Тадқиқот натижаси ўқувчиларда ижодкорлик фаолияти давомида шахслик сифатларининг шаклланганлиги билан таснифланганда қуйидаги ўзгаришлар намоён бўлди:

3.2.1-жадвал.

**Бошлангич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини
шакллантириш**

т/р	Сифат тури	Ривожланиш даражаси
I ИЖОДКОРЛИК СИФАТЛАРИ		
1	Фикрлаш	
2	Тасаввури	
3	Ўзига хослиги	
4	Янгиликни ҳис этиш	
5	Интуиция	
6	Илҳомланиш	
7	Ташаббускорлик	
8	Педагогик ижод	
II. БИЛИШГА ДОИР СИФАТЛАР		
1	Мантиқий англаш	
2	Эмоционал образли	
3	Рамзий ижодкорлиги	
4	Мазмунли тушиниш	
5	Илмий тушиниш	
6	Савол бера олиш	
7	Прогнозлаш	
III. ТАШКИЛИЙ ФАОЛИЯТ СИФАТЛАРИ		
1.	Мақсадга қаратилганлик	
2	Мақсадга интилувчанлик	
3	Режалаштириш	
4	Меъёрлаш	
5	Иш қобилияти	
6	Фикрлаши	

7	Ўз-ўзини баҳолаши	

Натижаларнинг математик-статистик усули шуни кўрсатдики, назорат гуруҳи ўқувчиларнинг жавоблари деярли ўзгармаган, улар таълимнинг анъанавий усулида билимларни ўзлаштиришганлар. Уларнинг ижодий фикрлаш фаолияти натижаларида кўп ҳам ўзгариш бўлмаган.

Тажриба гуруҳларида эса ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятининг ривожланганлиги ижобий томонга ўзгарган.

УЧИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнини жаҳон талаблари даражасига етказиш борасида ақл-заковатли, мустақил фикрлай оладиган, интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу ўз навбатида таълим жараёнига катта эътибор қаратиш кераклиги, таълим жараёнининг самарадорлигига олиб келади.

Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантириш ўзига хос йўналишлар касб этиб, турли шакл, метод ва воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Ижодкорлик фаолияти уч асосий йўналишни ўз ичига олади. Булар ўқувчиларнинг бирор бир ҳақиқатни мустақил излаши ва кашф этиши билан боғлиқ эвристик ва муаммоли таълимдир. Эвристик таълим эса ўқувчиларда ижодий қобилиятни шакллантириш ва илмий асосланган фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Муаммоли вазиятлар яратиш орқали ўқувчиларни мантиқий, илмий, дидактик, ижодий фикрлашга ўргатиб борилди. Бу борада таълим жараёнига технологик ёндашув ўз самарасини берди. “Ақлий ҳужум”, “Кластер” жадвали тузиш, шеърый топишмоқлар асосида ташкил этилган “Ўйла, изла, топ” ўйин-дарслари бунга мисол бўла олади.

Ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда диалог дарслар, мунозаралар, баҳс-суҳбатлар, фантазия, изланиш дарслари, муаммоларни ҳал этиш дарслари, ихтирочилик, моделлаштириш, бадий-техник ижодкорлик, рамзлар ижод қилиш, кашфиётлар қилиш, иншолар ёзиш, солномалар тузиш шулар жумласидандир. Ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантириш шакл ва методлари хилма-хил бўлиб, анъанавий дарс шаклларига қараганда таълимга технологик ёндашув асосида инновацион методларни қўллаш самарали кечади.

Шу билан бирга ўйинлар воситасида шахсни эмоционал-ҳиссий, интеллектуал ҳамда ахлоқий ривожланишида қулай имкониятлар мавжуд бўлиб, булар ишбоп ўйинлар, ролли ўйинлар, дидактик ўйинлар, компьютерли ўйинлар тарзида амалга ошади. Тадқиқот давомида улар таркибига амалга оширилган интеллектуал-ижодий ўйинлар, ишбоп ўйинлар қатта имкониятларга эга эканлигини намоён этди.

Мактаб ўқувчиларининг тафаккурини ўстириш учун уларда авваломбор ижодий фикр юритишни ўрганиш, идрок қилиш жараёнини интенсивлаштириш керак. Мустаҳкам таълим-тарбия тизимини фақатгина педагогика-психология фанларининг илмий- назарий асослари ва амалиётда тасдиқланган қоидалар ёрдамида ривожлантириш мумкин. Буни албатта, шу соҳадаги янгиликлар билан алоқада амалга оширишни талаб этади. Ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш мактаб ўқувчиларида шахсга йўналтирилган таълимни қарор топтиришга қаратилган.

Бошланғич таълимда ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг энг қулай шакли ўйинлар бўлиб, булар ишбоп ўйинлар, дидактик ўйинлар, ролли ўйинлар ҳамда компьютерли ўйинлар, интеллектуал ўйинлар бўлиб, булар бир томондан муайян ностандарт вазифалар билан боғлиқ ҳолда ҳақиқий фаолият юритсалар, иккинчи томондан бу фаолият маъсулиятни ҳис этган ҳолда вазиятлардан четга чиқувчи шартли хусусият ҳам касб этадилар.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Бошланғич таълим ўқувчилар билим олишининг пойдевори ҳисобланар экан, мазкур синфдан бошлаб, ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантиришни тақозо этади. Шундай экан ўқувчиларда ижодкорлик, ижодий фаолиятни ривожлантириш лозимлиги кун тартибидаги муаммо бўлиб қолди. Зеро, 1-4-синф ўқувчиларида ижодий фаолиятни ривожлантиришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиш, таълимни самарали ташкил этишда дарсларни ноанъанавий тарзда ўтказиш, дарсларда инновацион методлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларида ижодий фаолиятни ривожлантириш уларни ҳар томонлама етук бўлишига хизмат қилади.

Бозор муносабатларига асосланган жамиятда яшаш ҳар бир инсондан айниқса, ўқувчи-ёшлардан кенг билимларга эга бўлишни талаб қилади. Шундай экан, вояга етаетган ёш авлодни оилада ва таълим-тарбия муассасаларида ижодий мушоҳада қилишга ўргатиб бориш зарур.

Илмий изланиш жараёнида узлуксиз, яхлит, ўзаро боғлиқликни таъминловчи таълим тўлақонли амалга ошмаётганлиги сабабли ўқувчи-ёшларнинг ижодий фаолият даражаси суст даражада ривожланаётганлиги аниқланди. Айрим пайтларда мустақил мушоҳада юритмаслик оқибатида таълим жараёнида муаммолар юзага келмоқда.

Шундай қилиб, бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолияти шахснинг шаклланиши билан ўзаро алоқада реал педагогик жараённи вужудга келтиради ва бу жараён турли таълим концепциялари, назариялари ёрдамида лойиҳалаштирилиши ва таълим муассасаларида тадбиқ этилиши мақсадга мувофиқ.

Интеллектуаллик, мустақил ва эркин фикрга эгалик, юксак онглилик ва интеллектуал маданиятлилик каби ҳислатларни шакллантириш ҳамда ўқувчиларни объектив ва ҳиссий билишларини ривожлантириш учун махсус

методика, махсус педагогик таъсир ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин.

Тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Инсон шахсининг яхлит ва ҳар томонлама ривожланиши унинг атроф-оламга, жамиятга муносабати, ижодий фаолияти жараёнида амалга ошади.
2. Ўқувчилар ижодий фаолиятни ривожлантириш тизимли, мақсадга мувофиқ, янгича ёндашув асосида ташкил қилинса, самарали натижаларга эришиш мумкин.
3. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришда таълимни инсонпарварлаштириш ҳамда дифференциал ёндашув, таълим жараёнини технологиялаштириш ва ўз-ўзини англаш, таълимда тарихий тажрибалардан фойдаланиш қабилар муҳим аҳамият касб этади.
4. Бошланғич таълимда ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантириш ўзига хос психологик-педагогик хусусиятга эга бўлиб, булар ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда муаммоли вазиятлар яратиш, машғулотларга мақсадли ёндашув, ўқувчиларнинг қобилияти, қизиқиши, хоҳиш ва истакларини ҳисобга олиш, ахлоқий-эстетик ҳиссиётини тарбиялаш, билимлар тизимини, малака ва кўникмаларини фаолиятнинг турли шакл ва методларини эгаллаб олишга йўналтирилади.
5. Бошланғич таълимда давлат таълим стандартларига асосан ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйилган талабларга асосланган ҳолда ижодий фаолиятни ривожлантиришда дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларида катта ва бой имкониятлар мавжуд. Лекин ана шу имкониятлардан фойдаланиш ўқитувчининг таълимнинг диалектик билиш назарияси, фаолиятнинг психологик жиҳатлари, педагогика ва психологиянинг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда таълимни ташкил қилишга йўллайди ҳамда болаларнинг ҳис-туйғуси, кечинмаларининг юзага чиқишига шарт-шароитлар яратилади.
6. Мазкур шарт-шароитларда ўқитувчиларни ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришга доир инновацион фаолиятга тайёрлаш,

Ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатида ҳамкорлик фаолиятини вужудга келтириш, билишга доир инновацион технологиялардан фойдаланиш каби назорда тутилади.

7. Ижодий фаолият таълимнинг уч тури орқали шахснинг ижодий фаолияти, билишга доир фаолияти, ташкилий фаолият каби сифатларнинг шаклланиши асосида ривожланади ва булар таълимнинг ноанъанавий шакл ва методлари воситасида самарали натижаларга олиб келади.

8. Тадқиқотдан тажриба-синов ишларининг самарадорлиги болаларнинг индивидуал хусусиятини ҳисобга олиш, таълимда ўқувчиларни ўйлашга, фикр юритишга йўллаш, уларнинг шахслик хислатларини шакллантириш, ўқувчилар қобилиятини ташхислаш ва уни ривожлантиришда педагогик вазиятлар яратиш, интерфаол методлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш асосида намоён бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Китоб ва туркум нашрлари

1.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами:

а)

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.-328 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. -Т.: Ўзбекистон, 1999.- 73б.
3. Каримов И.А Маънавий юксалиш йўлида. Т. :Ўзбекистон, 1998.- 78 б.
4. Каримов И. А. Биздан овоз ва обод ватан колсин.-Т.: Шарқ.- 234 б.
5. Абдуллоҳ Авлоний. Мухтасари тарихи анбиё ва тарихи ислом. -Т.: Фан, 1994.- 293б.
6. Абу Али ибн Сино. Тадбири манзил. -Душанба: Ирфон, 1980-420 б.
7. Адизов Б.Р.Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари.- Тошкент: Фан, 1997.-182-б.
8. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство.-Т. Фан ва ахборот технологиялари, 2006. -167 б.
9. Бикваева Н.И., Е.Янгабаева. Математика 3-синф Т., 2004 йил, 12-13 б.
- 10.Брушлинский А. Новые педагогические технологии.- М: Просвещение, 1999. – 567 б.
- 11.Беспалько В. П. Слагаемые педагогической технологии.- М.:Педагогика, 1989.-192 с.
- 12.Выготский Л.С. Педагогическая психология// под ред. В.В.Давидова. –М.:, Педагогика, 1999.-321 ст.
- 13.Голубева Э.А. Способности и индивидуальность. М., Знание 1999.- 163 ст.
- 14.Гуревич К.М. Психологическая коррекция умственного развития учащихся. –М.: 1990.-236 ст.

- 15.Дубровина И.В. Индивидуальные особенности школьников. –М.: Педагогика, 1991-277 с.
- 16.Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқувчисининг психологияси. Т., Ўзбекистон.- 30 бет.
- 17.Дик Н. Ф. Воспитываем личность . Феникс, 2005.- 320 ст.
- 18.Зак А.З. Как опеределить уровень развития мышления школьников. –М.: Знание, 1991.- 99 ст.
- 19.Икромов Р., Гуломов Х., Юлдошева Ш., Шодмонқулова Д. Она тили 4-синф Т.: Ўқитувчи, 2007. 68 б.
- 20.Каримова В. Психология. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. -206 б.
- 21.Каримова В.М. Суннатова Р. ва бошқалар. Мустақил фикрлаш. Академик литцейлар ва касб- хунар коллежлари учун ўқув қўлланма.- Т.: Шарқ, 2000.- 112 б.
- 22.Каримова В, Нишонова З. Мустақил ижодий фикрлаш ва шахсининг хиссий, иродавий ва интеллектуал хислатлари орасидаги боғланиш // Ж. Халқ таълими, 2001. № 3-6, 64-69- б.
- 23.Королева А.А. Внутренние потребности- как средство мотивация обучения.- М. : // Педагогичекие технологии 2005. № 1.-91 – 95.
- 24.Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М. : Знание, 1989 .- 75 с.
- 25.Кулюткин Ю.Н. Творческой мышление в профессиональной деятельности учетеля // Ж. Вопросы психологии –М. : 2004 - № 2.с. – 21 -30.
- 26.Кейран Л. Ф. Образовательные методы в учебном процессе.- М.:Логос,2003.-195 с.
- 27.Мунавваров А. Қ. Оила педагогикаси.-Т.: Ўқитувчи,1994.- 127 б.
- 28.Рубинштейн Л. С. Психология личности.-М.: Просвещение,1991.-237 с.

- 29.Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри.-Тошкент: Халқ мероси, 1993.-178 б.
- 30.Хайруллаев М. Абу Али ибн Сино. / Маънавият юлдузлари.-Тошкент : Абдулла Кодирий, 2001.-96б.
- 31.Шарипов А. Абу Райхон Беруний.- Т. : Фан, 1999.-114б.
- 32.Ғозиев Э. Тафаккур психологияси -Т.:Ўқитувчи, 1994.-292 б.
- 33.Леонтьев А.Н. Деятельность, сознание, личность. – М. : 1995.-304 с.
- 34.Леонтьев А.Н. О формирование способности // Ж. Вопросы психологии . 1989. №1. -14 с.
- 35.Левитов Н.Д. Субъект. Объект. Познание.- М. : Знание, 1999.- 47 с.
- 36.Лернер И.Я. Учебный предмет, тема, урок. – М. : МГУ. 1995.- 133с.
- 37.Мавлонова Р., Тўраева Р., Холиқбердиев К. Педагогика. – Т. : Ўқитувчи, 2002, - 384 б. 63.
- 38.Махмутов М.И. Проблемное обучение : основные теории. –М.: Педагогика, 1991.- 321 с.
- 39.Матчонов С. Китоб ўқишни биласизми? -Т.: Ўқитувчи 1993.-114б.
- 40.Матчонов С., Шожалилов А., Гуломова Х., Сариев Ш., Долимов З Ўқиш китоби 4-синф Т., Янгийўл полиграфсервис 2007. -156-157 б.
- 41.Немов Р.С. Психология : Учебн.пособия для учащихся пед . училищ, студентов пед. ин-ов, и работников системы подготовки, повышения квалификации и переподготовки пед. кадров. –М.: Просвещение, 1990.- 301 с.
- 42.Одаренные дети / Под ред. Г.В. Бурменский и В. С. Слуцкого. – М.: Педагогика, 1991.- 191 с.
- 43.Особенности психологического развития детей 6-7 летнего возраста / Под. Ред. Д.Б. Элконина , И.А. Венгера. – М.: Педагогика, 1988.
- 44.Основы возрастной педагогики.-М.: Академия. 2000.- 192 с.
- 45.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. Қарши.: Насаф, 2006. – 80б.

46. Педагогические основы формирования личности учащихся в средней общеобразовательной школе Республики Узбекистан на современном этапе : / коллектив авторов /. Под. ред. док.пед.наук В.И. Андрияновой. – Т.: Фан, 2005. - 166 с.
47. Педагогический энциклопедический словарь. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2003. - 331 с.
48. Психолого- педагогический словарь для учителей и руководителей общеобразовательных учреждений – Ростов н/Д : Феникс, 1998. – 544 с.
49. Пиаже Ж. Ребёнок и его развитие . – М.: Знание, 1984. - 508 с.
50. Педкасистый П.И. Самостоятельная познавательная деятельность школьников в обучении. – М. Педагогика, 1991. - 204 с.
51. Подласый И. П. Педагогика новый курс. Учебник для студ пед. вузов: В 2 кн. – М: Владос Кн 2 Процесс воспитания. – 256 с.
52. Петровский А.В., Брушленский А.В., Зинченко П. ва бошқалар. Умумий педагогика.-М.: Просвещение, 1986 йил нашридан таржима ўзбек тилига, -Т.: Ўқитувчи, 1992 й.
53. Ролф Дж. Критичность и самооценка в учебной деятельности. – М. : Орекс, 2005. – 254 с.
54. Рубинштейн С.Л. “Основы общей психологии” М., 1998 г 3-10 с.
55. Селевко Г. К. Традиционная педагогическая технология и её гуманистическая модернизация. – М.: 2005. – 144 с.
56. Скворцов Л.В. Культура самосознания : человек в поисках истины своего бытия. – М.: Политиздат . 1989. – 317 с.
57. Теплов, Ковалев, Рубинштейн ва б. Психология.
58. Уман А. И. Учебный задания и процесс обучения. -М.: Педагогика, 2003. – Н2. 5-6 с.
59. Умарова М., Ҳақимова Ш Ўқиш китоби 3- синф Ижод дунёси нашриёти 2004 йил 48-49 б.

60. Фелуштейн Д.И Психология и развивающаяся личность. – М.: Владос. 2003. – 456 с.
61. Фалсафа: қисқача изоҳли луғатлар. Муаллифлар: М.Н.Абдуллаева, М.Абдурашидов, У.Абилов ва бошқ. Масъул мухаррир: А.Жалолов. –Т.: Шарқ, 2004.-384 б.
62. Фалсафа асослари (тузувчи ва масъул мухаррир Қ.Назаров). –Т.: Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005-384 б.
63. Фалсафа: қомусий луғат (тузувчи ва масъул мухаррир Қ.Назаров) –Т.: Шарқ, 2004.-496 б.
64. Фузаилов С., Худайберганаева М., Она тили дарслик 3-синф. Т., Ўқитувчи нашриёти 2004 йил 13-14 б.
65. Хобсон Флейк. Развитие ребёнка и его отношение с окружающими. – М.: Торговый том грант. 1999. – 304 с.
66. Холиқов Э., Худойқулов Х. Ж. ва бошқ. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. Ўқув – услубий қўлланма фойдаланиш. – Т. : Т.Д.А.И, 1999.- 98 б.
67. Хуторский А.В. Развитие одарынности школьников: методика продуктивного обучения . – М.: Вадис, 2000. – 320.
68. Чаброва Т. Изословарь в картинках. –Т.: Ўқитувчи 1993
69. Шодиев Р.Д. Дидактические основы реализация проблемы понимания в учебно-познавательной деятельности: -автореф. Дисс. док.пед наук.-Т.: 2004 -43 с.
70. Эльконин Д.Б. Избранный психологических труды. М.: Педагогика 376 бет.
71. Эгамбердиева Ф. Адабий таълим самарадорлигини оширишда янги педагогик технологиялар: Пед фан. ном. дисс ва автореф.-Т.: 2005. 23 бет.
72. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. - 184 бет.

73. Якилганская И.С. Развитающее обучение. –М.: Педагогика, 1999 № 5 57-59 ст.
74. Ўқувчиларнинг кизиқиш ва мойилликлари диагностикаси.(методик тавсиялар)ю-Т.: РЎММ, 2001.-28 б.
75. Қосимов Б. Миллий ўғлоним.-Т.: Маънавият, 2002.-400б.
76. Қодиров Б.А. Традиционная педагогическая культура узбекского народа: автореф. дисс. Док.пед.наук -М.:-1992 -33 ст.
77. Қуронов. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия.-Т.: Фан, 1995. -118б.
- 78.Қучкаров А., Сакиқова Ш., Усмонова Р., Рахмонов У Математика 4-синф 2007. 8-9 б.
79. Ғозиев Э. Психология / Ёшлар психологияси: пед институтлари ва университетларининг талабалари учун ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1994.-223 б.
80. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси / Дорилфунун талабалари учун қўлланма. –Т.: ўқитувчи 1990.-184 б.
81. Ҳайдарова О.Қ. Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндашувга тайёрлаш. –Пед фанлари ном. ёзган автореферати. –Т.: 2004.-23 б.
82. Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж. Ва бошқалар. Педагогика –Т.: Фан, 2006.- 282 б.
83. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. –Т.: Ўзгинкомцентр, 2003.-103 б.
84. Ҳасанбоева О, Неъматова А., Ибрагимова Г Одобнома 4- синф Ўзбек миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти - Т.:2007.- 48-50 б.
85. Ҳасанбоева О., Неъматова А., Туробова М.Одобнома 3-синф Т., Ўзбекистон 2007.- 69 б.

б) бутун манбага ҳавола:

86. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2003.- 38 б.
87. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. -Т.: 1997 .
88. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. - Т.: 1997.
89. Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 1999.-228 б.
90. Бошланғич таълим Давлат таълим стандарти.-Т.: 2005.
91. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури, Бошланғич таълим, // Таълим тараққиёти. – Т .: Шарафлик. 1999. 1- махсус сон.
92. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар – Т. :Янги аср авлоди, 2001,184 б.
93. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат.-Т.: Шарқ, 1998.-177б.
94. Стъудент тақсимотининг критик қийматлари. Фишер тақсимотининг критик қийматлари. // Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика. / Расулов А. С. таҳрири остида.- Т.: Фан, 2005.-275.

В) икки муаллифнинг:

95. Ибрагимов Х. И., Абдуллаева Ш. А. Педагогика. Ўқув қўлланма.Т.: Фан, 2004.- 182 б.
96. Зуннунов А., Маҳкамов. Дидактика.-Т.Шарқ, 2006.-125 б.
97. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: Назария ва амалиёт.-Т.: Фан, 2005.-206 б.
98. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси -Т., «Ўқитувчи», 1997 , 188 б.

г) уч муаллифнинг:

99. Абдуллаева Ш.А., Сайитов С.С., Халикова Г.И. история педагогикаси и образования. Учебник.-Ташкент,2008.-298 с.

д) тўрт муаллифнинг:

100. Абдуллаева Ш. А., Ахатова Д. А., Собиров Б. Б., Сайитов С.С. Педагогика. Экспресс-маълумотнома.-Т.: Фан,2004.-264 б.

е) муаллифлар жамоаси учун:

101.

ж) даврий тўпламлар:

102. Бошланғич синф таълим ДТС. Она тили. Математика, Табиатшунослик // Таълим тараккиёти. 2-махсус сони, 2005.-78-86 б.

1.2. Кўп томлик китоблар:

Диссертация ва диссертация авторефератлари:

103. Бобомуродова А.Я. Она тили таълими жараёнида ўйин-топишмоқлардан фойдаланиш: Пед. Фан.ном. дисс. Автореф. 1997б 20 бет.
104. Исаева Г. П. Ўқувчиларнинг замонавий касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Тошкент, УзПФТИ, 2007.-19 б.
105. Комилова Г.О. Мактабгача ёшдаги (5-6 ёш) болаларга экологик тарбия беришда халқ топишмоқларидан фойдаланишнинг педагогик асослари: - Педагогика фанлари номзоди ёзган диссертацияси автореферати. – Т.: 2002 , 21 б.
106. Косогоева А.С. Педагогичесие основы творческого самовыражения как фактор становления будущего учителя: - Автореф. дисс. Док.пед.наук. –Хабаровск: 2000-45 ст.
107. Мурадова Д. Д. Педагогические основы развития креотивного мышления учащихся в процессе обучения гуманитарным дисциплинам (7-8 классы). – Автореферат диссерации канд.пед.наук.- Т.: 2006. - 24 с.

108. Маҳмудов М.Х. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари : - Пед. фанл.докторлик ёзилган дисс. Автореферати.- Т.: 2004.- 45б.
109. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. – Т.: Фан, 1993.- 112 б.
110. Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси.- Пед. фан. докт... ёзилган дисс.- Т. : 1998.- 288 б. Назарова Х.П. Дидактические основы обеспечения коммуникативной грамотности учащихся начальных классов : - Автореф. дисс... канд. пед.наук. – Т.: 200. – 21 с.
111. Яминова С. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда сценарийли ўқитиш усулидан фойдаланиш: Пед.фан.ном. дисс.автореф.-Т.: 1997-168 б.

Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар:

112. 144. Болтаева Ш. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш. // Халқ таълими, 2004, № 3.-34-34 бетлар.

Илмий ишлар тўпламларига ҳаволалар:

113. Болтаева Ш. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантириш. //Педагогика назарияси ва тарихининг айрим долзарб муаммолари. / Илмий ишлар тўплами.-Тошкент: Фан, 2006.-Б.142-144.

Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар:

114. Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 9-сессиясида сўзлаган нутқи. - Т.:Шарқ, 1997.- Б. 53.

Ўқув йили давомида ўқувчининг ижодий изланишлари

1- илова

Ўқувчининг исми шарифи Тошпўлатова Муниса 4 – синф.

1. Менинг ўқув йилида бажарган энг катта ишим.
 2. Йил ичида мен қандай ўзгардим _____
 3. Менинг энг катта муваффақиятим _____
 4. Менинг энг катта қийинчилигим _____
 5. Илгари мен нималарга қодир эмас эдим, ҳозир нималарга қодирман

 6. Мен нималарни ўргандим _____
- Она тили бўйича _____
- Инглиз тили бўйича _____
- Француз тили бўйича _____
- Рус тили бўйича _____
- Табиатшунослик бўйича _____
- Ижодий мулоҳазалари асосида ўқувчи ўз фаолиятида, эришгалари ҳақида ўқувчининг ўз-ўзини баҳолашдан кейин ўқитувчи ҳам ёзма тарзда баён этилган ўз баҳосини тайёрлайди. Ана шундай ўз-ўзини баҳолашга мисол келтирамиз.

Ўқув йили охирида ўқувчининг ўз-ўзини баҳолаши

2- илова

1. Курс бўйича машғулотларда мен :
_____ билдим
_____ тушундим
_____ ўргандим
2. Машғулотлар менда барчасидан яхши бўлди:
3. Менда асосий қийинчиликлар _____
4. Менда қандай ўзгаришлар юз берди: _____
- фан бўйича билимларимда _____
- ҳис қилиш ва сеза билишда _____
- менинг ижодий қобилиятимида (қатралар, эртақлар, шеърлар, ижод қилиш) _____
- мен ўз- ўзимнинг қандай инсон бўлишимни истайман _____

Бошланғич таълим ўқувчиларида ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришга

доир

Дарс ишланмалари

1 – дарс ишланмаси 2- синфда Ўқиш дарси

1. Мавзу: Дўст тутмоқ ҳақида

II. Дарснинг мақсади :

1. Таълимий мақсад: Матн ҳақида тушунча бериш, оғзаки нутқини ошириш;
2. Тарбиявий мақсад: Болаларда дўстлик туйғусини шакллантириш;
3. Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларда дўстлик қадри ҳақидаги тушинчани ривожлантириш;
4. Касбга йўналтирувчи мақсад: Ўқувчиларни меҳнатга қизиқувчанлигини ошириш;
5. Миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш: Ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, дўстга садоқат ғояларини сингдириш.

III. Дарс тури: ноанъанавий дарс

IV. Дарс жиҳози: Мақоллар, сюжетли расмлар, тарқатма материаллар, тестлар, дарслик, кўлланма.

V. Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм: Синфхонага кириб, ўқувчилар билан саломлашиш:

Кўксимизда кўлимиз,
Одобдир нишонимиз.
Бизлар деймиз доимо,
Ассалому алайкум.

Болалар билан саломлашиб бўлгач синфхонанинг тозалигини, даволатни навбатчи ўқувчи орқали аниқлаш. Ўқувчилар дарсга тайёргарлигини кўздан кечириш. Болалар диққатини жамлаш учун қуйидаги саволлар берилади:

1. Бугун санамиз нечанчи ?
2. Ҳафтанинг қайси куни?
3. Ҳозир қандай фасл ва ҳ.к.

Давлатимиз рамзлари такрорланади:

1. Давлатимиз номи:
 2. Ўзбекистон Республикаси конституцияси:
 3. Давлат тили:
 4. Давлат герби, байроғи, мадҳияси :
 5. Ўзбекистон Республикаси пойтахти:
 6. Республика фуқаролари:
 7. Давлат мукофотлари:
 8. Давлат пули, валюта:
 9. Миллий байрамлар:
 10. Ўзбекистон Республикаси Президенти:
2. Асосий қисм:
- а) Ўтган мавзунини сўраш: Болалар ўтган дарсимизда қандай мавзунини ўтган эдик ? Дарсимизга ҳамма тайёрми ?
Ўқувчилардан “Куй сеҳри” эртагининг мазмуни сўралади.
Саволларга жавоб берган ўқувчилар рағбатлантиради.
- б) Ўтган мавзунини мустақамлаш: мавзу юзасидан ўқувчиларга саволлар берилади :
1. Нима учун эртақнинг сарлавҳаси “Куй сеҳри” ?
 2. Гулпарни ёвни қандай енгади ?
 3. Подшо нимага ажабланади ?

4. Эртактаги қайси қахрамон?
5. Гулпарининг яхши хислатларини айтинг ?
6. Сиз эртакка қандай сарлавҳа қўйган бўлар эдингиз ?

Одоб, ахлоқ, яхши хислатлар ҳақида ўқувчиларга мақоллар келтириш топширилади.

в) Янги мавзу баёни (театрлаштирилган)

- Синф хонасига эртақ қахрамонлари “Зумрад” ва “Қиммат” тимсолидаги 2 қиз кириб келишади.

Улар ўзаро китоб талашишади. Зумрад китобни ўқиётган бўлади. Қиммат уни оламан деб йиртиб қўяди ва Зумрад билан жанжаллашади. Шунда ўқитувчи болаларга савол беради:

- Ие болалар бу қизларимиз ким ?

Ўқувчилар жавоб беришади :

- Бу қизлар эртақ қахрамонлари “Зумрад” ва “Қиммат” бўлади.
- Қиммат тўғри иш қилдими ?
- Йўқ.
- Китобларни қандай сақлашимиз керак?
- Тоза ва йиртмасдан.

Бир ўқувчи китоб ҳақида шеър айтади:

Танишайлик мен – китоб,
Асл билимларга кон.
Бойлик берай беҳисоб,
Бўлсанг агар қадрдон.

Лекин йиртиб бурдалаб,
Камайтирма варағим.
Сендан яна бир талаб:
Ифлос қилма ҳеч ёғим.

Яна бир ўқувчи дўстлик ҳақида шеър айтади:

Қандай яхши

Боғларда гул кўкарса

Қандай яхши

Дўстлар сафи кўпайса

Қандай яхши

Дўстлар билан уй тўлса

Қандай яхши

Барча бола дўст бўлса

Шундан кейин “Қиммат” ўз хатоларини тушиниб китобларни йиртмасликка, Зумрад билан дўст бўлишга сўз берди. Улар ҳам ўқувчилар сафига қўшилади.

Ўқитувчи болаларга : Янги мавзу “Дўст тутмоқ ҳақида” матнни сўзлаб бераман :

Эй фарзанд, ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қил: Дўстинг кўп бўлса, юкнинг енгил бўлур. Дўстларингга мурувватли, шафқатли бўлгин. Ҳар бир ишни инсоф билан қилгин. Дўстингдан ҳеч нарсани аяма. Дўстингнинг ташвиши сенинг ташвишинг бўлсин. Дўсти кўп одамлар бахтли ҳисобланадилар. Дўст бўлиш осон лекин дўстликни сақлаш қийин

Ҳикоят : Бир қишлоқда икки қўйчивон Моҳир ва Зоҳир яшаган экан. Улар аҳил дўст эканлар . Бир куни Зоҳир шаҳарга иш билан кетибди. Қўйларга Моҳир қараб турибди. Юртда очлик экан. Моҳир қўйлардан иккитасини сотибди ва Зоҳир келгач қўйнинг йўқолганини айтибди. Зоҳир дўстининг ёлғон гапирганини сезибди ва “Мен туш кўрдим . Сен икки қўйни етаклаб кетаётганигда ҳамма ёқ қоронғу бўлибди. Сен ғойиб бўлибсан. Қўйлар маърабди. Уйғонсам тушум...”

Мана шерида ҳикоятни тўхтатаман. Ўқувчиларга “ақлий хужум” ўтказаман:

Синф дафтарингизга ҳар бирингиз ҳикоятнинг давомини мустақил ёзинг. Ўқувчилар мустақил фикр юритадилар. Фикрлар эшитилади ва яна ҳикоят давом эттирилади:

Моҳир дўстининг дардидан изтироб чекибди. Қўйларни сотганини ва буни ундан яширганини айтибди. Энди ҳеч қачон ёлғон сўзламасликка сўз берибди. Шундан сўнг бу икки дўст аҳилликда яшабди.

д) Янги мавзун мустаҳкамлаш: Болаларга саволлар билан мурожаат қиламан.

1. Дўст сўзи нимани англатади?
2. Ҳикоятдан қайси боладан ўртак олишингиз керак?
3. Моҳир тўғри иш қилдими ?

Мавзун мустаҳкамлаш учун “Кластер” ўйинини ўтказамиз. Доскага мақоллар ёзилган плакатни иламан.

Она юртинг- олтин бешигинг
Олтин ўтда билинади,
Одам меҳнатда.

Дўстсиз бошим - тузсиз ошим.

Ватанинг тинч- сен тинч.

Қуёш ҳавони иситар,
Дўстлик қалбни.




Она юртинг омон бўлса,
Рангу рўйинг сомон бўлмас.

Ер эгаси бўлма,
Меҳнат эгаси бўл.

Дўст сўзини ташлама,

Ташлаб бошинг қашлама.

Болаларга қўйидаги шаклларни тарқатаман. Уларни 3 гуруҳга ажратаман.



3 та гуруҳ ўқувчилари мақоллардан ажратиб ўз гуруҳларга мансубини ёзишади. Қайси гуруҳ биринчи ва тўғри бажарса, ўша гуруҳ ғолиб ҳисобланади. Мақолларнинг ҳар бири гуоуҳ қатнашчилари томонидан шаврҳланади. Ғолиб ўқувчилар рағбатлантирилиб, байроқчалар берилади. Тестлар ечилади.

3. Якуний қисм.

а) ўқувчиларни баҳолаш ва рағбатлантириш.

Дарс давомида фаол қатнашган ўқувчиларни рағбатлантираман ва рейтинг тизими бўйича 3 балл ва 2 балл қўйиб чиқаман.

б) уйга топшириқ бериш. Ижодий иш “Дўстларим ” мавзусида кичик ҳикоя тузиб келиш. Дарсликдаги мавзунини ўқиб келиш.

2- дарс ишланмаси

Фан: Математика

Синф: 1- синф

Мавзу: Қўшиш ва айиришнинг қўлай усуллари. 1-6 мисол ва масалалар.

1. Таълимий мақсад: Математика фани илм- фан ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тушинтириш.

2. Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларни математикани севишга ўргатиш.

3. Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларни нутқ маданиятини ўстириш, мавзу бўйича билимларини ривожлантириш. Ўқувчиларни мустақил фикр бриташи, мушоҳада қилиш ва хулоса чиқаришга ўргатиш.

4. Касбга йўналтирувчи мақсад: Касб танлашда математика фанининг аҳамияти ва ўрни катта эканлигини тушинтириш, ўқувчиларни ўзлари қизиққан касбга йўналтириш.

Дарс тури: амалий- ижодий машғулот, фанлараро боғланиш.

Аралаш дарс услуби : Маънавий дарс кичик гуруҳларга ишлаш савол-жавоб.

Дарс усули: Ақлий хужум.

Дарс жиҳози: Кўргазма, тест саволлари, тарқатма материаллар.

Дарс бориши : Ташкилий қисм: Дарс ўз вақтида бошланади. Ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги кўриб чиқилади. Навбатчи иши баҳоланади. Дарсдаги даволат аниқланади.

САВОЛ- ЖАВОБ

1. Ҳозир қандай фасл?
2. Нечанчи ой?
3. Бир йилда нечта фасл, неча ой бор?
4. Бир йилда неча ой бор?
5. 12 сонидан нечта ўнлик ва нечта бирлик бор?

Жавоб: 12 сонидан 1 та ўнлик ва 2 та бирлик мавжуд.

6. Биз математика фанидан нималарни ўрганамиз?

Жавоб: сонларни ўқишни, ёзишни уларни бир-бирига қўшишни ва айиришни, масалалар ечишни ўрганамиз.

Кейин биргаликда математика ҳақида шеър айтадилар.

Математика фанлар ичра шох,

Унинг сирларидан бўлингиз огоҳ.

7. 20 гача бўлган тоқ сонларни айтиб беринг.

Жавоб: 1, 3, 5, 7, 9, 11, 13, 15, 17, 19.

8. 1 дан 20 гача бўлган жуфт сонларни айтиб беринг.

Жавоб: 2, 4, 6, 8, 10, 12, 14, 16, 18, 20.

II. Асосий қисм:

Янги мавзу: 1-6 мисол ва масалалар. Қўшиш ва айиришни қулай усуллари ҳақида тушинча берилади ва мисоллар ечилади, тушинтирилади:

$$10 + 5 + 20 = (10 + 20) + 5 = 30 + 5 = 35$$

Ифодадаги 10 ва 20 сонлари қавсга олинади чунки қулай ҳисоблаш усули мисолни тез ечилишига олиб келади. Биринчи навбатда ҳар доим берилган

ифодадан қайси сонларни ҳисоблаш осон бўлса алоҳида олинади, кейин навбатма навбат қўшилади.

$$19 + 3 + 1 = (19 + 1) + 3 = 20 + 3 = 23$$

Қулай усул қўлланилади.

19 ва 1 сонлари қавс ичига олинади ва қавс ташқарисига 3 сони ёзилади, қавс ичини биринчи бўлиб, қўшиб оламиз – 20 бўлади. 20 сонига қавс ташқарисидаги 3 сонини қўшсак йиғиндимиз 23 га тенг бўлади.

$$84 + 7 + 6 = (84 + 6) + 7 = 90 + 7 = 97$$

$$53 + 4 + 7 = (53 + 7) + 4 = 60 + 7 = 67$$

Ушбу ифодалар ҳам юқоридагилардек ўқувчилар билан бирга ечилади.

2- масала: Ликопчада бир нечта сомса бор эди. 12 таси ейилгандан кейин 6 дона қолди. Ликопчада нечта сомса бор эди ?

Қисқа шарт тузилади.

Ейилди - 12 та

Қолди- 6 та

Бор эди - ?

Ечиш:

$$12 + 6 = 18 \text{ жавоб: } 18 \text{ та сомса бўлган.}$$

Қўшимча: Ликопча нима? Сомса нима? Улар нима учун керак. Саволлар берилади.

3-масала: Буёқчи уста бир кунда 10 та столни, шогирди эса ундан 6 та кам столни бўяди. Уста билан шогирд бир кунда нечта столни бўйашган?

Қисқа шарт тузилади.

Уста -10 та стол

Шогирд- ? 6 та кам

Ечиш:

$$1) 10 - 6 = 4. \quad 2) 10 + 4 = 14$$

Жавоб : Иккаласи 14 та стол бўяшган.

4-мисол. Катакчалар ўрнига $=$, $>$, $<$ белгиларини қўйиб мисолни ечамиз.

Мустақил иш берилади.

$$23 + 7 = 30$$

$$56 - 4 < 56 + 4$$

$$74 + 6 = 80$$

$$27 - 7 > 27 + 3$$

5-мисол. Қўшилувчи ва айрилувчи сонларини топамиз катакчалар ўрнига сонларни қўямиз.

$$40 + 10 = 50$$

$$37 - 7 = 30$$

$$18 - 8 = 10$$

$$20 + 20 = 40$$

$$70 - 30 = 40$$

$$23 - 20 = 3$$

$$30 + 30 = 60$$

$$70 - 40 = 30$$

$$40 + 5 = 45$$

Катакчалар ўрнидаги сонни қандай топиш ўргатилади.

Масалан: $40 + \square = 50$ бўлса 50 дан 40 ни айирамиз. Яъни иккинчи қўшилувчини топиш учун йиғиндидан қўшилувчини айирамиз.

Иккинчи қўшилувчи келиб чиқиши кўрсатилади. Қолган мисоллар болаларни доскага чиқариб ечилади.

6-мисол. Эчкидан 3 литр сигирдан эса 10 литр сут соғиб олинди. Сигир ва эчкидан неча литр сут соғиб олинган ?

Эчкидан – 3 л

Сигирдан- 10 л

Ҳаммаси - ?

Ечиш: $10 + 3 = 13$

Жавоб: 13 литр.

Уйга топшириқ:

$$10 + 6 + 20 = (10 + 20) + 6 = 26$$

$$18 + 3 + 2 = (18 + 2) + 3 = 23$$

$$44 + 7 + 6 = (44 + 6) + 7 = 57$$

Дарсни мустаҳкамлаш. Ўқувчилар гуруҳларга бўлиб топшириқлар берилади.

Биз бугун қўшиш ва айиришнинг қандай усулини ечдик

Жавоб: биз қўшиш айиришнинг қулай усули билан ҳисоблашни ўргандик.

2. Биз масала ечганда қандай амаллардан фойдаланиб ечдик?

Жавоб: Қўшиш ва айириш амалларидан.

Тест саволлари

1) $15 + 6 = ?$ бўлади

а) 20 б) 21 в) 22

2) $4 + 6 \square 10 + 8$ қандай белги қўйилади ?


а) $>$ б) $<$ в) $=$

3) Бир йилда нечта ой бор?

а) 11 та б) 10 в) 12 та

4) Бир ҳафта неча кундан иборат ?

а) 6 кун б) 7 кун в) 8 кун



Бу кўргазма орқали катакчага қандай сон қўйсак 80 ҳосил бўлиши топилади.
Ўқувчилар баҳоланади, рағбатлантирилади.

Дарс якуни: ўқувчилар билан хайрлашиб дарс якунланди.

3- дарс ишланмаси

Фан : Она тили

Синф: 1- синф.

Мавзу: 42-44-машқлар. Ундош товушлар ва ҳарфлар.

1. Таълимий мақсад: Ўқувчиларга ундош товушлар ҳақида тушинча бериш. Чиройли ёзиш қондасига амал қилиш. Ҳарф бирикмаларини билиш.
2. Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларда Ватанга муҳаббат ҳиссини мустаҳкамлаш. Билимга чанқоқликни, топқирликни ўқувчиларда таркиб топтириш.
3. Ривожлантирувчи мақсад Ўқувчиларни ёзма нутқини ошириш, ифодали ўқишни ўргатиш.
4. Касбга йўналтирувчи мақсад: Ҳар бир касбни эгаллашда ўз она тилини билишлик қанчалик аҳамият касб этиши тушунтирилади. Ҳаётда касбни тўғри танлай олиш.
5. Миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онгига- миллий қадрият, миллий урф-одатлар, миллатга ҳурмат туйғуси орқали сингдириш.

Дарс типи: Аралаш.

Дарс услуби: Янги билим бериш.

Усул: Ақлий ҳужум

Жиҳоз: Кўргазма, тест, қўшимча қўлланма

Дарсинг бориши:

1) Ташкилий қисм: Кўнғироқ бўлгач дарс бошланади. Ўқувчиларни дарсга тайёргарлиги, синф хонасини дарсга тайёргарлиги кўрилади. Дарс она тили эканлиги айтилади. Ўқувчилар давомати навбатчи орқали олинади.

Ўтган мавзу сўралади.

Савол-жавоб ўтказилади:

1. “Она тили” шеърини ким ёзган ?

Жавоб: Муҳаммад Юсуф.

2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили қайси тил ?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тилидир.

3. Тинчлик яшар шеърини ким ёзган?

Жавоб: Обид Расул.

4. Ўзбек ёзувида яъни лотин алифбосида нечта ҳарф бор ?

Жавоб: 29 та ҳарф бор.

5. Товушлар ёзувда нималар билан ифодаланади ?

Жавоб: Товушлар ёзувда ҳарфлар билан ифодаланади.

6. Унли ҳарфлар нечта ?

Жавоб: 6 та унли ҳарф бор: о, а, и, у, ў, е.

Болалар баҳоланади

-Янги мавзу баёни

42-44 машқлар

42-машқ. Кўчиринг ҳарф бирикмалари тагига чизинг ?

Чотқол, Чирқик, чумоли, шамол, бошқоқ, бодринг, тонг.

Бу сўзларнинг маъноси тушунтирилади.

Дафтарларига ёзилади.

43-машқ. Топишмоқларни ўқинг ва жавобларини айтинг.

1. Тег-тег десам тегмайди,

Тегма десам тегади.

Жавоб : Лаб.

2. Ер остида олтин қозик,

У ҳаммага берар озик.

Жавоб: Сабзи.

3. Қозик устида қор турмас

Жавоб: Тухум.

4. Қўлсиз, оёқсиз эшик очар

Жавоб: Шамол.

Ҳарф бирикмаси қатнашган топишмоқни, жавобини ҳам дафтарингизга ёзинг.

Ёз фасли тасвирланган расм устида ҳикоя туздирилади. Ҳар бир бола ўз фикрини қисқа ҳикоя қилиб беради. Ўқитувчи фикрларни умумлаштиради. Ўқувчилар кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга савол-топшириқлар берилади.

Топшириқларда- ундош товушлар тагига чизиш айтилган бўлади.

Қайси гуруҳ биринчи бажарса рағбатлантирилади.

<u>Бу</u> ри	О <u>т</u>	Қур <u>ба</u> қа
Ту <u>л</u> ки	С <u>и</u> гир	Су <u>в</u>
Г <u>у</u> л	Му <u>ш</u> ук	О <u>л</u> ма
До <u>н</u>	Ҳ <u>о</u> вли	Ў <u>р</u> мо <u>н</u>

II. босқич гуруҳларга тест саволлари берилади. Калитлар текширилади.

1. Ёз фаслига қайси ойлар киради ?

- а) сентябр, декабр, май.
- б) октябр, август, сентябр.
- в) июн, июл, август.
- д) апрел, март, июн.

2. Қайси бири унли ҳарф ?

- а) а
- б) к
- в) и

3. Қайси сўз ўқув қуроли ҳисобланади ?

- а) китоб
- б) пишлоқ
- в) соат

4. Қайси бири ҳарф бирикмаси ?

- а) к
- б) л

в) ч

5. Гули чой дамлади. Қайси сўзда ҳарф бирикмаси.

а) Гули

б) чой

в) дамлади

Гуруҳлар баҳоланади, фаол қатнашган гуруҳ ўқувчилари баҳоланади .

Уйга вазифа: 44- машқ.

Дарсни мустаҳкамлаш

Савол-жавоб

1. Ундош товушлар қандай талаффуз қилинади?

2. Нечта ундош товуш бор?

3. ...

Ўқувчилар балланади.

Дарс яқунланади.

“Одобнома ”фанидан бир соатлик ноанъанавий дарс ишланмаси.

Синф: 2-синф

Мавзу: “Она табиат-гўзаллик манбаи. Уни асраш бизнинг бурчимиздир”

Дарсинг мақсади: Ўқувчиларни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш.

Уларни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга, яшил бойликларимизни авайлаб-асрашга, жониворларга ғамхўр бўлишга ўргатиш.

Дарсинг жиҳози: турли расмлар, харита, тест саволлари ёзилган карточкалар.

Дарсинг тури: Ноанъанавий дарс.

Дарсинг бориши:

Ўқитувчи: Азиз ўқувчилар она табиат бир мўъжизадир. Унинг беқиёс гўзалликларини тоғу-тошлар, қир-адирлар, дала-даштлар, кушлар, ҳайвонлар, хашоратлар, мовий осмон, қуёш, ой, мусаффо ҳаво умуман бутун борлик нафосатини ҳис этиш инсонга завқ-шавқ бағишлайди. Теварак атрофимиздаги табиат Ватанимизнинг бир бўлагидир. Шу замин, шу тупроқ,

шу борлиқни эъзозлашимиз, унга меҳр – муҳаббат билан муносабатда бўлишимиз керак.

Биз чор атрофни қанча озода сақласак, ҳаётбахш неъмат-сувни исроф қилмасак, ўсимлигу- ҳайвонларга ғамхўр бўлиб, уларни меҳр билан парвариш қилсак она табиат ҳам биздан ўз мурувватини аямайди.

Энди эса болажонлар сизлар билан табиат қўйнига саёҳатга чиқамиз:

Биринчи ўқувчи:

Баланд тоғлар бизники,
Тоғларга йўл олайлик.
Чаман боғлар бизники,
Боғларга йўл олайлик.

Иккинчи ўқувчи:

Боғимизга бир қаранг,
Гул очилди ранг-баранг.
Тонгда шудринг тушибди,
Гулга чирой қўшибди.

(Боғда қушларнинг ёқимли сайраши эшитиларди)

Учинчи ўқувчи:

Турналар ҳой турналар,
Пастлаб учингиз.
Бизнинг кул ва дарёлар
Бағрин қучингиз.

(Қушлар тилга киради)

Попишак:

Ола-була қанотим,
Ёпинчиғим банотим.
Тожимни бўянг созлаб,
Патларимни пардозлаб.
Узун тумшуғим билан
Йўл четларин ковлайман

Қурт-қумурсқа овлайман.

Узунқуйруқ:

Ола-була қанотим,
Тиним билмай учаман.
Бошимда кўкиш қалпоқ,
Қуйруғим-узун тароқ.

(Қушларнинг ёқимли овози гулларни ҳам суҳбатга тортади).

Биринчи ўқувчи:

Ҳой, гулбеор-гулбеор,
Қанча ўртоқларинг бор.

Иккинчи ўқувчи:

Чучмомаю гулнора,
Райҳон, бинафша, лола.
Тугмачагул бойчечак,
Қизил, пушти гулчечак,
Оппоқ нарғиз гулхайри,
Боғда ўсади бари.

Ўқитувчи томонидан тест саволлари тарқатилади.

Ўқувчилар топшириқни юажаргунларига қадар икки ўқувчи иштирокида мусобақа ўтказилади. Улар Ватан ҳақида ким кўп мақол билиши ҳақида беллашадилар.

Ҳар бир айтилган мақол учун биттадан мева шакли совға қилинади. Мусобақа якунида тўпланган совғалар жамланиб ғолиб аниқланади, рағбатлантирилади.

Шундан сўнг тест саволлари фиғиб олинади ва натижалари эълон қилинади.

Синфга боғбон ота кириб келади. У болалар билан саломлашгач, уларга бир неча саволлар билан мурожаат этади.

-Болалар ўтган йилимиз қандай ном билан аталган эди ?

Ўтган 2004 йил “Меҳр – мурувват йили” деб аталди.

Боғбон ота болаларга “Меҳр мурувват йили” да амалга оширилган эзгу ишлар ҳақида айтиб беради. Болаларни бир- бирига нисбатан меҳрибон бўлишга чақиради. Меҳр ва мурувват бу нафақат инсонларга балки табиатга ҳам кўрсатилиши зарур бўлган ажойиб ҳислат ифодаси эканлигини айтиб ўтади. 2005 йил “Сиҳат саломатлик” йили ҳақида ҳам сўзлайди. Унда ҳар бир ўқувчи ўз соғлиғига эътибор бериши учун доимо бадан тарбия, шахсий гигиенага эътибор бериши спорт билан доимий шуғулланиш кераклигини тушунтиради. Зеро, “Соғ танда- соғлом ақл” деган мақол бежиз айтилмаган.

Боғбон ота болалардан ватан ҳақида шеър, кўшиқлар биласизларми дея сўрайди. Ўқувчилар шеър, кўшиқлар айтишади. Шундан кейин отахон табиатни асраш ҳақида болаларнинг билимларини синаб кўради.

(Бу борада ўқитувчи бир нечта савол ҳам тузиши мумкин)

Сўзнинг якунида боғбон ота ўқувчиларга насиҳат қилади.

- Болалари, табиат бойликларини асранг ва авайланг. Токи, бу бойликлар келгуси авлодларга ҳам насиб этсин.

Мактаб ҳовлиси, кўчаларга дарахт кўчатлари экиб парвариш қилинг.

Йилда тўрт марта дарахтларни оқлашни унутманг, ўшанда зараркунанда ҳашоратлар уларга камроқ зарар еткази. Уйда синф хоналарига гуллар ўстиринг ва кўпайтиринг. Ариқ ва ҳовузларга ахлат ташламанг. Оқар сувларни тоза сақлашликни унутманг.

Қанотли дўстларимиз- кушлар учун ин, донхўрак ясаб, уларни муҳофаза қилинг. Қиш кунларида уларга дон бериб туришни ҳам эсдан чиқарманг.

Ўзбекистон Конституциясининг 50- моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” деб белгилаб қўйилган. Бу ҳозирги ҳамда келажак авлодлар олдида ниҳоятда катта маъсулият юкланганлигидан далолатдир. Демак, сизлар ҳам, болаларим шуни унутмангки, биз она табиатни қанча авайлаб асрасак, ҳаётимиз шунча

кўркам бўлади. Бундан ташқари, конституциямизнинг 55- моддасида ҳам табиат унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини, бу бойликлар умумхалқ мулки ҳисобланиб улардан давлат муҳофазасида эканлиги ёзиб қўйилган. Демак, она табиат барчамизники, уни авайлаб асраш ҳам барчамизнинг бурчимиздир. (Боғбон ота ўқувчилар билан хайрлашиб чиқиб кетади).

Ўқитувчи дарсни она табиатга муҳаббат, ватан ва ўз миллати билан фахрланиш туйғусини улуғлиги ҳақидаги сўзлари билан яқунлайди.

- Ватан туйғуси она ватанзимизни қадрлаш, унинг буюклигини тан олиш, душманлардан ҳимоя қилиш, керак бўлса жонини фидо қилишидир. Ватан туйғуси билан яшаган боболаримиз уни кўз қорачиғидек асраганлар.

Муқаддас ватан туйғуси бизга боболаримиздан меросдир. Сиз ҳам болалар, ўз ватанингизнинг, унинг табиий бойликларини севинг, ҳар бир қаричини кўз қорачиғидек асранг.

Ўқитувчи дарс якунида ўқувчиларнинг олган баҳоларини эълон қилади.

Уйга топшириқ : “Она қишлоғим табиати” мавзусида иншо ёзиб келиш топширилади.